*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2009** йил, **3** апрель, жума № **14** (2297). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **3** апреля, **2009** год, № **14** (2297). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

**E-mail: vatan@rol.uz**

В розницу – цена договорная


...АРМИЯМИЗ ОНА ВАТАН ХАВФСИЗЛИГИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧ МЕҲНАТИ ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТИНИ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДАН ИЗЧИЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИШОНЧЛИ КАФОЛАТИГА АЙЛАНДИ.

**Ислом КАРИМОВ**

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март куни Оқсаройда Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккийни қабул қилди.**

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга, умуман, Ўзбекистоннинг араб дунёси билан ҳамкорлигига доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйилган. Уммон араб дунёсининг нуфузли давлатларидан. Уммон билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун бошқа араб мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашнинг янги имкониятларини очади. Ўз навбатида Уммон Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қарайди. Мамлакатимиз билан алоқаларни кенгайтириш орқали бутун минтақа билан ҳамкорликни ривожлантириш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон ҳам, Уммон ҳам ёқилғи-энергетика мажмуида улкан салоҳиятга эга, қишлоқ хўжалиги соҳасида катта тажриба орттирган. Нефть-газ соҳасида қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшма тадқиқотлар олиб боришдан икки томон ҳам манфаатдор. Икки мамлакат ҳам сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида яхши имкониятларга эга. Хусусан, Уммонда Ўзбекистоннинг тарихий обидаларини, муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишга қизиқиш катта.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Уммонда катта мамнуният билан қарши олинган эди. Халқларимиз кўплаб муштарак анъана ва қадриятларга эга эканлиги гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон билан Уммон ўртасида илм-фан, таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Уммон мутахассислари Ўзбекистонда ўтадиган халқаро илмий анжуманларда мунтазам иштирок этади.

Аҳмад бин Абдунаби Маккий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**



Баҳром АБДУРАҲИМОВ сурата олган.

*Машқлар майдонида синалар, посбон*




## HAFTADAN HAFTAGACHA

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ «ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

•

Тошкент шаҳрида 27 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

•

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда кун тартибида белгиланган масалалар кўриб чиқилди.

•

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ташаббус–2009» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтиб, ғолиблар номлари эълон қилинди.

**ЎзА материаллари асосида тайёрланди.**

## ШУ СОНДА


| | | | |
|---|---|---|---|
| • Офицерлик Каттабекнинг катта орзуси | 6 | • 2256 йилдан келган «меҳмон» | 16 |
| • Меҳр ила улашар шифо | 8 | • Кеча аскар – бугун «Камолот» стипендиати | 18 |
| • Қизи борнинг қадри бор | 10 | • Чевар қўллар мўъжизаси | 19 |
| • Чекувчиларнинг автомобили нега арзон? | 11 | • МҲСК жамоаси – биринчи | 23 |
| • TV дастур | 12-13 | • Театр актёрлари – ҳарбийлар меҳмони | 24 |





3 НАЧАЛО УЧЕБНОГО ГОДА

НАСТРАИВАЕМСЯ НА СОПЕРНИЧЕСТВО





7 АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

МАРДЛИК МАКТАБИН ЎТАГАН ЙИГИТЛАР





17 ТАЪЛИМ

ЖОЙЛАРДА ХАРИТАСИЗ ЧАМАЛАШ





21 ТАРИХ

АМИР ТЕМУР – МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯЛАРИДА

# ЖАРАЁН

## «БУДЕМ СЛУЖИТЬ ДОСТОЙНО!»





– Кажется, еще вчера мы были дома, занимались своими делами, а вот сегодня мы уже солдаты, – рассказывает рядовой Азим Рустамов. – Позади пройденный нами курс начальной подготовки. Надолго запомнится торжественный момент в нашей армейской жизни – день принятия Военной присяги. В присутствии родителей и родных, большого числа гостей мы приняли Военную присягу на верность Родине, народу и Президенту.

С этим радостным событием новое поколение защитников Родины поздравили представители командования Академии Вооруженных Сил Республики Узбекистан, государственных и общественных организаций, друзья и родители.

...Крепкие духом, красивые и гордые, четким шагом выходили они перед строем своих товарищей и уверенным голосом зачитывали святые строки Военной присяги...

– В настоящее время, – говорит в беседе рядовой Улугбек Алиев, – нас, прибывших из различных областей Республики Узбекистан, распределили по секциям, группам в подразделение старшего лейтенанта Мансура Назарова. – Встретили здесь хорошо. Окружили вниманием и заботой. Так что требуется одно – честно и добросовестно служить, к чему мы и стремимся с первых дней.

Командование назначило их на должности, соответствующие их подготовке.

– Как выяснилось в ходе знакомства, – рассказывает старший лейтенант М. Назаров, – к нам пришли хорошо подготовленные ребята. Многие до службы в армии обучались в учебных организациях ОСО «Ватанпарвар», приобрели воинские специальности, занимались допризывной подготовкой и спортом, участвовали в общественной жизни коллектива, где учились или работали. А сейчас они уже успешно решают новые задачи, стоящие перед нашим подразделением.

– Новое пополнение уверенно становится в строй, – констатирует командир группы старший лейтенант Ахрор Пардаев. – Парни с первых дней сразу же окунулись в атмосферу армейской жизни. Проявляют инициативу, активно участвуют в общественной жизни. Да это и не удивительно. Ведь почти все они имеют среднее и среднетехническое образование. И, что самое главное, проявляют во всех делах дисциплину и организованность. Серьезное внимание уделяем формированию у каждого из них глубокого понимания своего патриотического долга, сознательного и безупречного выполнения требований Общевоинских уставов и Военной присяги.

– У меня сложились самые добрые впечатления о нашем подразделении, – говорит рядовой Акбар Эргашев. – На первых порах многим из нас непривычным казался жесткий распорядок дня. Но через это мы прошли, так как постоянно ощущаем моральную поддержку со стороны наших командиров. Живем дружной армейской семьей.

– Я, например, к службе готовился заранее, – продолжает разговор рядовой Озод Саидов. – Знал, что воин должен быть сильным, выносливым, решительным, настойчивым в достижении намеченных целей, смелым и мужественным. Потому я серьезно занимался спортом, следовал режиму дня, приближенному к армейскому. Словом, вырабатывал характер, силу воли. На собственном опыте убедился, что этого можно добиться путем регулярных тренировок.

Вот такие парни пришли служить в это подразделение. Командиры тепло отзываются о каждом новичке, ведь они вложили немало труда и усилий в их солдатское становление. Успешной службы!

**Капитан Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото Сергея СПИРИДОНОВА.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг мажлислар залида Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида авф этишни амалга ошириш тартиби ҳақида»ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони юзасидан ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.**

Анжуманда Ҳарбий суд, Ҳарбий прокуратура ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия подполковниги Ёрқул Сафаров очиб, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришга қаратилгани қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 август куни эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги, 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари ва давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида авф этишни амалга ошириш тартиби ҳақида»ги ва бу муҳим ҳужжатлардан келиб чиқадиган Низом борасида алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўқув семинар машғулоти иштирокчилари кун тартибидаги масала бўйича ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан фикр алмашишди.

**Адлия подполковниги**
**Бахтиёр МИРМАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Ҳарбий прокурорининг**
**катта ёрдамчиси.**

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

## ХИЗМАТ АЪЛО – ЮТУҚЛАРИ КЎП

**Бугун Қуролли Кучларимиз сафида ҳар томонлама етук, профессионал ҳарбийларимиз талайгина. Уларнинг қилаётган эзгу ишларини барчага ибрат қилиб кўрсатсанг, арзийди. Мана шундай фидойи, юрт ҳимоясига камарбаста, Ватан олдидаги шарафли вазифасини муносиб ўтаб келаётган ҳарбий хизматчиларидан бири майор Файзулло Омоновдир. Унинг намунали хизматлари инобатга олиниб, Президентимиз Фармонига кўра, Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофоти – «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.**

Ёшлигидан ҳарбийлик касбига бўлган ҳавас уни Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти томон етаклади. Билим юртини намунали ва аъло баҳоларга тугатиб, илк фаолиятини гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида муваффақиятли бошлади. Ҳозирда батальон командирининг ўринбосари вазифасида самарали хизмат қилиб келмоқда.

Ушбу офицер ҳақида мақола ёзаяпману, унинг илк хизмат онлари кўз олдимда гавдаланаяпти. Чунки шартнома асосида хизмат қилиб юрган кезларимда у ёш офицер сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди. Файзулло кўнгли очиқ, самимий, ён атрофидагиларнинг қувончу ташвишига шерик бўла олиши, кенг фикрлаши, етарли билимга эгалиги билан эътиборни тортарди. Машғулотлар давомида қўл остидагиларнинг кўпроқ билимга эга бўлиши, ўқиб-изланишига интиларди. Шу сабабли, унинг гуруҳи қисқа вақт ичида қисмда илғорлар сафидан жой олиб улгурди.

– Ҳарбийлик касби ҳаётимнинг мазмунига айланиб улгурган, – дейди қаҳрамонимиз. – Шарафли касбда фаолият юритаётганимдан, ҳаётимни юрт ҳимояси билан боғлаганимдан фахрланаман.

Файзуллонинг ҳарбийлик касбини танлашига туртки бўлган энг муҳим омил – бу отаси Келдиёр Омоновнинг мактабда ёшларга чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан дарс бергани. Шу боисми, қаҳрамонимиз ҳам ёшлигидан ҳарбийларга ҳурмат руҳида камол топди. Бора-бора ҳарбийлик мақсадига айланиб, юрт посбони деган шарафли номга сазовор бўлди.

– Посбонларга ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлар юксак савияда тажрибали устоз офицерлар, сержантлар томонидан олиб борилмоқда. Ҳарбий билимлар билан бирга посбонларимиз юртимизда кечаётган ислоҳотлар, янгиланишлар тўғрисида маълумотларга эга бўлишади. Бунинг учун қисмимизда зарур шарт-шароитлар, замонавий ахборот ресурслари яратилган. Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли байрам ва саналарга бағишлаб тадбирлар, учрашувлар ўтказиб борамиз. Бу посбонларнинг маънавияти бойишида катта ёрдам бермоқда, – дейди офицер Омонов.

Қаҳрамонимиз билан суҳбатлашиш мобайнида, унинг ҳақиқатан ҳам ўз касбига, вазифасига бўлган меҳри чексиз эканлигига амин бўлдик. Унинг етакчилик қобилияти, ҳарбий хизматчилар билан дўстона муносабатлари тўғрисида кўплаб дил сўзларини эшитдик.

– Офицер Омоновни юрт ҳимоясига муносиб ўғлон, қалбида эзгу мақсадлари жўш ураётган Ватаннинг асл фарзанди, деб биламан, – дейди майор Фахриддин Қурбонов. – Илк хизмат кунлариданоқ, ўзининг тиришқоқлиги, ташаббускорлиги, ҳарбий соҳанинг билимдони эканлиги билан менда яхши таассурот қолдирган. Қўл остидагиларга бўлган муносабати, энг асосийси, уларнинг пухта билим олишлари ва шароитларини яхшилаш бўйича қилган ишлари таҳсинга сазовордир.

Қаҳрамонимиз бўш вақтларида спортнинг енгил атлетика ва тош кўтариш тури билан шуғулланади. Айниқса, футбол, волейбол унинг севимли машғулотларидан. Спортга бўлган меҳрини, қизиқишини қўл остидагиларга ҳам сингдира олгани боис, қисм жамоаси округда ўтказилаётган турли спорт мусобақаларида юқори натижаларга эришиб келмоқда.

– Ҳали олдимга қўйган режалар кўп, – дейди у биз билан суҳбатда. – Бу ниятларимни амалга оширишим учун янада кўп ўқишим, тажриба ва малакамни ошириб боришим лозим. Жамоамиз билан биргаликда, посбонларнинг мукаммал билим олишлари, ўз мутахассисликлари бўйича юқори тажриба ва маҳоратга эга бўлишлари учун бундан-да кўп ишларни қилишимиз керак.



Дарҳақиқат, майор Файзулло Омонов тарбиялаган, билим берган юзлаб посбонлар бугун ўзи каби эл корига камарбаста бўлиб, билдирилган ишончни оқлаб келишмоқда. Унинг эзгу режалари амалга ошиб, бундан-да юксак чўққиларни забт этишига тилакдошмиз.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф суратга олган.**

# МАШҒУЛОТ

Начало учебного года

## НАСТРАИВАЕМСЯ НА СОПЕРНИЧЕСТВО

**Воинский коллектив части под командованием офицера Шарофа Бахронова занял в минувшем году первое место среди частей боевого обеспечения. Поэтому и новый начавшийся учебный год они настраиваются провести в атмосфере состязательности с тем, чтобы сохранить у себя переходящий приз.**

На торжественном митинге по случаю начала учебного года со словами поздравления и приветствий обратился к личному составу данной передовой части представитель командования военного округа офицер Ихтиёр Суннатов. Он также довел основные особенности нового учебного года, отличия в планировании боевой учебы, введенные согласно Временной программе боевой подготовки.

С началом учебного года горячо поздравили товарищей по оружию лейтенант Шухрат Вахобов, сержант Улугбек Пирматов, рядовой Суннатулло Алматов, выразив свою уверенность в том, что победные традиции будут сохранены и приумножены.

Командир артиллерийского подразделения офицер Аъзам Даминов вызвал на соревнование подразделение под командованием капитана Александра Калинина, который в ответ перед всем строем части заявил, что принимает вызов.

– Еще в прошлом году я сам служил под началом офицера Даминова, а теперь вот приходится принимать вызов в качестве его соперника, – улыбается капитан А. Калинин. – Но недаром говорят, что каждый ученик стремится превзойти своего наставника.

Да, наша молодежь умеет уважать старших, но и своего шанса никогда не упустит. Например, батарея старшего лейтенанта Руслана Шодиева заняла первое место в части по итогам прошлого учебного года. Однако уже сейчас вызывает ее на соревнование подразделение лейтенанта Гуломжона Махкамова. Как говорится, почивать на лаврах не приходится.

Интересным, информационно насыщенным вышло занятие по общественно-политической подготовке, проведенное офицером Алишером Саидовым. И к этому располагала сама тематика: военно-политическая обстановка в регионе Центральной Азии, угрозы нашей национальной безопасности.

Фельдшер взвода младший сержант Фарход Бекчанов доходчиво и просто объяснял меры оказания первой помощи при различных поражениях и травмах, показал способы транспортировки больных или раненых с поля боя.

Естественно, и рассказ офицера Садыка Бурханова о тактико-технических характеристиках стрелкового оружия с большим интересом был воспринят военнослужащими срочной службы, пополнившими подразделение. А младший сержант Олим Эшназаров рассказал о бронетанковой технике, находящейся на вооружении наших парашютно-десантных подразделений.

Возвращаясь к артиллеристам, хотелось бы обратить внимание на добрые традиции представителей этого рода войск с особой гордостью демонстрировать свое вооружение.

– Товарищи солдаты, снаряд нужно нести бережно, как ребенка, – обращается к воинам нового призыва капитан Дурбек Сотволдиев. – А вот затвор орудия требует жесткого и быстрого обращения, иначе можно и травму получить.

Командиру батареи управления капитану Нурмамату Эшмуратову доверена не менее сложная тема: довести до солдат нового призыва характеристикi полевых переносных радиостанций.

– За один первый день боевой учебы узнал очень много интересного об артиллерии, – говорит рядовой Садык Эшпулатов из Ангорского района Сурхандарьинской области. – Я горжусь, что мне выпала честь служить артиллеристом!

– Сложная современная техника требует к себе столь же серьезного подхода, – подключается к нашей беседе рядовой Жавлон Курбанов, прибывший из Чиракчинского района Кашкадарьинской области. – Ведь она приобретена на народные деньги, а значит, надо с ней бережливо обращаться.

– В первый раз, когда видишь боевое оружие, немного робеешь, – делится впечатлениями рядовой Учкун Рашидов из города Джизака. – Но потом, когда видишь, как легко и умело с ней обращаются офицеры и сержанты, начинаешь понимать, что и тебе такое по плечу.

Приятно сознавать, что наша молодежь, пополнившая ряды Вооруженных Сил, идет в армию с таким рачительным отношением к оружию и войсковому имуществу, с огромным стремлением освоить свои воинские специальности. И теперь очень важно командирам разного уровня, от заместителей командиров групп до командиров войсковых частей, всеми силами этот огонек интереса в глазах солдата сохранить и поддержать, вдохновить его духом соперничества.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

**2009–2010 ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ШИОРИ:**

**«Юксак ватанпарварлик, жанговар малака ва профессионал тайёргарлик, қурол ва ҳарбий техникани моҳирона эгаллаш, уларни қатъий ҳарбий интизомни мустаҳкамлаган ҳолда намунали ва қўллашга доимий шай ҳолатда сақлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи».**

●

**ДЕВИЗ 2009–2010 УЧЕБНОГО ГОДА:**

**«Высокий патриотизм, боевая выучка и профессиональная подготовка, умелое владение оружием и техникой, содержание их в образцовом состоянии и постоянной готовности к действию при поддержании суровой воинской дисциплины – долг каждого военнослужащего».**









## ЮТУҚЛАРГА БУГУНДАН ЗАМИН ЯРАТИЛАДИ

**Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йили машғулотлари кўтаринки руҳда бошланди. Шу кунларда посбонлар назарий ва амалий машғулотларда фаол иштирок этишиб, соҳа билимларини пухта эгаллашга интилишмоқда.**

Жумладан, десантчилар қисмида машғулотларни кузатиб, жанговар малака, профессионал тайёргарлик оширишга эътибор улкан эканлигини ҳис қилдик.

– Янги ўқув йилига ҳарбий қисм шахсий таркиби жиддий тайёргарлик кўришди, – дейди офицер Темур Жуманиёзов. – Ўқув-моддий база, жанговар техника ва қурол-аслаҳалар шай ҳолатга келтирилди. Яқинда сафларга қўшилган аскарлар билан малакали офицер ва сержантларимиз жанговар тайёргарлик ва бошқа машғулотлар бўйича назарий ҳамда амалий сабоқларни олиб боришди.

Ўтказилган саф тайёргарлиги кўриги ҳам юқоридаги фикрларни исботлаб турибди. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрган. Посбонларнинг ташқи кўриниши, ҳужжатлари, аслаҳа-анжомлари, қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар жанговар шай ҳолатга келтирилган. Ўтказилган савол-жавоб жараёнида ҳам посбонларнинг назарий жиҳатдан янги мавсумни бошлашга қанчалик тайёр эканликлари текширилди.

Сурхондарё вилоятидан хизматга чақирилган оддий аскар Хуршид Боботов ўз фикрини қуйидагича билдирди:

– Жанговар сафларга яқинда қўшилган бўлсак-да, мен ва сафдошларим ҳарбий хизмат, умуман армия ҳақида етарли маълумот ва кўникмага эга бўлдик. Мана янги ўқув йилини бошладик. Бу биз аскарларнинг ҳар томонлама тобланиб, маҳорат ва тажрибамизни оширишимиз учун катта имконият деб биламан. Сафдошларим билан қўйилаётган жанговар вазифаларни ўз вақтида, кўнгилдагидек қилиб бажаришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу билан юртимиз тинчлигини, осойишталигини сақлашда ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланаман.

Дарҳақиқат, сафга яқинда қўшилган аскарлар йиғин давомида тажрибали офицер ва сержантлардан илк ҳарбий сабоқларни ўзлаштиришди. Нафақат назарий, балки отиш ва ҳаво десант тайёргарлиги бўйича амалий машғулотларда ҳам фаол иштирок этишди. Ҳарбий қасамёд қабул қилишдан олдин ўтказилган отиш тайёргарлиги машқида аскарлар катта қизиқиш ва иштиёқ билан қатнашдилар. Машғулот раҳбари офицер Зокир Сайфутдинов машқ сўнгида барчани йиғиб, командирга ахборот берар экан, «бизда кўплаб янги «мерганлар» кашф этилди», дея таъкидлаган эди.

Ўқув йилининг илк кунида ўтказилган ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулоти кўргазмали воситалар ёрдамида олиб борилди. Унда оддий аскарлар Ренат Алиев, Нурлан Ўрозбоев, Акмал Орзиқуловлар фаол иштирок этишди.

Ҳарбий қисм паркида техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича бўлиб ўтган машғулотларда ҳам посбонлар фаол қатнашиб, назарий ҳамда амалий билимларни пухта ўзлаштиришди.

Жанговар тайёргарлик бўйича ўтказилган ўқув машғулотларида шахсий таркибнинг тез ва аниқ ҳаракат қилиши, ўз вақтида белгиланган жойга йиғилиши, посбонларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудни ёки постни тезкорлик билан эгаллашлари текширилди.

**Аҳрор НОЗИМОВ.**

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик гуруҳлари раҳбарларига ёрдам

# МУСТАҚИЛЛИКНИ, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

**Дунё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдидлар. Ҳушёрлик ва жанговар шайликни янада ошириш бўйича шахсий таркиб олдига қўйилган вазифалар.**

Мазкур мавзу ҳарбий хизматчиларга, аввало 2009 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аскарларга дунё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини, хавфсизлигимизга нисбатан таҳдид ва даъватларни англаш, Ўзбекистоннинг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишдаги муҳим ролини тўлиқ тушуниб олишларида, Қуролли Кучларимизда ҳушёрлик ва жанговар шайликни янада ошириш борасида шахсий таркиб олдига қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамиятини чуқур англаб олишларида ёрдам беради.

Мавзуни икки асосий масаладан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

**1. Дунё ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига таҳдидлар. Ўзбекистоннинг мамлакат ва минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида олиб бораётган фаол ташқи сиёсий фаолияти.**

**2. Шахсий таркибнинг жанговар шайлик ва ҳушёрликни ошириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатидан келиб чиқадиган вазифалари.**

Қисқача **кириш сўзида** шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, Қуролли Кучларимиздаги янги ўқув йилини биз мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги муваффақиятлари ва Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатидан руҳланган ҳолда кўтаринки руҳ билан бошламоқдамиз.

Кўплаб Ғарб давлатларини молиявий инқирозларзага келтираётган, уларнинг кўпчилиги ишсизликнинг ўсиб бориши, ишлаб чиқаришнинг пасайишини бошдан кечираётган, баъзи мамлакатлар эса ижтимоий муаммолар гирдобида турган бугунги кунда мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида иқтисодиётнинг барқарорлиги, халқимиз фаровонлигининг ошиб бориши таъминланмоқда. Мисол учун, 2008 йилда мамлакатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9 фоизни, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 12,7 фоизни ташкил этди. Бу – ривожланишнинг «ўзбек модели» нақадар тўғри ва ҳаётий эканлигининг яққол исботидир.

Дунё бўйича кундан-кунга кучайиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида мамлакатимизда **кучли ижтимоий сиёсат изчиллик билан амалга оширилмоқда.** 2008 йилда иш ҳақи, нафақа, пенсия ва стипендиялар миқдори 51 фоизга ошди. Жорий йилда ҳам мамлакатимиз Президенти Наврўз байрамига бағишланган тантаналарда таъкидлаб ўтганидек **«...мамлакатимизнинг бу йилги иқтисодий ривожланиши ва меҳнаткашларимизнинг оладиган маошлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар, бир сўз билан айтганда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифат кўрсаткичларининг ўсиши, иншооллло, ўтган йилгидан кам бўлмайди».**

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, солиқ ва суд-ҳуқуқ соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари давом этмоқда. Мамлакатимизда ўлим жазосини бекор қилиш ҳақидаги қонуннинг кучга киритилиши, шунингдек, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллиги»га бағишланган тадбирлар, демократик асосларда ўтган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ҳам бунга яққол мисол бўлади. Шунингдек, ҳарбий соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва Қуролли Кучларимизни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан биргаликда, барчамиз яхши тушунамизки, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилиш, ҳуқуқий, демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуриш борасидаги кенг кўламли вазифаларни дунё ва минтақамизда юзага келган мураккаб, кескин ва олдиндан айтиб бўлмайдиган шароитларда ҳал қилишимизга тўғри келмоқда. Бу эса биздан воқеалар ривожини диққат билан кузатиш, хавфсизлигимизга нисбатан бўлаётган таҳдид ва даъватларни чуқур таҳлил қилиш, уларнинг ривожланиш оқибатларини аниқлаб бориш ва Қуролли Кучларимизнинг жанговар қудрати ҳамда шайлигини ошириб бориш устида доимий иш олиб боришимизни талаб қилади.



**Биринчи масалани** кўриб чиқишда, Марказий Осиё минтақасига қисқача тавсиф бериб ўтиш, аввало, бугунги кунда Марказий Осиё дунё сиёсати диққат-эътиборида турганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Сайёрамиздаги ҳар қандай минтақа ҳам дунёнинг етакчи давлатлари ва уларнинг раҳбарлари диққат марказида бўлавермайди. Бунинг сабаби нимада? Қуйида бир қанча муҳим омилларни таъкидлаб ўтамиз.

**1. Геостратегик омил.** Шўро давлати инқирозга учраганидан сўнг Марказий Осиё давлатларини таъсир доирасига олиш учун зимдан кураш кучайиб кетди. Бу кураш иқтисодий ва ҳарбий салоҳият, асосий куч марказлари ўртасидаги нисбат ўзгаришига мос равишда олиб борилмоқда. Бунда молиявий инқирозга қарамасдан бугунги кунда ҳам АҚШ етакчи роль ўйнамоқда, иккинчи ўринда эса Европанинг етакчи давлатлари, Хитой, Россия, Япония, араб ва мусулмон дунёси мамлакатлари бормоқда. Ёш, мустақил, аммо ҳали нисбатан кучсиз давлатларга у ёки бу куч таъсири остига тушиб қолмасликдан сақланиш қийин кечмоқда. **Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати мустақиллигимиз, суверенитетимиз ва ўз танлаган йўлимиздан ишонч билан изчил олға боришимизни таъминламоқда.**

**2. Минерал хом ашё ва аввало, энергетик омил.** Марказий Осиё минтақаси фойдали қазилмаларга жуда бой. Ўзбекистон эса бу минтақада майдони жиҳатидан эмас, ер ости бойликлари жиҳатидан энг йирик давлат. Юртимиз заминида Менделеев даврий системасидан жой олган барча элементлар, аввало, нефть, газ, уран, мис, олтин, кўмир ва бошқа фойдали қазилмалар бор. Аниқланган газ захиралари 2 триллион кубометр, кўмир – 2 миллиард тонна атрофида, 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Ўзбекистон олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ҳамда ноёб металларнинг йирик захирасига эга бўлган давлатлар қаторига киради. Дунёдаги энг яхши олтин бизда – Мурунтовда қазиб олинади. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизнинг геостратегик салоҳияти ва унинг табиий хом ашё ресурслари ноёбдир.

**3. Инсон омили.** Мамлакатимиз улкан интеллектуал, маънавий ва маданий салоҳиятга эга. Мустақиллик йилларида бу салоҳият янада юксалди. Шу ўринда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълимни ислоҳ қилиш борасида олиб борилган амалий ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. **«Буларнинг барчаси, – дейди давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида, – дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жўғрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жўғрофий-сиёсий ва жўғрофий-стратегик қизиқиш уйғотади».**

Ёш мустақил давлатларнинг миллий хавфсизлигига нисбатан бўлаётган хавфнинг манбаларидан бири айнан шу қизиқишда яширинган. Чунки Ғарбнинг баъзи доиралари минтақамизни беқарор ҳудудга айлантириш, бу ердаги вазиятни ўзларининг ғаразли манфаатлари йўлига мослаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Тарих буни бир неча бор исботлади.

Аммо бу мамлакатимизнинг тинч ва барқарор тараққиёти йўлидаги ягона хавф манбаи эмас. Давлатимиз раҳбари юқорида зикр этилган китобида хавфсизлигимизга қарши бўлаётган барча таҳдид ва даъватларни чуқур ва батафсил тушунтириб берди. Биз Ўзбекистонимизнинг миллий хавфсизлигига нисбатан бугунги кунда бўлаётган асосий таҳдидларни, уларнинг моҳияти ва имкониятларини чуқур тушуниб, англаб олишимиз лозим.

**Асосий хавф халқаро терроризм ва диний экстремизм туфайли юзага келмоқда.** Тобора кўлами кенгайиб бораётган наркоагрессия, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши ҳам реал хавфга айланиб бормоқда. Шу ўринда 30 йилдан буён биродаркушлик уруши давом этаётган ва тинч аҳоли қурбон бўлаётган **Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг мураккаблашиб бораётгани ҳам алоҳида хавф туғдирмоқда.**

Бу таҳдидларнинг аксарияти бизнинг жанубий чегараларимизга хавф солаётганига эътибор қаратмасдан иложимиз йўқ. Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатида таъкидланганидек: **«Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгилаш бўйича биз танлаган стратегия армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади».**

Машғулот раҳбари террорчи ва экстремистларнинг минтақамизда амалга оширган қонли, жиноий хатти-ҳаракатларини муфассал очиб бериши ҳамда мамлакат раҳбариятининг бу муаммога қарши курашни ташкил қилиш борасидаги фаол ташқи сиёсий фаолиятини кўрсатиб бериши лозим. Юртбошимизнинг Афғонистон муаммолари бўйича таклиф этган сўнгги ташаббуслари, шу жумладан, «6+2» мулоқот гуруҳи фаолиятини тиклаш ва уни «6+3» мулоқот гуруҳига айлантириш зарурлиги ҳақидаги таклифи дунё ҳамжамияти томонидан юксак баҳоланганига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Яъни бу гуруҳга Афғонистонга қўшни бўлган 6 та давлат – Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, шунингдек, Россия, АҚШ ва НАТО кириши лозим. Мазкур мулоқот гуруҳи афғон муаммосини ҳал қилиш йўлларини қидириш бўйича умумий принциплар ва ёндашувларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг таклифи Тошкентда ўтган халқаро конференцияда муҳокама қилинди, МДҲ, ШҲТ, Европа ва Осиё давлатларининг кўпчилик раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди, Россия Президенти Д. Медведев, Туркманистон, Болгария ва бошқа давлатлар Президентлари билан бўлган учрашувларда кўриб чиқилди. Ушбу таклифлар ва Марказий Осиёда сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги таклиф-мулоҳазалар бугунги кунда ҳам катта қизиқишга сабаб бўлмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

**Иккинчи саволни** кўриб чиқишга ўтишда, Юртбошимизнинг юқорида номи тилга олинган китобига яна бир бор мурожаат этиш керак. Унда: **«Ватанимиз жанубий чегаралари яқинидаги қуролли можароларнинг ўчоқлари ҳарбий хавфнинг потенциал манбаларидир. Бу вазият давлатимизнинг мудофаа қобилиятини, яъни рўй бериши мумкин бўлган тажовуздан ҳимояланишга тайёрлик даражасини фақат бизнинг мамлакатимиз учун эмас, балки бутун минтақа учун ҳам миллий хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашнинг энг муҳим шарти даражасига кўтармоқда»,** дея таъкидланади. Бугунги кунда бу сўзлар ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамиятга эга. Юртбошимиз томонидан аниқ ифодалаб берилган хулоса ҳам шундан келиб чиқади: **«Бизнинг Қуролли Кучларимиз ҳар қандай вазиятда ҳаракат қилишга тайёр туриши, мамлакатнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудининг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчига қуруқликда ва ҳавода муносиб зарба бера олиш учун жанговар салоҳиятга эга бўлмоғи зарур».**

Ушбу асосий вазифадан келиб чиққан ҳолда ҳамда Юртбошимиз Мурожаатидаги кўрсатмалар, Мудофаа вазири ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби буйруқ, йўриқномаларига мувофиқ равишда ҳар бир қўшин тури ва хили, қисмлар ва бўлинмалар учун аниқ вазифалар белгиланмоқда ва улар ҳар бир ҳарбий хизматчига етказилмоқда.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафлари 2009 йилнинг февраль-март ойларида хизматга чақирилган аскарлар билан бутланди. Уларнинг эндиликдаги асосий вазифаси – қисқа муддат ичида профессионал жангчиларга айланиш. Шунинг учун ҳам уларнинг эътиборини Ички хизмат низомининг асосий қоидаларидан бирига, яъни ҳар бир ҳарбий хизматчи **«ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашга, ўз ўқуви ва аскарий маҳоратини такомиллаштиришга мажбурдир»,** деган сўзларга қаратиш лозим. Ушбу ҳуқуқий меъёр мазмуни нимани англатади?

**1.** Аскарнинг юқори ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги, унинг минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятни чуқур билиши ва ундан ўзи учун керакли амалий хулосалар чиқара олишини, ўз ҳарбий касбий билимлари ва сиёсий тайёргарлигини такомиллаштириб боришни.

**2.** Ишониб топширилган жанговар техника, қурол-яроғ, ускуналарни чуқур билиш, уларда моҳирона ишлай олиш, уларга хизмат кўрсатиш ва кўз қорачиғидай сақлашни.

**3.** Ҳарбий хизматчининг юксак маънавий-руҳий тайёргарлигини, унинг ҳақиқий жанг шароитларига максимал яқинлаштирилган вазиятларда ишонч билан ҳаракат қила олиш маҳоратини. Қатъиятли, мақсадга интилувчан, жасур аскар бўлишни, жисмонан чиниқиш ва сабр-матонатли бўлишни, дўстлик ва аскарий биродарлик ҳиссини қадрлашни, ўзаро ёрдамга доимо шай бўлишни. Ўз ҳарбий бурчи, Ҳарбий қасамёди, халқи, Ватани ва Президентига содиқ бўлишни.

**4.** Ўз тактик маҳоратини мунтазам равишда такомиллаштириб боришни. Жанговар ўқув мобайнида синфда ёки полигонда, тренажёрлар ёки тактик машқларда иштиёқ билан ҳаракат қилишни, касбий маҳоратини ошириб боришни, турли мусобақаларда, танловларда фаол иштирок этишни. Тунги, тоғ, чўл шароитларида, аҳоли пунктларида моҳирона ҳаракат қила олишни, эҳтимол тутилган душман, унинг техникаси, қурол-яроғи ҳамда ҳаракатланиш тактикасини яхши билишни.

**5.** Ҳушёр бўлишни, давлат ва ҳарбий сирни мустаҳкам сақлашни. «Ҳушёр ва огоҳ бўлиш» борасидаги кўрсатмаларни ўз қалбига жо қилишни ва доимо – кундалик ҳаётида унга риоя этишни. Жанговар навбатчилик, қоровуллик ва ички хизматни намунали адо этишни.

**6.** Интизомли, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиси деган номга муносиб бўлишни ва бу номни юксак шарафлашни. Интизом ва жанговар шайликни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини, интизомлилик жангчининг ахлоқий-жанговар ва руҳий сифатларини, мустақиллик ғояларига, қадрдон замини, халқи, Ватанига садоқатини янада мустаҳкамлашини доимо ёдда тутишни.

Ўз зиммасидаги вазифаларни аъло даражада ижро этиш билан аскар профессионал жангчига, мамлакатимиз Президенти Мурожаатида таъкидланганидек, юксак маънавий-ахлоқий сифатларга, фаол ҳаётий позицияга, ватанпарварлик, ўз Ватани тақдири учун масъуллик, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳиссига эга бўлган интеллектуал салоҳияти юксак шахсга айланади. Бугунги кунда ҳар бир ҳарбий хизматчининг энг биринчи мажбурияти ва ватанпарварлик бурчи ҳам ана шундадир.

**МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ.**

# ОТКЛИК

За строкой Обращения Президента

## ПРИОРИТЕТ РЕФОРМ – ЗАБОТА О ЧЕЛОВЕКЕ И ЕГО БЛАГЕ



Своеобразие нынешней обстановки в стране и Вооруженных Силах состоит в том, что вся их повседневная деятельность находится под огромным влиянием Обращения Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященного 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, и его доклада на заседании Кабинета Министров 13 февраля этого года.

Обращение и доклад главы государства – это документы огромного политического значения. В них – программные цели и задачи страны на ближайшую и среднесрочную перспективу, узловые вопросы экономической стратегии и экономической политики страны в условиях жесточайшего экономического и финансового кризиса, задачи углубления военного реформирования и дальнейшего повышения боеспособности и боевой готовности Вооруженных Сил на современном, исключительно сложном и ответственном этапе нашей новейшей истории.

Мировой кризис захватил практически все страны мира. В большинстве развитых и развивающихся стран он приобретает все большие масштабы и глубину, приводит к спаду производства, растущей безработице, ухудшению уровня жизни населения и во многом носит непредсказуемый характер. В силу того, что наша экономика в определенной мере интегрирована в мировые хозяйственные и финансовые связи, мировой кризис оказал и продолжает оказывать негативное воздействие и на нашу страну.

Однако благодаря мудрости главы нашего государства, его прозорливости, умению предвидеть ход событий нашей стране удалось в 2008 году добиться не только стабильного функционирования экономики, но и обеспечить высокие и устойчивые темпы ее роста. Так, **валовой внутренний продукт в стране вырос на 9 процентов, промышленное производство – на 12,7 процента. Это наглядное подтверждение правильности и жизненности «узбекской модели» развития, сформулированной Президентом Исламом Каримовым.**

Нельзя не сказать и о том, что даже **в условиях нарастающего в мире кризиса в нашей стране последовательно осуществляется сильная социальная политика.** В 2008 году заработная плата, пенсии, стипендии и пособия выросли на 51 процент, на 2009 год также запланировано повышение этого показателя. Думаю, не найдется сегодня другой такой страны, где бы уделялось столь большое внимание повышению благосостояния народа.

Под руководством главы государства разработана Антикризисная программа на 2009–2012 годы, которая уже начала действовать. Ее последовательная реализация поможет нам не только устоять в трудные времена кризиса, но и значительно продвинуться вперед.

Исходя из глубоко продуманной экономической политики, глава государства говорит в Обращении: **«Важно обеспечить полную реализацию намеченных масштабных мер по повышению эффективности социальной защиты военнослужащих и их семей, дальнейшее совершенствование системы материального стимулирования в армии».**

Еще в апреле 1999 года в докладе «Узбекистан, устремленный в XXI век» Президент Ислам Каримов сказал: **«Обеспечение социальной защиты служит сквозным приоритетом на всех этапах реформирования. Это один из главных принципов, положенных в основу курса реформ. Этим принципом мы должны руководствоваться и в дальнейшем».** Реализуя этот принцип, руководство республики последовательно решает задачи постоянного роста материального благосостояния нашего народа, усиления его социальной защиты, в том числе и социальной защиты и социальной обеспеченности военнослужащих Вооруженных Сил.

Думаю, не найдется такой армии ни в одном государстве на всем постсоветском пространстве, которая могла бы сравниться с нашей национальной армией по социальной обеспеченности и социальной защите военнослужащих на всех этапах становления и развития независимого государства.

В этой связи нельзя не вспомнить первые годы после развала Советского Союза, когда рушились хозяйственные, производственные и финансовые связи, отмечалось катастрофическое падение производства, неудержимо росла инфляция. Мужество, несгибаемая воля, целеустремленность и мудрость нашего руководителя помогли нам без потерь, с наименьшими издержками пройти этот труднейший отрезок времени нашей новейшей истории, сохранить мир в стране, уберечь ее от гражданской войны, сохранить национальные ценности, избежать шоковой терапии. Сохранены были и военные кадры. Только в нашей стране военнослужащие регулярно, своевременно получали денежное и другие виды довольствия. И это тогда, когда в других странах СНГ денежное довольствие военнослужащим задерживалось на многие месяцы. Подчеркнем также, что систематически росли ставки должностных окладов офицеров, повышалось денежное довольствие сержантов и солдат.

Усиление социальной защиты и социальной обеспеченности является важнейшей составляющей военной реформы. Что сделано за последние годы?

**Во-первых,** коренным образом пересмотрены социально-бытовые условия проживания и несения службы рядовым, сержантским и офицерским составом, постоянно изыскиваются дополнительные источники для повышения оплаты воинского труда военнослужащих. Создается комфортабельный жилищный фонд для офицеров и сержантов, благоустраиваются и создаются новые современные военные городки, разрабатываются оригинальные проекты общежитий, жилых домов и коттеджей для всех военнослужащих, чертежи и макеты которых демонстрировались на недавней выставке, повсеместно улучшаются коммунальные и социально-бытовые условия проживания военнослужащих и их семей.

**Во-вторых,** последовательно реализуется Целевая программа, направленная на совершенствование деятельности системы военной торговли по оказанию широкого спектра социально-бытовых услуг военнослужащим и членам их семей в военных городках.

**В-третьих,** совершенствуется продовольственное обеспечение военнослужащих. Благодаря заботам Президента страны с 2005 года введены более совершенные и более калорийные рационы питания военнослужащих. Повысилось многообразие солдатского пайка, меню включает национальные блюда – плов, манты и другие. В солдатских столовых – новое кухонное оборудование, посуда типа «Баттерфляй», уют и комфорт.

**В-четвертых.** При постоянном росте размеров должностных окладов офицеров и сержантов, размеры денежного довольствия военнослужащих срочной службы возросли с 2005 года в 2 раза, выходное пособие при увольнении с военной службы увеличилось до 16 минимальных заработных плат. Значительно увеличены ежемесячные надбавки за выслугу лет к окладу денежного содержания военнослужащим по контракту.

**В-пятых,** постоянно совершенствуется система льгот военнослужащим срочной службы. Военнослужащим срочной службы, имеющим Рекомендации командования частей, установлены льготы при поступлении в вузы в виде дополнительных баллов в размере 25 процентов от максимально набранного количества при тестовых испытаниях.

В случае, если абитуриент не наберет необходимых вступительных баллов в отдельные профильные вузы, то он может быть зачислен в тот же вуз на контрактной основе. ОДМ «Камолот» в таком случае будет оплачивать студенту 35 процентов суммы контракта в течение всего периода обучения при условии активного участия студента в деятельности ОДМ «Камолот». В настоящее время в вузах страны обучается свыше 22 тысяч молодых людей, прошедших армейскую школу мужества и добившихся отличных результатов в боевой и общественно-политической подготовке.

В войсковых частях для поступающих в вузы созданы все условия. В частности, отводится не менее 4 часов в неделю для подготовки к поступлению в вуз. На бесплатной основе действуют и подготовительные курсы для армейской молодежи. Большие льготы предоставляются военнослужащим, уволенным в резерв, и при трудоустройстве на работу.

В результате этих и других мер социальной защиты и обеспеченности военнослужащих неизмеримо возрос престиж военной службы. Срочная военная служба, как и служба в МПР, стали мощнейшим инструментом духовного, материального и физического совершенствования молодых людей, фундаментом повышения их интеллектуального и общеобразовательного уровня, формирования сознательного отношения к жизни, исполнению своего долга перед Родиной, приобретения патриотической мотивации для определения своей жизненной позиции.

В Обращении главы государства говорится, что **«в предстоящий период нам необходимо построить и реконструировать десятки современных военных городков, создав в них максимум социально-бытовых удобств, инфраструктуру, отвечающую самым высоким требованиям, потребностям военнослужащих и их семей».**

Как видим, главное определяющее направление в дальнейшей социальной политике в отношении к Вооруженным Силам – создание всех необходимых социально-бытовых условий для военнослужащих и их семей, с тем, чтобы любой военнослужащий, будь то офицер, сержант или рядовой, чувствовал себя надежно, комфортно, уютно, где бы он ни служил – в городе или в отдаленном гарнизоне. В этом плане наше государство четко следует требованию главы нашего государства: **«Мы должны полностью реализовать благородный принцип: «Реформы – не ради реформ, а для человека!» и в отношении военнослужащих, создать все необходимые условия для их службы и отдыха. Наше государство располагает для этого достаточными средствами и потенциалом».**

В результате такой активной социальной политики коренным образом изменилось отношение людей к Вооруженным Силам. В общественном сознании сегодня они рассматриваются как плоть от плоти народа, как одна из важнейших составляющих нашей национальной государственности и независимости, как объект нашей всеобщей гордости. Посмотрите на нынешние проводы призывников в армию, и вы воочию убедитесь, насколько возрос престиж военной службы, которая на деле стала почетной и священной обязанностью каждого молодого гражданина нашей страны. Это подтверждают высокие конкурсы при отборе кандидатов на срочную военную службу, на военную службу по контракту и при поступлении в высшие военные образовательные учреждения. Для юношей, с большими надеждами вступающих в самостоятельную жизнь, служба в армии является фундаментом собственного становления, открывает широкие возможности в выборе жизненного пути, получении высшего, в том числе и военного образования. Сегодня именно прошедшие армейскую школу молодые люди образуют наиболее активный и профессионально подготовленный кадровый резерв страны, опору будущего Узбекистана.

Эффективная социальная политика и надежная социальная защита военнослужащих – это достойная оценка их нелегкого воинского труда, труда людей, посвятивших себя такому славному и благородному делу, как защита Родины. В ней – проявление отеческой заботы Президента страны, Верховного Главнокомандующего, руководства республики и всего общества о своих вооруженных защитниках. Это является важнейшим условием дальнейшего повышения боевой способности и боевой мощи Вооруженных Сил, бдительности и боевой готовности частей и подразделений. Зорко и надежно охраняющих рубежи родной Отчизны.

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

# МАЛАКА

## ТИНГЛОВЧИЛАР – ДАЛА-ЎҚУВ МАЙДОНИДА



Профессионал ҳарбий хизматчи. У ҳарб санъати сир-асрорларини янада пухта ўзлаштириш, билимларини ҳар томонлама такомиллаштириш, тажриба ва малака орттириш, ўз устида доим ишлаш, сафдош ва хизматдош дўстлари билан рақобатлашишдан толиқмайди. Қолаверса, ҳар қандай шароит ва вазиятда ҳам танлаган шарафли, масъулиятли касбидан фахрланиш ва ғурурланиш ҳисси уни тарк этмайди.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар сабаб, ҳарбий хизматнинг аҳамияти ва нуфузи, халқимиз орасидаги обрўси тобора ошиб бормоқда. Табиийки, Ватан ҳимоячисига қўйилаётган талаблар ҳам замонга ҳамнафас равишда ортаётир. Бежизга давлатимиз раҳбарияти томонидан миллий армиямиз сафларига ҳарбий кадрларни тайёрлаш, шунингдек, уларнинг малакасини оширишда сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, олий ҳарбий билим юртларида фаолият кўрсатаётган офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетлари ҳарбий таълим тизимида ўзига хос аҳамиятга эга. Айнан шундай факультетлардан бири Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида мавжуд.

– Тингловчиларга тарбиявий ишлар услубияти, ҳуқуқшунослик, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, ҳарбий этика, тактика, отиш тайёргарлиги, ҳарбий топография, Умумҳарбий низомлар каби йигирмадан ортиқ фанлар ўтилади, – дейди факультет бошлиғи подполковник А. Ортиқов. – Ҳар бир фан кўргазмали қурол ва воситалар ёрдамида, қолаверса, ўз соҳаси бўйича кўп йиллик тажрибага эга устоз офицерлар томонидан ўтилиши машғулотларнинг қизиқарли, мазмунли ва энг муҳими, самарали бўлишига хизмат қилмоқда. Тингловчиларга сифатли билим бериш билан бир қаторда, уларнинг маънавиятини янада юксалтириш, маданий ҳордиқ чиқаришларини назарда тутиб, пойтахтимиз театр ва музейларига саёҳатлар уюштирилади.

Маълумки, ҳар бир ҳарбий хизматчининг энг муҳим ва устувор вазифаси – Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлигини таъминлаш ва ошириб бориш. Шахсий таркибнинг касбий маҳорати, унинг қурол-яроғ ва жанговар техникани моҳирона эгаллаши мақсадга эришишга хизмат қилувчи омиллардан саналади. Шундай экан, назарий билимларни пухта ўзлаштирган юрт посбони дала-ўқув шароитида якка ва бўлинма таркибида ҳаракатланиш, қўл остидаги шахсий таркибни моҳирона бошқариш, жанговар қурол ва техникаларни қўллаш борасида етарли кўникмаларни орттириши, ҳар бир машғулотнинг фаол иштирокчиси бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Юқоридаги талабларга асосланган ҳолда факультет тингловчилари билан олий ҳарбий билим юрти дала-ўқув марказида машғулотлар ўтказилди.

Дала-ўқув шароитида офицерлар – И. Маҳмудов, Г. Тесленко, М. Шаимкулов, В. Юлдашевлар оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш, ҳарбий топография, тактика, тарбиявий ишлар услубияти, муҳандислик тайёргарлиги бўйича машғулотларга раҳбарлик қилдилар.

– Факультетимизда малака ошираётган офицерларнинг ўқ отиш тайёргарлиги машғулотларида фаол иштирок этганидан аёнки, уларнинг бу борадаги қизиқишлари кучли, – дейди подполковник У. Шерматов. – Қуролларни жанговар шай ҳолга келтириш, ўқ отиш, шахсий таркиб билан отиш тайёргарлигидан машғулотларни ташкиллаштиришда офицерлар – С. Миловский, А. Суетов, Қ. Жумаев, Л. Расулов, Ў. Турсунов, У. Ҳакимовлар юқори натижаларга эришдилар.

Дарвоқе, офицерлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчиларини олдинда битирув имтиҳонлари кутмоқда. Орттирилган билимлар синовдан ўтадиган паллага ҳар томонлама ҳозирлик кўраётганларга муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф суратга олган.**

## ОҚЛАГАЙ ИШОНЧНИ, ЁРУҒ УМИДНИ

**Қуролли Кучларимиз сафларининг малакали мутахассислар, юксак билим ва салоҳиятга эга бўлган командирлар билан бутланишида олий ҳарбий билим юртларининг аҳамияти катта. Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган олий ҳарбий билим юртларида миллий армиямиз келажаги бўлмиш офицерлар камол топмоқда, деб бемалол айта оламиз.**

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган самарқандлик ўғлон Каттабек Мансуров ёшлигидан илму маърифатга ошно муҳитда тарбия топди.

– Олий ўқув юртида ўқий олмаганман. Шу боис, фарзанд кўрсам, албатта уларни ўқитаман, таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланаман, дея ният қилгандим. Фарзандли ҳам бўлдик, уларнинг ўқиб, илмли, ҳунарли бўлишлари йўлида қўлимдан келган барча ишларни қилдим. Тақдиримдан мамнунман. Бугун меҳнатларим натижасини кўраяпман, – дейди биз билан суҳбатда лавҳамиз қаҳрамонининг отаси Юнус ака.

Каттабек тумандаги 18-умумтаълим мактабида таҳсил олди. Оиладаги эътибор ва рағбат унинг аъло баҳоларга ўқишига, барча жабҳада тенгдошларига ибрат бўлишига хизмат қилди.

Кунларнинг бирида у таҳсил олаётган мактабга курсантлар ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ташриф буюришди. Тадбир давомида уларнинг айнан шу мактабда ўқишгани маълум бўлди. Йигитлар ўқувчилар томонидан берилган саволларга бурро-бурро жавоб беришиб, армия ва олий ҳарбий билим юртлари ҳақида, Қуролли Кучларимиздаги янгиланишлар хусусида тўлқинланиб гапиришди. Учрашув қаҳрамонимизда ҳам катта таассурот қолдирди.

Ўн биринчи синфни тамомлагач, ота-онасига муддатли ҳарбий хизматни – Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ истагида эканини билдирганида, улар фарзандларининг таклифини қўллаб-қувватлашди. Ўшанда онаси Каттабекка шундай деган эди:

– Ўғлим, ростини айтсам, қароринг бизни қувонтирди. Шу фарзандим шарафли касбни танласа, эгнига ҳарбий либос кийса, дея ният қилардим. Ишончимни оқлаб, орзуимга етказдинг. Барака топ. Тилагим, ҳамиша Ватанимизнинг, оиламизнинг фахри бўлгин. Касбингга, бурчингга ҳамиша содиқ бўл! Бор билиминг, салоҳиятингни юрт ҳимоясига сафарбар қил! Ана шунда кўзлаган мақсадингга албатта етасан.

Бу сўзлар ўғлонга гўёки қанот бўлди. Пухта тайёргарлик кўргани боис белгиланган синовлардан ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга лойиқ, деб топилди.

Таъкидлаш жоизки, армия қаҳрамонимиз ҳаётидаги муҳим босқичлардан бири бўлди. Хизмат давомида илғорлиги, билими билан сафдошларига доимо ибрат бўлиб келган, устоз офицерлар ва сержантлардан ҳарб илмини пухта ўзлаштирган посбоннинг тавсияномага сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ўғлон кўнглига туккан орзуларини амалга ошириш мақсадида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Интилувчан йигитга омад кулиб боқди. У курсант бўлди.

Ҳарбий қасамёд тантанасига ташриф буюрган ота-онаси ўғилларини ўзига ярашиб турган курсантлик либосида кўриб, беҳад суюнишди. Қўр тўкиб турган алпқомат, мағрур посбонлар ичида фарзандларининг ҳам борлиги қалбларини чексиз фахру ифтихор туйғусига тўлдирди.

– Невараларимдан бирининг ҳарбий касб эгаси бўлишини ич-ичимдан орзу қилардим, – дейди Раҳматулло бобо. – Қувонганим, Каттабек орзуимдаги йўлни танлади. Бундан жуда-жуда хурсандман.

Ҳа, отахоннинг қувонганича бор. Чунки набираси бугунги кунда кўпчиликнинг орзусига айланиб улгурган шарафли касбни танлади-да! Айниқса, маҳалла-кўй, таниш-билишлар «Юрт посбонининг бобоси», деб мулозамат кўрсатганда, у жуда хурсанд бўлади, ғурурланади.

Юртимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини қўриқлашдек муқаддас вазифани бажаришни шараф деб билган ўғлон ҳозирда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг биринчи курс курсанти. Ҳали олдинда олинажак сабоқлар, забт этилажак илм чўққилари, довонлар кўп. Ўйлаймизки, салоҳиятли посбон бу синовлардан-да ёруғ юз билан ўтгай.

**Жамшид НИЁЗОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Илмий-услубий анжуман

## ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

**Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида «Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда табиий ва мутахассислик бўйича фанларни ўқитиш услубларини такомиллаштириш» мавзусида илмий-услубий анжуман ўтказилди.**

Мазкур анжуман Республикамиздаги олий ҳарбий билим юртлари профессор-ўқитувчилари, устоз офицерлар, Жиззах давлат педагогика ва политехника институтлари ўқитувчилари иштирок этишди.

Жиззах давлат педагогика институтининг профессори, физика-математика фанлари доктори Р. Бекмурзаев ўз маърузасида олий ўқув юртларида физика фанини ўқитишда нанотехнологияларнинг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, янги, илғор педагогик технологияларни табиий ва мутахассислик бўйича фанларни ўқитишда татбиқ этиш масаласига эътибор қаратди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти «Табиий фанлар» кафедраси мудири Т. Қулмуратов ва профессор Т. Собировлар эса олий ҳарбий билим юртларида табиий фанларни ўқитишни янада такомиллаштириш борасида фикр юритдилар.

Дастурга киритилган барча маърузалар тингланиб, тегишли хулосалар чиқарилди. Анжуманда кун тартибидаги масалаларга катта эътибор қаратилди. Айниқса, табиий ва ҳарбий фанлар ўртасидаги татбиқий йўналишларга оид масалалар ўртага ташланди.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик - муҳандислик билим юрти вакиллари физика-математика фанлари номзоди, офицер А. Маматов ва «Табиий фанлар» кафедраси доценти В.Жуйлов, ҳамда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти катта ўқитувчиси Н.Ибрагимовларнинг чиқишлари қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Анжуман сўнггида иштирокчилар билим юрти авиамодел тўгараги фаолияти билан танишдилар. Тўгарак аъзолари намойиш этган моделлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Иштирокчилар бу каби анжуманлар тез-тез ва ҳар бир олий ўқув юртларида ташкил этилиши, катта самара беришини таъкидладилар.

**Майор Икромжон ҚЎЛДОШЕВ.**

# АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

## МАРДЛИК МАКТАБИН ЎТАГАН ЙИГИТЛАР



Куни кеча миллий армиямизда йигитлик бурчини ўтаб қайтган ҳамқишлоғим Азимжон билан суҳбатлашдим. Унинг фикрлаши, дунёқараши ўзгарибди.

– Болалигимда акаларимдан армия ҳақида эшитганларим бошқачароқ эди, – дейди у. – Хизматга борган ҳарбий қисмимиздаги шароитни кўриб, ҳайратда қолдим. Жисмоний, маънавий чиниқишимиз, билим ва кўникмаларимизни оширишимиз, бирор касбни ўрганишимиз учун барча имкониятлар муҳайё. Бу ерда замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан жанговар тайёргарликни ўтадик. Барча зарур ўқув қуроллари, компьютер технологиялари билан жиҳозланган хоналарда ҳарбий, сиёсий ва бошқа йўналишларда пухта билим олдик.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самарасида ҳар бир йигит хизматдан Азимжон каби нафақат жисмонан чиниқиб, балки билим ва тафаккури, интеллектуал салоҳиятини ошириб қайтмоқда. Бу эса миллий армиямиз ёшларни баркамол инсон сифатида вояга етказадиган том маънодаги ҳаёт мактабига айланганининг амалдаги тасдиғидир. Энг асосийси, бугун армиядан қайтаётган ёшлар илгаригидек, «уйга бориб олай, бир гап бўлар» қабилида эмас, аниқ мақсади, олдига қўйган катта режалари билан оиласига қайтмоқда.

Салоҳиддин Ортиқов ҳам яқинда йигитлик бурчини ўтаб Хатирчига қайтди.

– Хизматда пайтимизда Президентимиз томонидан 2009 йил «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганини эшитиб қувондик, – дейди Салоҳиддин. – Давлатимиз раҳбарининг маърузасини тинглаб, ўзим туғилиб ўсган «Ўзбекистон» маҳалла аҳолиси учун хизмат қиладиган иш билан шуғулланиш фикри туғилган эди. Ҳарбий хизматдан қайтибоқ мақсадимни амалга оширишга киришдим. «Микрокредитбанк»дан ёш тадбиркорлар учун бериладиган имтиёзли кредит олиб, қишлоғимиз марказида сартарошхона очмоқчиман.

Ҳарбий хизматдан қайтаётган ёшларни иш билан таъминлаш масаласи давлатимиз томонидан изчиллик билан ҳал этилмоқда. Хусусан, ўтган йили мамлакатимизда 660 мингдан кўпроқ иш ўрни яратилган бўлса, унинг салмоқли қисмида ёшлар, жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар меҳнат қилаётир.

– Сурхондарёда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтганимдан сўнг, бир ҳафта ўтгач, Урганч шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида ўзимга муносиб иш топдим, – дейди хоразмлик Собир Матқурбонов. – Қўйилган талаблар ҳам, маоши ҳам менга маъқул бўлди.

Бахитбой Утепов муддатли ҳарбий хизмат давомида автомобиль бошқариш ва тузатиш борасида яхши тажриба орттирди. Яқинда ўзи туғилиб ўсган Амударё туманида автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасига ишга кирган Бахитбой доимий даромадга эга бўлди.

Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигидан маълум қилишларича, айни пайтда мамлакатимизнинг барча туманларида ўтказилаётган бўш иш ўринлари ярмаркасида корхона ва ташкилотлар томонидан кўпроқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётган ёшларга мўлжалланган иш ўринлари таклиф этилаётир.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун бериладиган имтиёз ёшларнинг интилувчанлигини, фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Хизмат давомида жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёш бугун турли олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётгани ҳам бунинг далилидир.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани мудофаа ишлари бўлимидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Камол Ҳамроев ўз йигитлик бурчини намунали ўтаб, яқинда қўмондонлик тавсияномаси билан қайтди.

– Ҳарбий қисмимизда ўқитиш асосан замонавий ахборот технологияларига асосланган ҳолда олиб борилди, – дейди Камол. – Шу сабаб Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга кириш ниятидаман.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини мунтазам такомиллаштириш Президентимиз раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматдан қайтаётган йигитларга республикамизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 16 баравари миқдорида нафақа пули берилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 6 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларнинг навбатдаги чақирувни ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарори асосида оиласи бағрига қайтаётган ёшлар ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган, Ватанимизнинг муносиб фарзандларидир. Бу эса миллий армиямиз халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам алоқаси орқали ўз қудратини намоён этаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ҒУРУРИ, ФАХРИДИР ЎҒЛОНИ

… Фарзандининг муддатли ҳарбий хизматни кўнгилдагидек ўтаб қайтаётганини эшитган она қувончини тасаввур этиш қийин эмас. Ота соғинчини айтмайсизми? Когон темир йўл бекатига ўғлини кутиб олгани чиққан Зубайдулла аканинг сўзларига қулоқ тутинг-а:

– Ўғлим Аллиёржон билан фахрланаман, – дейди у. – Ўз йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб қайтаётганини эшитиб, жуда мамнун бўлдим. Темир йўл бекатида йигитларни кутиб олгани чиққан ҳокимлик, мудофаа ишлари бошқармаси, жамоатчилик вакилларини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Қаранг, фарзанд тарбияси йўлидаги заҳматларимиз зое кетмабди. Ўғилларимиз армияда чиниқиб, ҳаёт мактабини ўтаб қайтишаяпти. Энди улар қанотимизга киришади.

Шофиркон туманидаги Дўрмон қишлоқ фуқаролар йиғини Шибирғон қишлоғида яшовчи Зубайдулла Нуров кўнгилдаги гапни айтди.

Худди шу паллада бекатга ўз яқинларини кутиб олгани чиққанлар жонланиб қолишди. «Тошкент – Бухоро» йўналиши бўйлаб қатновчи поезд тўхтаган заҳоти ҳарбий оркестр садоси янграб, аскарларни кутиб олиш маросими бошланди. Бир-бирининг дийдорига ошиққан, кўзларидан нур ёғилиб турган бу бахтиёр инсонларга боқиб, халқимизга хос меҳр-оқибатлик, шукроналик туйғуси қалбларга чуқур илдиз отганига амин бўласан, киши.

Тантанали кутиб олиш маросимидан сўнг йигитлар ўзлари истиқомат қиладиган туманларга махсус ажратилган автобусларда жўнаб кетишади. У ерда эса уларни кутиб олувчилар қаторида Бандликка кўмаклашиш маркази ходимларини кўрасиз. Бу бежиз эмас. Армиядан қайтган йигит эртага ишлаши, оиласига нафи тегиши, Зубайдулла ака айтганидек, ота-она қаватига кириши лозим. Бандликка кўмаклашиш маркази айнан шу масалада йигитларга ёрдам беради.

– Ҳозиргача муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган бир гуруҳ йигитларни ана шундай тарзда кутиб олдик, – дейди офицер Ф. Бегимов. – Улар орасида ўз бурчини ўташ даврида барчага намуна кўрсатиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш учун имтиёзга эга бўлган ҳолда армиядан қайтган кўплаб йигитлар бор…

Тушга яқин Когон темир йўл бекатида муддатли ҳарбий хизматдан қайтган йигитларни кутиб олишга бағишланган яна бир тантанали маросим бўлиб ўтди. «Андижон – Бухоро» поездидан тушиб келаётган соғлом, бақуввват аскарлар, уларни бағрига босаётган отахону онахонларга боқиб, тинчлик ва осойишталик, эл-юрт, она Ватан қадри осмон қадар юксак эканини дил-дилдан яна бир карра ҳис этдик.

**Истам ИБРОҲИМОВ.**

## ЮРАГИДА БИР ОЛАМ ОРЗУ

Ширин қишлоғида Ашуровлар оиласини барча ҳурмат билан тилга олади. Чунки хонадон соҳиблари бўлган Ашур ака ва Замира опалар барчага ўрнак бўларли фазилатлар эгаси. Улар олти фарзандни тарбиялаб, вояга етказмоқда. Бу оиланинг фарзандлари тенгдошлари қатори ота-оналарига кўмакчи бўлиб улғайишди. Қишлоқ шароитида ҳар бир болага ўзига яраша юмуш топилади. Масъулият ҳисси бизнинг назаримизда ана шундай арзимас, кичкина юмушларнинг бажарилиши асносида шаклланса керак.

Оиланинг ҳар бир аъзоси ўзи севган, меҳр қўйган касбда фаолият юритади. Кимдир ўқитувчи, яна бирлари тикувчи, ҳамшира … Қисқача айтганда, бу оила фарзандлари илм олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган ва бунга эришиб келмоқда.

Айни кунларда Ашур ака ва Замира опанинг ҳаяжони зиёда эканлиги шубҳасиз. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки кенжа ўғиллари Мадатжон муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ёруғ юз билан ўтаб, уйига қайтди. Келинг, шу ўринда аскар йигит хақида бироз тўхталсак.

Мадат муддатли ҳарбий хизматга қадар тумандаги аниқ фанларга йўналтирилган лицейда таҳсил олган. Ҳар томонлама чиниққан, ғайрат-шижоатли йигит ҳарбий хизматнинг дастлабки кунлариданоқ командирлари ва сафдошлари назарига тушди. Берилган топшириқларни бекаму кўст, ўз вақтида уддалайдиган йигитдан командирлари мамнун бўла бошлашди. Шу боисдан ҳам хизмат қилаётганига унчалик кўп бўлмаган аскар ўғлонни тарбиялаб вояга етказган ота-онаси, у сабоқ олган мактаб ўқитувчилар жамоасига самимий миннатдорчилик билдирилган мактублар келди. Миннатдорчилик мактубига ҳамманинг ҳам сазовор бўлиши қийин. Аскар йигит ота-онаси қувончининг чеки йўқ. Ота-она учун фарзанди шаънига айтилган мақтовдан, эътирофдан ҳам қувончли нарса бўлиши мумкинми, ахир.

Мадатнинг ёшлигидан ҳарбий соҳасига меҳри жуда баланд эди. Муддатли ҳарбий хизмат бу меҳрни янада алангалатди. У ҳаётини армия билан боғлашга аҳд қилган.

– Ёшлигида ҳарбий бўлишни орзу қилмаган йигит бўлмаса керак, деб ўйлайман, – дейди у биз билан суҳбатда. – Мен ҳам болалигимдан шу соҳага меҳр қўйганман. Бу орзуим муддатли ҳарбий хизмат давомида мақсадга айланди. Шу боис бу йил Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кирмоқчиман. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ жараёнида бизга бир қатор шароит ва имкониятлар берилди, яъни ўқишга тайёрланишимиз учун барча адабиётларга эга кутубхоналар хизматидан фойдаландик. Билимларимизни ошириб бордик. Ўйлайманки, албатта курсант деган номга сазовор бўламан.

Ҳарбий хизматнинг унутилмас, ёдда қоларли лаҳзалари кўп. Яна қадрдон дўстлар ҳам орттирдим. Жасур Ҳамроев, Эркин Бўриев, Самад Ҳакимов каби сафдош дўстларим борлигидан мамнунман.

Мана, муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган яна бир ўғлон ёруғ юз билан уйига қайтди. Кўнглида бир олам эзгу орзулар. Тилагимиз, унинг йўллари ҳамиша ёруғ ва нурафшон бўлсин!

**Лола ТУРСУНОВА.**

# ТИББИЁТ

## МАСЪУЛИЯТНИ ДИЛДАН ҲИС ҚИЛИБ

**Қуролли Кучларимиз сафида эгнига ҳарбий либос кийиб юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона хизмат қилаётган хотин-қизлар кўпчиликни ташкил қилади. Ана шундайлардан бири шартнома бўйича хизмат сержанти Елена Маҳмудовадир. У Чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ҳамшира вазифасида хизмат қилиб келмоқда.**



Аёл ҳақида гап кетганда унга зик ҳилқат дея таъриф берилади. ки аёл – садоқат, вафо ва меҳрҳаббат тимсоли. У қийинчиликни нозик елкасига ортиб, тоғдек сак қалб билан уни енгиб ўтишқодир матонат ва сабр-тоқат макаси ҳамдир. Табиат аёлга шункуч-қудрат ато этганки, у ўрни келганда жасоратли ишларга ҳам қодир бўла олади. Бугун ҳарбийликдек шарафли ва айни вақтда масъулиятли касбда аёлларимиз ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Ушбу мақоламиз орқали ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз – Елена Маҳмудова ҳам кўп йиллардан буён Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида фидокорона хизмат қилиб келаётган жасур аёлларимиз сирасидан. Ўтган вақт ичида у интилувчанлиги, билимдонлиги, танлаган касбига бўлган меҳри туфайли жамоада юксак обрў-эътиборга эга бўлди. Касбига бўлган фидойилиги сабаб «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 15 йил» кўкрак нишони билан тақдирланди.

– Ҳарбийликдан шарафли касбни танлаганимдан жуда хурсандман, – дейди биз билан суҳбат чоғида қаҳрамонимиз. – Ҳар бир касбнинг ўзига хос пасту баланд синовлари бўлади. Ушбу синовлардан муваффақиятли ўтган инсонгина танлаган соҳасида ўз ўрнига эга бўлади. Мен ҳар доим ҳам мана шу қоидага амал қилишга ҳаракат қиламан. Аскарлар соғлиғини сақлаш, улар ўртасида турли касалликларнинг олдини олиш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этишни таъминлаш – биз ҳамшираларнинг вазифаси. Шунинг учун ҳам ўзига хос масъулият талаб этадиган ушбу вазифани астойдил адо этишга интиламан.

Чегара қўшинлари аълочиси Елена Маҳмудова ўз касбининг сир-асрорларини моҳирлик билан ўзлаштиришга эришган шижоатли ҳарбий хизматчи. Мана шундай аёлларимиз бор экан, посбонлар соғлиғи ҳам мустаҳкамланиб бораверади.

**Подполковник М. МАТАЕВ.**

## МЕҲР ИЛА УЛАШАР ШИФО

**Касбим – фахрим, дегувчи инсонлар орамизда кўплаб топилади. Одатда ўз ҳаёти давомида эзгулик улашувчи, бурч ва масъулиятни муҳим вазифа дея ҳис этувчи инсонлар қалбидан ана шундай калом отилиб чиқади. Бу тоифа касб эгалари қаторига биринчилардан бўлиб шифокор ва ҳамшираларни келтириш жоиз бўлса керак.**

Қаҳрамонимиз шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Мунаввар Чоршамбиева қўли енгил шифокорлардан. Мана, ўн уч йилдирки, у ҳарбий қисм тиббиёт пунктида фельдшер сифатида хизмат қилиб келмоқда. Одатда ўз соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатаётган инсонларни касб билимдони, дея тан олишади. Мунаввар опа ҳам ўтган йиллар давомида фелъдшерликнинг ўзига хос қирраларини маҳорат билан ўзлаштириб, ана шундай номга сазовор бўлганлардан. Буни ҳаттоки, у билан елкама-елка туриб хизмат қилаётган касбдошлари ҳам таъкидлашади.

– Кичик сержант Мунаввар Чоршамбиева билан узоқ йиллардан буён хизмат қилиб келамиз, – дейди биз билан суҳбатда офицер Шукур Хушвақтов. – У ўзига топширилган вазифани астойдил бажарадиган фидойи, ўзгалар соғлиги учун жавобгарлик ҳиссини устун қўядиган талабчан фелъдшерларимиздан бири. Шу боисдан ҳам жамоа орасида ўз ўрнига эга. Тўғрисини айтганда, инсон яхши фазилатлар эгаси бўлсагина ўзгалар орасида ҳурмат ва обрўга сазовор бўлади. Шу жиҳатдан Мунаввар опага ҳавас қилса арзийди. У шу кунга қадар жамоадаги ёш ҳамшираларга, фельдшерларга йўл-йўриқ кўрсатиб, билмаганини ўргатиб келмоқда.

– Мунаввар опани инсон сифатида ўз касбининг билимдони сифатида жуда ҳурмат қиламиз, – дейди кичик сержант Соҳиб Эшонқулов. – У билан бир жамоада хизмат қилаётганимга кўп вақт бўлмади. Лекин инсоннинг қандайлигини билиш учун вақтнинг аҳамияти йўқ. Хизматни бошлаган илк кунимданоқ унинг ҳар томонлама билимдон, шижоатли, ғайратли аёл эканлигига гувоҳ бўлганман. У жуда жонкуяр шифокор. Бу эса касбдошларига ўрнак бўларли фазилатларининг энг муҳими деб ўйлайман. Зеро, қилинаётган самарали меҳнат ҳам кишини юксакликка олиб чиқади.

Мунаввар опа ҳар доим ўтган йилларга назар ташлар экан, умрини сарҳисоб қилиб кўради. Оила қурди, фарзандли бўлди, обрўэътибор топди, ҳурмат топди... Бугун фарзанди коллеж талабаси. Кечагина у ҳам атак-чечак қилаётган ёш гўдак эди. Умр шамолдек шиддат билан ўтаверади деб шуни айтсалар керак-да.

Орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, лавҳамиз қаҳрамони илк хизмат фаолиятини бошлаган ўша ҳаяжонли кунларни худди кечагидек ёдга олади:



– Бириктирилган вазифанинг уддасидан чиқа оламанми, деган ҳадик бор эди. Чунки ҳарбийликнинг ўзига хос масъулияти бор. Устозлар ўгити, улар кўрсатган йўл-йўриқлар, қўллаб-қувватлашар эндигина иш бошлаган ҳар бир соҳа кишиси учун мадад бўлар экан. Менда ҳам шундай бўлди. Ушбу масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқишимда ёрдам берган жамоамни миннатдорлик билан эслайман. Хизматнинг дастлабки кунларида олган ўгитлар бутун фаолиятим давомида менга дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Биласизми, касбига меҳр қўйган инсон қийинчиликдан қўрқмайди. Шу боисдан ҳам ўз вазифамни мароқ билан бажараман. Посбонлар соғлиғини сақлашда озгина бўлса-да ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Чунки улар бизнинг тинчлигимиз, осойишталигимиз қўриқчилари. Посбонлар соғ-саломат бўлса, тинчлигимиз мустаҳкам бўлади, элда хотиржамлик ҳукм суради.

Ҳаётни эзгулик билан гўзал дейишади. Мен унга қўшимча қилиб, ҳаёт эзгулик ва ўзгаларга эзгулик улашаётган инсонлар билан гўзал дегим келди. Ҳа, ҳаёт бир-биримизга илинган яхшилигимиз, кўрсатган оқибатимиз билан ширин ва мароқли. Шундагина умрнинг қадрига етади инсон. Ниятимиз, одамлар бир-бирини асраб-авайлашни, бир-бирига ҳурмат ва иззат кўрсатишни билишсин.

**Муслима ТУРСУНБОЕВА.**
**Аҳрор ОЧИЛОВ суратга олган.**

Актуальная тема

## БАРЬЕР НА ПУТИ ИНФЕКЦИИ

**Инфекционное отделение филиала Центрального военного клинического госпиталя (ФЦВКГ) выполняет большую и многотрудную работу по защите здоровья наших воинов.**



– Личный состав данного подразделения особенно в конце зимы и весной трудится с повышенной нагрузкой, – говорит в беседе с нашим корреспондентом начальник ФЦВКГ полковник медицинской службы Худайкул Рахимкулов. – Ведь количество простудных заболеваний возрастает именно в это время года. Во-первых, просто физически трудно осмотреть такое большое количество пациентов. А во-вторых, в психологическом плане бывает нелегко порой установить контакт с больным, находящимся в раздраженном состоянии. И в-третьих, простудные заболевания протекают обычно на фоне высокой температуры, что добавляет забот медицинским работникам.

Здесь собрались настоящие профессионалы своего дела, возглавляемые майором медицинской службы Шухратулло Дусановым. Среди лидеров коллектива можно назвать врачей-ординаторов майора медицинской службы Юсуфали Каршибаева и служащую Вооруженных Сил Насибу Кадырову, старшую медсестру отделения сержанта Инобат Казакову, медсестер Махбубу Буриеву, Умиду Бабатову и Гавхар Сагатову.

Сразу, после прибытия, пациентам делается ЭКГ, УЗИ, ФГДС, ФОГК, они сдают все необходимые анализы. То есть, изначально принимаются меры для того, чтобы простудное заболевание не дало осложнений. А потом ведется интенсивная терапия с целью скорейшего возвращения воина в строй.

В принципе, это общее правило для всех отделений госпиталя: в процессе лечения одного заболевания проводится полное обследование всего организма для того, чтобы военнослужащий возвратился в строй стопроцентно оздоровленным человеком.

Поскольку инфекция проникает в организм через органы дыхания, им здесь уделяется повышенное внимание. Речь идет о полосканиях горла лекарственными растворами, различных ингаляциях.

В деле успешного выздоровления пациентов большое значение имеет и сбалансированное питание. Эльмира Муртазина всегда готова порадовать пациентов вкусной и здоровой пищей. В дни, когда личный состав должен пройти то или иное обследование, завтрак сдвигается по времени.

– Недаром говорят, что и доброе слово лечит, – говорит капитан Джахонгир Абдукадыров, поправивший здоровье в этом отделении. – Хочется поблагодарить врачей и медсестер за высокий профессионализм, верность долгу и умение этим добрым словом вселить веру в скорейшее исцеление.

И напоследок хотелось бы довести до медиков войсковых частей пожелания врачей.

– В первую очередь желательно больше уделять времени профилактике простудных заболеваний, – говорит майор Ш. Дусанов. – Не допускать переохлаждения воинов. И соблюдать все меры предосторожности при обучении личного состава, проведении занятий на технике и перевозках военнослужащих.

Действительно, легче предупредить болезнь, чем потом ее лечить. Однако, если инфекция все же сумела прорваться через ваши защитные барьеры, в этом отделении ФЦВКГ у нее нет шансов выжить.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
**Фото автора.**

# МАСЛАҲАТ

Доподготовка водителей

## СОВЕРШЕНСТВУЯ НАВЫКИ

У начальника КТП младшего сержанта О. Шакирова ответственная задача. В качестве опытного специалиста он привлечен к сборам по доподготовке водителей по одномесячной программе.

Следует отметить, что все участники сборов из числа молодого пополнения уже имеют определенный опыт вождения и эксплуатации автомобильной техники.

В недавнем прошлом, готовясь к службе в Вооруженных Силах, рядовые Гайрат Мамажонов, Уткир Анназаров, Даврон Дадажонов и другие молодые водители успешно обучились на водительских курсах ОСО «Ватанпарвар». Каждый из них имеет водительское удостоверение категорий «В» и «С».

Для руководства сборами и проведения занятий с водителями привлечены лучшие специалисты.

– В ходе сборов водительского состава, – говорит офицер Донияр Маматкулов, – согласно Программе доподготовки водителей, других нормативных документов, молодым автомобилистам предстоит совершенствовать как теоретическую базу, так и практическое вождение.

– Отрадно, что в войсках для нас, молодых водителей, создаются подобные сборы, – делится рядовой Уткир Анназаров. – Здесь отличная материально-техническая база, что, безусловно, будет содействовать нашим познаниям в эксплуатации и обслуживании автомобильной техники. Занятия под руководством опытных инструкторов практического вождения с каждым днем повышают мастерство молодых водителей.

Полученные знания придадут слушателям прочных навыков и мастерства, уверенности на дороге, ведь их боевой пост – за рулем.

**М. ХАСАНОВ.**

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

## ҚОИДАГА РИОЯ ҚИЛГАН АДАШМАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан, жорий йилнинг 15 мартидан 15 апрелига қадар давом этадиган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишларининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

– Олий ўқув юртлари, таълим-тарбия муассасаларида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ўз самараларини бермоқда, – дейди Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори, майор И.Саидкаримов. – Олмалиқ шаҳри, Оққўрғон ҳамда Бўка туманларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида ташкил этилган учрашув ва суҳбатлар, болалар ўртасида ўтказилган қизиқарли мусобақалар ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Хавфсизлик чораларини кучайтириш мақсадида транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар серқатнов бўлган йўллар бўйига, чорраҳаларга ҳушёрликка даъват этувчи қўшимча паннолар ўрнатилди. Мактаблар яқинида қўшимча махсус постлар ташкил этилди. Шунингдек, қўшма рейдлар давомида пиёдалар томонидан икки мингга яқин йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларининг бузиш ҳолатлари аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ нохуш ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда кенг муҳокама этилмоқда. Тегишли идоралар билан ҳамкорликда йўлларнинг носозлиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олди олинаётир.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Сўраган эдингиз

## КРЕДИТ ҚАНДАЙ ҲОЛАТДА ҚАЙТАРИЛМАЙДИ?

**Ипотека кредитини олгандан сўнг ҳарбий хизматчи уй-жой билан таъминланмаганлар рўйхатидан чиқариладими?**

**Навбатдаги саволим эса шундай: қандай ҳолатларда ипотека кредити ва у бўйича ҳисобланган фоизлар қайтарилмайди?**

**Капитан**
**Жаҳонгир ШАЙМАТОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига узоқ муддатли ипотека кредитларидан фойдаланган ҳолда квартиралар сотиб олиш ва якка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун ер участкалари ажратиш тартиби тўғрисида Низомга ҳамда Мудофаа вазирининг бу борадаги тегишли буйруғига мувофиқ квартира сотиб олиш ёки якка тартибда уй-жой қуришга ўзлари учун тегишли вазирликлар томонидан дастлабки бадал ўтказилган ҳарбий хизматчилар давлат ҳисобига уй-жой билан таъминланмаганлар рўйхатларидан чиқарилади.

Тилга олинаётган Низомнинг 14-моддаси ва Мудофаа вазири буйруғи билан тасдиқланган вақтинчалик йўриқноманинг 21-моддасида ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган ёки хизмат вазифаларини бажаришда оғир тан жароҳатлари олиши оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда қайтарилмаган кредит ва у бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси тегишли вазирликнинг раҳбари қарори асосида вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига қопланиши кўзда тутилган.

**И.ҚУРБОНОВ тайёрлади.**

Тест

## БАҲС, МУНОЗАРА, ҲАҚИҚАТ...

**Ҳар биримиз ҳаётимиз давомида ишда, кўча-кўйда ўзгалар билан баҳслашамиз, тортишамиз. Хўш, сиз-чи? Сиз учун ҳақиқатнинг қарор топиши қанчалик муҳим? Ҳақиқат учун курашиш қўлингиздан келадими? Қуйидаги тест орқали буни билиб олишингиз мумкин.**

**1. Дўстингиз оғир аҳволда:**
А) Ўзингизни ундан олиб қочишга ҳаракат қиласиз ва унинг муаммоларига аралашмасликни лозим кўрасиз;
Б) Дарҳол унга қўлингиздан келганча ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиласиз;
В) Дўстларингиздан ёрдам сўрайсиз.

**2. Шартнома тузишингизга тўғри келса, сиз...**
А) Оғзаки берилган ваъдага ҳам ишонасиз;
Б) Ишончли бўлиши учун шартномани ёзма равишда тузасиз;
В) Ўзингиз истаган пайтда шартномани бекор қилиш мумкинлигини кўзлаб иш тутасиз.

**3. Бирор бир қийинчиликка дуч келсангиз...**
А) Ўзингизга ишонмайсиз ва ўйлаган ишингиздан воз кечасиз;
Б) Ҳаммаси ўз-ўзидан яхши бўлиб кетишини кутасиз;
В) Қийинчиликни енгишга ҳаракат қиласиз.

**4. Ким биландир баҳслашиб қолдингиз ва ўзингизнинг ноҳақ эканлигингизни билдингиз...**
А) Дарҳол хатоингизни тўғрилайсиз;
Б) Ноҳақлигингизни билсангиз ҳам баҳслашишда давом этаверасиз;
В) Баҳсни тўхтатасиз.

**5. Сизнингча, ҳақиқат учун курашиш – бу...**
А) Осон иш эмас ва бу шароитга боғлиқ;
Б) Асабийлашишга олиб келади;
В) Керак ва шарт.

**6. Бошқача фикрлаётган дўстингиз билан баҳслашсангиз, сиз...**
А) Уни ўз фикрингиз тўғрилигига ишонтира оласиз;
Б) Ўз фикрингизда қоласиз;
В) У сизни ўз фикрининг тўғрилигига ишонтира олади.

**7. Баҳсларда аҳвол кескинлашиб борса...**
А) Жаҳлингиз чиқади;
Б) Асабийлашмасдан баҳслашишни давом эттирасиз;
В) Овозингизни кўтарасиз.

**8. Телефон рақамлари ва уй манзилларини...**
А) Тез топиш мумкинлиги учун ёзиб қўймайсиз;
Б) Ён дафтарчангизга ёзиб қўясиз;
В) Эслаб қоласиз.

**9. Кўчада биров билан танишиб қолдингиз, қачондир у билан яна учрашиб қолсангиз...**
А) Дарҳол танийсиз;
Б) Исмини эслай олмайсиз;
В) Қаерда ва қачон кўрганингизни эслай олмайсиз.

**10. Дўстларингиздан бири янглишаётган бўлса:**
А) Очиқчасига унга қарши чиқасиз;
Б) Нотўғри гапираётганини билсангиз ҳам уни қўллаб-қувватлайсиз;
В) Бу мавзуда суҳбатлашишдан бош тортасиз.



Энди берилган жадвал орқали тўплаган балларингизни ҳисобланг.

| № | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| А | 0 | 1 | 0 | 2 | 0 | 2 | 0 | 1 | 2 | 2 |
| Б | 2 | 2 | 2 | 0 | 1 | 1 | 2 | 2 | 1 | 0 |
| В | 1 | 0 | 2 | 1 | 2 | 0 | 1 | 0 | 0 | 1 |

### БАЛЛАРИНГИЗ:

**15 баллдан кўп.** Сизни ҳақиқат учун курашувчи деса бўлади. Бундан ташқари, сизда ишбилармонлик сифатлари ҳам бор. Сиз ҳақ билан ноҳақни тезда ажрата оласиз. Сиз учун ҳақиқатнинг қарор топиши жуда муҳим ва қўлингиздан келганча бунинг учун курашасиз.

**7-15 балл.** Сиз ҳақиқат учун курашишга ҳаракат қиласиз, лекин ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқа олмайсиз. Чунки келтираётган далилларингизга ҳамма вақт ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилавермайсиз.

**7 баллдан кам.** Сиз тортишувларни ёқтирмайсиз ва иложи борича уларда қатнашмасликка ҳаракат қиласиз. Сиз учун ҳақиқат қарор топишининг умуман аҳамияти йўқ.

**Жасур НИЁЗОВ тайёрлади.**

## “KUTUBXONA.UZ” ЖУРНАЛИНИНГ ИЛК СОНИ

**Ахборот-кутубхона технологияларига бағишланган “Kutubxona.Uz” илмий-амалий журналининг илк сони нашрдан чиқди. Унинг муассиси – Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидир.**

Кутубхоначилик соҳасига оид журналнинг илк сонидан мамлакатимизда ахборот-кутубхона соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга бағишланган мақолалар кенг ўрин олган, бу борада миллий ва хорижий ахборот-кутубхона муассасаларининг иш тажрибасига бағишланган маълумотлар келтирилган.

Янги нашрда кутубхоналар, янги китоблар, ахборот ҳамжамияти, жамғармалар ва коллекциялар тўғрисидаги мақолалар билан ҳам танишиш мумкин. Шунингдек, таълим ва касб-ҳунар, халқаро алоқаларга бағишланган мақолалар ранг-баранг суратлар билан бойитилган.

Мамлакатимиз бош кутубхонасининг ташкил топиш тарихи, ютуқлари ва истиқболи тўғрисидаги мақола ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотиши табиий.

Ушбу журнал ахборот-кутубхона иши, архив соҳасида фаолият юритувчилар, тадқиқотчилар, умуман кенг китобхонлар оммаси ва ахборот-кутубхоналар ҳаёти билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Ахборот-коммуникация технологиялари оламининг кутубхона, архив, китоб нашриётларига бағишланган ушбу илмий-амалий журнал бир йилда тўрт маротаба чоп этилади.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## ҚИЗИ БОРНИНГ ҚАДРИ БОР



Бу оиладагилар ҳам ҳамма қатори бахтли ҳаёт кечиришаётган эди. Аммо хонадонда тўртинчи қиз фарзанд туғилди-ю… Ҳамма жанжал ана шундан кейин бошланди.

– Шўрим қурсин. Менгинанинг пешонаси қурсин. Биттаю битта ўғлимнинг чироғини ёқадиган ўғли бўлмаса. Бунга қандай чидайман. Энди ўғлимнинг куни қизларга қоладими? – деди Меҳринисо хола йиғлаб-сиқтаб. – Йўқ энди тоқатим тоқ бўлди. Бошқасига уйлантираман. Тўртта қиз туққан бешинчисини ҳам туғади.

– Эна қўйсангиз-чи, унақа гапларни. Худонинг бергани-да. Нима қиз бола фарзанд эмасми, хафа бўласиз. Укамнинг олдида гапирманг бу гапларингизни. Уям сиқилиб юргандир, баттар юрагини ёқасиз. – деди Нозима опа.

– Ўғли борнинг ўрни бор дейишган. Сен бу гапларнинг маънисини қаердан ҳам билардинг. Бир эмас, икки эмас, тўрт қиз-а! Салимжон энди одамларнинг юзига қандай қарайди. Ўғлинг борми, деса юзини ерга тикадими, бечора болам.

– Келинда нима гуноҳ. Унинг қўлидамидики фарзанд кўриш, жабр қиласиз. Агар унинг қўлида бўлганида этагингизни ўғилга тўлдирмасмиди, бечора. Униям ўйланг. Тўртта қиз кўриш бу икковининг пешоналарида ёзилган экан, сизнинг қўлингиздан нима келади?

– Ҳали менинг қўлимдан нима келишини кўрсатиб қўяман. Укангни уйлантираман. Менга фақат қиз туғадиган келиннинг кераги йўқ. Яхшиси унинг баҳридан кечаман. Хоҳласа кундоши билан шу ҳовлида яшайверсин. Хоҳламаса ана катта кўча. Қизларини эргаштириб чиқиб кетсин.

– Невараларингизга ичингиз ачишмайдими? Шунчалик қаҳрингиз қаттиқми? Уларга бир қаранг. Бечоралар сизнинг гапларингизни эшитиб, ҳаммасини тушуниб ўтиришибди. Уларнинг гуноҳи нима? Наҳот шу гўдакларни ўйламасангиз.

– Мен фарзандимни ўйлаяпман. Ўғил кўрса, тўй қилиб элга ош беради девдим. Жўраларининг олдида юзи ёруғ бўлади, деб хурсанд бўлган эдим. Афсус ундай бўлмади. Худога нима ёзғилиғим бор эди-ки, мени бунчалик қийнаса? Кўзим очиқлигида ўғлимнинг ўғилли бўлганини кўраманми, дегандим.

– Эна, ҳали кўп яшайсиз. Худо хоҳласа, ўғил невара ҳам кўрасиз. Сиз фақат яхши ният қилинг…

– Сен менга ақл ўргатмагин. Тўрт сафардан бери яхши ният қиламан, ўғилли бўлсин деб. Тескариси бўлиб чиқди. Энди ўз билганимча иш тутаман. Сен аралашма.

Шу кундан бошлаб оиланинг тинчи бузилди. Қайнонанинг қарғанишлари, ёзғиришлари кундан кун авж ола бошлади. Келин туғруқхонадан келганидан кейин эса уни «ўғил туғмадинг» деб кўз очирмади. Салимжон ҳам ичкиликка муккасидан кетди. Ҳатто Нигорани калтаклайдиган «нега менинг ўғлим йўқ. Ҳаммасига сен сабабчисан» деб хўрлайдиган бўлди. Ҳар куни давом этаётган уруш-жанжалдан безиллаб қолган қизлар оталарининг оёқларига йиқилиб йиғлашар, «онамни урманг» деб ёлвориб илтижо қилишарди. Афсус, ота аллақачон сўқир бўлиб қолган эди…

Кунларнинг бирида Меҳринисо хола бир гап топиб келди. Қўшни қишлоқда ўттиз ёшли бир жувоннинг турмуш ўртоғи автоҳалокат туфайли оламдан кўз юмган экан. Ҳозир у ота-онасиникида яшаркан. Жуда бамаъни, хушмуомала аёл экан. Энг асосийси, фарзанди йўқ. Ўшани Салимжонга иккинчи хотин қилиб олиб беради!

Бу хабар Нигоранинг қалбига наштар бўлиб санчилди. Қандай шармандалик, унинг кўзи тирик туриб, турмуш ўртоғини уйлантиришмоқчи. Бу бедодликка қандай чидайди? Қайси эшикка бош уради? Кимдан нажот сўрайди? Агар унинг ҳам ота-онаси тирик бўлишганида қизларини мана шундай хўрлатиб қўйишармиди? Энди унинг ҳоли нима кечади? Қайнонаси бир сўзли аёл. Қиламан деган ишини албатта қилади. Аёл киши учун бундан ортиқ хўрлик борми, дунёда. Қайси аёл кундош билан яшашни тасаввур қила олади. Нигора қайнонасининг келин устига келин олиш тараддудида елиб-югуриб юрганини кўриб бир эзилса, қизларининг мунгли кўзларига қараб яна бир эзиларди.

«Бечора қизларим. Ёш бола бўлсаям, уруш-жанжаллар туфайли анча улғайиб қолишди. Эртага отаси уйланиб, ҳовлига ўгай она келса, уларнинг кўнгли баттар синмайдими? Йўқ, мен бунга йўл қўймайман. Қизларимни олиб чиқиб кетаман. Уларни ҳеч қачон жабрдийда қилмайман».

Нигора шу куни кўз юммай тонг оттирди. Эртасига эрталаб, чақалоғини йўргаклади-да, акасиникига қараб йўл олди. Акаси шаҳар марказида туради. Катта корхонада ишлайди. Келинойиси туғруқхонада шифокор. Иккови ҳам жуда олийжаноб инсонлар. Айниқса, келинойиси меҳрибон, кўнгли очиқ аёл. Туғуруқхонада ётганида ҳар куни икки маҳал ҳолидан хабар олиб турди. Уни келинойи эмас, опа деган. Бир опанг бўлса, шундай бўлади-да. Нигора хаёл билан эшик қўнғироғини босди. Ичкаридан қадам товушлари эшитилди ва эшик очилиб остонада акаси кўринди.

– Ие, меҳмонлар келибди-ку. Қани-қани, ичкарига киринглар. Эргаш ака синглисини ичкарига бошлади. Олмосхон опа ошхонада куймаланаётган экан. Нигорани кўриб унга пешвоз чиқди.

– Хуш келибсиз, Нигорахон. Ҳозиргина сизни эслагандик. Умрингиз узоқ бўларкан.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлингач, дарди дунёси қоронғу бўлиб турган Нигора акаси ва келинойисига юрагини ёрди, эрининг ва қайнонасининг жабр-ситамларини йиғлаб-сиқтаб айтиб берди.

– Нега менга эртароқ айтмадинг. Сени ота-онаси йўқ, барибир қўлидан ҳеч нарса келмайди, борар жойи ҳам йўқ дейишган-да. Йўқ, хато қилишибди. Мана мен борман. Мен тирик эканман, сени хўрлатиб қўймайман.

– Мен ҳам сезгандай бўлган эдим, – деди Олмосхон опа. – Туғуруқхонага Салимжон ҳам, Меҳринисо хола ҳам бир марта келишмаганди. Нима, қиз фарзанд эмас эканми? Ўғли борнинг ўрни бўлса, қизи борнинг қадри бор. Сиз хафа бўлманг. Мана биз бормиз. Шу ерда яшайсизлар. Хоҳласангиз ана мактаб яқин, ишлайсиз. Институтни тамомлагансиз ахир. Мана шу уй-жойга ҳаммамиз сиғамиз. Инсоннинг феъли кенг бўлсин.

Нигоранинг мижжаларига ёш келди. Узоқ йиғлади. Тўйиб-тўйиб йиғлади. У оғир кунда далда берадиган, ўз бағрига оладиган меҳрибонлари борлигига шукрона келтириб йиғлади…

– Ҳеч ким уни ҳайдагани йўқ, – деди Меҳринисо хола синглисининг кўч-кўронини олиб кетишга келган акага. – Хоҳласанг шу ерда яшайвер, дедим. Хоҳламадими, марҳамат кетаверсин. Мен унга ялинмайман. Холанинг юзсизларча айтиб турган гапларини эшитиб, Эргаш аканинг ғазаби қўзиди. Аммо ҳеч нарса демади. Фақат дарвозадан чиқиб кетаётиб, «сизга Худо инсоф берсин» деди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасидан Салимжон уйланди. Ҳув ўшанда онаси топган қўшни қишлоқлик жувонга! Худди биринчи марта турмуш қураётгандек катта тўю томоша қилиб уйланди. Нигора эса акасиникида яшай бошлади. Қўлидаги чақалоғи катта бўлгач, боғчага бериб, мактабда ишлай бошлади. Акаси уларга ён қўшнисининг уйини олиб берди. Дарё яна ўз ўзанига тушиб бир маромда давом этаётгандек эди…

– Нигорахон хафа бўлмасангиз бир гап айтаман,– деди бир куни Олмосхон опа эшикдан кира солиб. – Бугун кундошингизнинг кўзи ёриди. Қиз туғди. Аммо… чақалоқ ўлик экан.

Нигора бир қалқиб тушгандек бўлди. Тўғри, у эридан ҳам, қайнонасидан ҳам қаттиқ ранжиганди. Лекин кундошини ҳеч қачон қарғамаган. Нигоранинг бу аёлга ичи ачишди.

– Вой опа, ёмон иш бўлибди-да. Бечора қандай аҳволга тушди экан.

–Кундошингизнинг аҳволи жуда оғир. Жонлантириш бўлимида ётибди. Ҳали фарзандининг ўлик туғилганини билмайди. Билса, не аҳволга тушар экан бечора. Қайнонангиз эшик олдида турган эди. Бу хабарни эшитиб, роса йиғлади. Тақдир измига қарши бориб бўлмайди-да…

Орадан бир йил ўтиб, Салимжон яна фарзандли бўлди. Тақдирнинг ҳукмини қарангки, гўдак бу гал ҳам ўлик туғилди. Яна қиз! Бу ҳол тўрт маротаба такрорланди. Чақалоқларнинг ўлик туғилишига келинини сабабчи деб билан Меҳринисо хола уни ҳайдаб солди. У билмасдики, «тирик» етимларнинг уволи гўдакларнинг дунёга тирик келишига йўл бермаётганини. Одамзодни хом сут эмган банда дейишади. Меҳринисо холанинг қонига сут билан кирган хомлик ана шундай катта йўқотишларга сабаб бўлди. Бу унинг хатоси эди.

Салимжон яна ичкиликка берилди. Кўчадан бери келмайдиган бўлди. Йиллар кетидан йиллар ўтди. Меҳринисо хола оламдан ўтди. Энди у ёлғизлик азобида ўртанарди. Ўз хатосини тушуниб етганди. Бу пайтда аллақачон унинг тиниқ юзларини ажин қоплаган, қоп-қора сочлари қордек оқарган эди. У хотини ва болаларидан кечирим сўраб уларнинг остонасига бош урди. Совиган сувни ўт ёқиб иситса бўлади, аммо совиган меҳрни, қалбни ўт ёқиб иситиб бўлмас экан. Салимжон ғишт қолипдан кўчганида, қизларининг қалбидаги меҳр ўзига нисбатан нафратга айланганидан кейин ўзига келди. Ахир тирик етимликдан ҳам оғир азоб борми, фарзанд учун?! Афсус, қизлар оталарининг аҳволига ачинишди-ю, лекин…

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**

## КЕЧИККАН УЗР

### (Воқеий ҳикоя)

Баҳринисо хола ёстиқдан бошини базўр кўтариб, ташқарига қаради. Боши айланиб, яна ётгиси келди-ю, ўзига-ўзи: “Йўқ, нима қилиб бўлса ҳам бугундан қолдирмай Ҳамрохоннинг янги туғилган набирасини бир йўқлаб чиқишим керак”, дея бор кучини йиғиб ўрнидан турди. Уй тўридаги сандиғини очиб, иккита рўмолни қўлтиғига қистирди. Осиғлиқ турган саватчадаги тўртта тухумни камзулининг чўнтагига солди.

«Қани энди илгариги кучимдан озгина бўлса, тўртта бўлса ҳам қатлама пишириб олардим», кўнглидан ўтказиб, йўлга тушди. Ёз палласи. Кун қизигандан қизиган. Ҳамрохон аяларнинг уйи атиги учта ҳовли нарида бўлса ҳам Баҳринисо хола уч қишлоқ босиб ўтгандек чарчади. Дарвозага яқинлашаркан “Худога шукур”, деб қўйди овоз чиқариб.

Ҳовлида уймаланиб юрган холанинг кўзи Баҳринисо холага тушди-ю.

– Келинг, келинг, – дея пешвоз чиқди. – Ўзим ҳам сизни бир йўқламоқчи бўлиб тургандим, – холани бағрига босиб қуюқ кўришди у.

– Невара муборак бўлсин, – рўмолининг биттасини унинг бошига ташлади. – Тугунимда бори шу экан.

– Нега ундай дейсиз, шундай чиқсангиз ҳам хафа бўлмасдик, – деди Ҳамрохон ая.

Шу пайт чақалоқли уйдан келиннинг онаси чиқиб келди. Чиллали уй томон меҳмонни етаклаб келаётган қудасига норози қиёфада қаради. Бу ҳолат Баҳринисо холанинг назаридан четда қолмади.

– Яқинроқ, шу супага ўтира қолай, сал нафасимни ростлаб, кейин уйга кирарман, – дея у супа томон юрди.

Ҳамрохон ая тезда ичкаридан янги кўрпача ва ёстиқ олиб чиқди. Баҳринисо холанинг йўқ деганига қарамай тўшади. Хола узоқ дуо қилди. Шу пайт ичкаридан чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Узр, деб келиннинг онаси ичкари кириб кетди.

– Уйга кира қолмадингиз, салқинроқ эди, – деди Ҳамрохон ая хижолатомуз Баҳринисо холага.

– Хижолат чекманг. Менга шу ер маъқул, – хола иккинчи рўмолни Ҳамрохон аянинг олдига қўйди.

– Менинг номимдан келиннинг бошига ташлаб қўйинг, мана бу тухумларни ҳам пишириб берарсиз.

– Овора бўлибсиз-да, мен ҳозир, – деб нарсаларни олиб, ая ичкарига, келинининг ёнига кириб кетди.

Баҳринисо холага, ичкаридаги гаплар аниқ-равшан эшитилди.

– Ҳай, бу рўмолни янги бўшалган чиллаликнинг бошига ташламанг. Аслида бу нарсаларни ҳам уйга олиб кирмасангиз яхши бўларди.

– Нега ундай дейсиз қуда, нарсада нима айб, – ҳайрон бўлди Ҳамрохон ая.

– Нега дейсиз-а, айланай қуда, бу бефарзанд аёл-ку. Бундай нозик паллада она-болани асрашимиз керак.

– Тавба, деб гапиринг қуда, ҳар иш Оллоҳдан, Баҳринисо хола бир-икки эмас нақ ўн битта фарзанд кўрган, улар турмаган, холос.

– Эй, барибир эмасми, – деди қуда гап бермай.

Баҳринисо хола қолган гапларни эшитишни хоҳламади. Аста супадан туриб, орқага қайтди. Бир қўлида патнис, бир қўлида чой олиб чиққан Ҳамрохон ая бўш супага қараб, жойида қотиб қолди. Холани бу гаплардан воқиф бўлганлигини сезди.

Унинг орқасидан чиқмоқчи бўлиб турганда, келиннинг холалари чақалоқни йўқлаб келиб қолишди. Ҳамрохон ая меҳмонларни кузатиб бўлганда вақт анча кеч бўлиб қолганди. «Эрталаб кираман, нонуштани Баҳринисо хола билан бирга қилиб, қудамнинг номидан узр сўрайман», деб кўнглидан ўтказди, у.

Ҳамрохон ая ёз кунлари нонни кун қизимасдан ёпиб олишга одатланган. Янги қаймоқдан чиннига солиб, иссиқ нондан иккита олди-ю, Баҳринисо холаларникига йўл олди. Эшик олдида турган одамларни, тез-тез кириб чиқаётган қўшни аёлларни кўриб, юраги шувиллаб кетди. «Бўлиши мумкин эмас», деб энди қадамини тезлатган ҳам эдики, ичкаридан “фарзанд доғида куйган жигаримо-ов”, деган овоз келди...

**Баноат ЮНУСОВА.**

# АВТООЛАМ

## НАЗВАНЫ ЛУЧШИЕ АВТОМОБИЛИ В РОССИИ 2009 ГОДА

В московском клубе «Рай» прошла церемония награждения победителей конкурса «Автомобиль года в России-2009». В этом году в голосовании приняли участие 202776 человек из более чем 2500 населенных пунктов страны. По его итогам были выбраны лучшие модели в 20 номинациях.

Все автомобили-номинанты официально продаются в России.

Стоит отметить, что в числе победителей нет ни одной модели российского производства. Более того, ни один отечественный автомобиль даже не был номинирован.

Больше всего премий получила немецкая марка «BMW». Во-первых, этот бренд признан «Любимой маркой по версии портала «Одноклассники.ru». Кроме того, баварские модели получили призы еще в трех категориях «Представительский класс», «Кабриолеты и родстеры Premium» и «Средние внедорожники».

По три премии получили «Audi» и «Ford». Японская «Toyota» победила в двух номинациях. Список победителей:

«Городские автомобили» – «Peugeot 107»;
«Малый класс» – «Ford Fiesta»;
«Малый средний класс» – «Mitsubishi Lancer»;
«Средний класс» – «Honda Accord»;
«Бизнесс-класс» – «Toyota Camry»;
«Представительский класс» – «BMW» 7-й серии;
«Представительский класс Premium» – «Maybach»;
«Купе» – «Audi A5»;
«Купе Premium» – «Audi R8»;
«Кабриолеты и родстеры» – «BMW Z4 Roadster»;
«Кабриолеты и родстеры Premium» – «BMW» 6-й серии «Convertible»;
«Универсалы повышенной проходимости» – «Volvo XC70»;
«Легкие внедорожники» (до 2100 кг) – «Audi Q5»;
«Средние внедорожники» (до 3000 кг) – «BMW X6»;
«Тяжелые внедорожники» (свыше 3000 кг) – «Toyota Land Cruiser 200»;
«Пикап» – «Nissan Navara»;
«Минивэн» – «Ford S-MAX»;
«Малые коммерческие автомобили» – «Volkswagen T5 Transporter»;
«Новинка года» – «Ford Focus»;
«Любимая марка», по версии «Одноклассники.ru» – «BMW».



## ЧЕКУВЧИЛАРНИНГ АВТОМОБИЛЛАРИ – ЭНГ АРЗОН НАРХДА

Ишлатилган автомобилларни сотиш бўйича Британиянинг йирик компанияларидан бири бўлган BCA таҳлилчилари олиб борган тадқиқотлар натижасида аввалги эгаси чекувчи бўлган ва салонида кўп чекилган машиналар қайта сотувда ўз нархини анча йўқотмоқда, деган хулосага келдилар. Бу ҳақда Avto News.ru хабар беради.

BCA вакили Тим Нейлорнинг айтишича, замонавий харидорлар нафақат ишлатилган машинанинг техник ҳолатига, балки унинг салонидан анқиб турган ҳидга ҳам катта эътибор қаратишмоқда. Ваҳоланки, автомобиль салонида йил давомида бир кунда чекилган атиги бир дона сигарета ҳам шундай турғун ҳид қолдирадики, уни ҳеч қандай ҳаво тозалаш воситалари билан йўқотиб бўлмайди.

Бундан ташқари, сигарета тутунида мавжуд бўлган қатрон (смола)лар салон қопламасига ишлатилган матоларнинг рангсизланишига олиб келади.

Нейлор яна шуни ҳам қўшимча қиладики, бу муаммоларнинг барчасини профессионал даражадаги кимёвий тозалаш ёки салондаги қоплама матоларини алмаштириш йўли билан ҳам ҳал қилса бўлади. Аммо бу усуллар катта харажатларни ҳамда меҳнатни талаб қилади. Шу сабабли ҳеч бўлмаганда машинани сотишдан бир неча ой аввал унинг ичида чекишдан воз кечган маъқулроқ.

## РЕКОРД НАТИЖА ҚАЙД ЭТИЛДИ

Toyota Prius автомобилининг гибрид прототипи аввал фақат мотоциклгагина хос бўлган ёнилғи сарфланиши даражасини кўрсатди. Мазкур машина 57 километр масофани атиги 1 литр бензин сарфлаб босиб ўтди. Ушбу тест синови Fuji Speedway трассасида бўлиб ўтди, деб хабар беради Drom.ru Япониянинг Response нашри маълумотига таяниб.

Прототип ролида шу йил бошида АҚШдаги Детройт автосалони доирасида намойиш этилган Prius автомобилининг ҳозирги авлоди иштирок этди.

Response журналистлари ёнилғи сарфи бўйича бундай ажойиб кўрсаткичга автомобилни ўртача тезликда моҳирона бошқариш орқали эришдилар. Шаҳар шароитларида бундай кўрсаткичга эришиш мумкин эмас.

Toyota компанияси баёнот беришича, Prius автомобилининг янги авлоди 100 км масофага 4,7 литр бензин сарфлайди.



## КИТАЙЦЫ СОТВОРИЛИ ОДНОМЕСТНЫЙ ЛИМУЗИН

Китайская компания «Geely» на апрельском автосалоне в Шанхае представит флагманский седан «GE», внешность которого очень напоминает автомобиль «Rolls-Royce Phantom». Главной особенностью этого автомобиля является то, что задняя часть салона предназначена только для одного человека. Там установлено одно большое кожаное кресло с широкими подлокотниками и стеклянная перегородка между водительской и пассажирской частью салона. На крыше находится специальная панель со светодиодами, имитирующими «звездное небо». Точно такая же панель устанавливается и на машины «Rolls-Royce».

На данный момент никакой детальной информации о новинке нет, за исключением того, что ее габаритная длина составляет 5,3 метра, а колесная база равна 3,1 метра. По предположениям некоторых китайских интернет-изданий, на моторшоу будет представлено еще две модели, выполненные в аналогичном с «Geely GE», которые, возможно, станут продавать под новым брендом «Shanghai EngLon». Ожидается, что на шанхайском автосалоне компания «Geely» покажет в общей сложности более 20 новых автомобилей, включая внедорожники, пикапы, концептуальный спорткар, компактные хэтчбеки и среднеразмерные седаны, а также электрокары.




## ЯНГИ СЕДАН НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Апрель ойида Сеулда очиладиган автокўргазма доирасида Жанубий Кореянинг етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчи корхонаси – Kia компанияси премиум-тоифадаги VG деб номланган янги седан намунасини намойиш этади.

VG Concept дизайнидаги ўзига хосликлар таркибига LED русумли ёритиш тизимига эга бўлган фаралар, 20 дюймли ғилдирак дисклари ва люкс Volkswagen Passat CC автомобилидаги сингари катта панорамали ойнали том киритилган.

Янги авлодга мансуб Hyundai Azeranинг олд узатмаси асосида қурилган VG 3,5 литрли V6 Lambda, шунингдек 2,4 литрли 4 цилиндрли Theta двигателлари билан жиҳозланади. Иккала двигатель ҳам Hyundai корхонасида ишлаб чиқарилган.

Машина шунингдек кенгайтирилган 2,85 метрли ғилдирак базасига эга бўлгани сабабли унинг салони ҳозирда мавжуд Kia Amanti седани салонига қараганда анча кенг ва қулай. Тахминан, Kia VG серияли равишда ички бозорда 2009 йилнинг сентябридан сотувга чиқарилади. Кейинчалик эса автомобиль чет эл бозорларида, жумладан, АҚШ да ҳам сотилиши режалаштирилмоқда.



## ТАЛАБА «МОДАЛИ» АВТОМОБИЛЬ ЯРАТДИ

Worldcarfans сайти Жанубий Кореянинг Hong-ik University университети талабаси яратган автомобиль тасвирини намойиш этди.

Ёш йигитча таниқли француз бренди – Chanel маҳсулотига ўхшаш, кузови аэродинамик шаклга эга бўлган автомобиль концептини яратди. У ўзининг «модали» янги моделини Fiore деб номлаган. Дизайнернинг таъкидлашича, бу дизайндаги автомобилни яратишга уни Chanel маҳсулотлари, – атир, косметика, кийим ва заргарлик буюмларининг ўзига хослиги руҳлантирган. Ҳозирча ушбу кўринишдаги машинани серияли равишда ишлаб чиқариш режалари, шунингдек, таниқли француз модалар уйининг Fiore автомобили яратилишига бўлган муносабати ҳақида ҳеч қандай маълумотлар эълон қилинмаган.



# ХОНАДОН

Пазандалик сирлари

## КЎЗАЧА ДИМЛАМА



**Керакли масалликлар:** 1 порция учун 2 дона картошка, 1 дона қизил сабзи, 80 г. қийма, 1 дона пиёз. 50 г. сметана, 1/3 ст. сув, оз-оздан кашнич, укроп ва йирик қора мурч, зира, туз таъбга кўра.

Пиёзни думалоқ шаклида тўғраб, кўзачага соламиз. Унга йирик бўлакларга бўлинган сабзи, картошка ва думалоқланган қиймани соламиз. Устига сувга аралаштирилган сметанани қуямиз ва зираворлар, майда тўғралган кўкатлар, туз сепиб 200 градусда қиздирилган газ печига 30–35 дақиқага қўямиз. Тайёр таом кўзачада тортилса ҳам бўлади.

## СУП С СУЗЬМОЙ



**Понадобится:** фарша – 200 г, масла растительного – 50 г, морковь – 50 г, лук – 40 г, горох (нухат) – 50 г замоченного, лапша домашнего приготовления – 100 г, сузьма – 100 г, соль, укроп.

**Приготовление:** в разогретое масло положить лук и слегка обжарить, затем добавить нарезанную мелкими кубиками морковь, продолжать жарить 5-10 мин. Затем залить бульоном, довести до кипения, положить горох (нухат) варить до готовности, далее – фрикадельки, сделанные из фарша. В конце положить лапшу, посолить. Когда приготовится, остудить. Сузьму развести остывшим бульоном до консистенции сметаны. Суп разлить по косам, заправить разведенной сузьмой, сверху посыпать нарезанным укропом.

## МАГИЗЛИ САЛАТ



**Керакли масалликлар:** 3 дона қизил сабзи, 1–2 дона олма, 1 дона лимон ва 1/3 ст. майиз.

Сабзи ўртача йирикликдаги қирғичдан ўтказилади. Олма пўсти артилиб, уруғидан тозаланади ва майда тўртбурчак шаклида тўғралади. Устига лимон суви сиқилади. Ювилган майиз солиб, яхшилаб аралаштирилади. Ярим соатдан сўнг дастурхонга тортилади.

Руҳият

## ГЎЗАЛЛИК НИМАДА, ГЎЗАЛЛИК КИМДА?

Ҳамма ташқи гўзаллик ҳақида қайғуради, чунки кўпчилик ташқи кўринишга қараб баҳо берилади, деб ўйлайди. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, қанча кўп кўзгуга тикилсак, одамларни ўзимиздан шунча кўпроқ итарамиз. Кўринишига қаттиқ эътибор бермайдиган одам энг гўзал инсондир. Руҳшунослар ғалати бир тажриба ўтказишди. Бир гуруҳ аёл ва эркакларни математика бўйича имтиҳон қилишди. Уларга бир хил либос кийдирилганда, натижалар тенг бўлган. Эркакларни ярашмаган кийимда яна бир бор имтиҳон қилишганда эса уларнинг бутун фикри ташқи кўринишида бўлганлиги сабабли кўп хато қилишган. Ушбу маслаҳатларга амал қилсангиз, гўзаллик сизнинг доимий дўстингизга айланади.

Ўзингизни гўзаллар билан таққосламанг: Шу вақтгача ўзингизни бошқалар билан солиштириб, ҳеч қандай натижага эришолмаганингизни тан олинг. Улар табиатнинг сизга ўхшаш бир ноёб санъат асари.

Ўзгалар сизни бошқаришига йўл қўйманг. Агар яқинларингиз ёки дўстингиз сизни чиройли эмассан, деб ишонтирса, бошингизни қотириб ўтирманг. Бу сизни бошқариш ва ҳаётингизга аралашишнинг энг осон ва ўта тубан йўлидир.



Ҳадеб ўзингиз ҳақингизда ўйлайверманг. Бу сизни ўта шафқатсиз қилиб қўяди. Атрофингиздагиларга эътибор беринг, уларга ҳам қизиқиб кўринг. Дўстларингиз билан учрашинг, одамлар орасида кўпроқ бўлинг, шунда ҳақиқатда ўхшаши йўқ эканингизни англайсиз.

Тана – ҳаракат, яшаш воситаси. Спорт билан шуғулланинг, сузишга қатнанг, фойдали маҳсулотларни истеъмол қилинг. Албатта, натижасини сезасиз. Бемаъни хавотирлар, «семиз», «озғин», «хунук» деган сўзлардан халос бўлинг. Кўринишингиздан ташқари, бир дунё фазилатларингиз борлигини унутманг.

Ҳамма учун самимий бўлинг. Очиқ кўнгилли эканингиз ҳам кийимингиз, ҳам ўзингизни тутишингиздан билиниб турсин. Мода орқасидан қувиш сизни одамлардан янада узоқлаштиради.

Чирой бахт, омад белгиси эмас. Гўзал инсонлар сиз ўйлагандек бахтли бўлавермайди. Яхшиликка ишониш ва интилиш, одамлар билан мустаҳкам алоқа қилиш инсонни чинакам бахтли қилади.

Ижтимоий сўровларнинг кўрсатишича, бахтли инсон бу ҳар нарсанинг яхши томонини кўра оладиган одамдир. Ташқи қиёфангиз ички гўзаллигингизнинг акси эканини унутманг.

Bolajonlar, sizlar uchun!




## TULKINING TAQSIMOTI

Kunlarning birida yo‘lbars, bo‘ri va tulki uchovlon ovga chiqibdi. Ular bitta kiyik, bitta quyon hamda bitta qirg‘ovul tutishibdi. O‘ljalarni qanday bo‘lishni bilmay, uchalasining ham boshi qotibdi.

— Sen bu narsalarni teng taqsimla, — deb amr qilibdi yo‘lbars bo‘riga.

— Xo‘p, — deb ishga kirishibdi bo‘ri. — Quyon kichkina jonivor, uni tulki yeya qolsin. Qirg‘ovul menga bo‘lsin. Siz janoblari katta bo‘lganingiz uchun kiyikni ola qoling.

Uning taqsimoti yo‘lbarsning qahrini keltiribdi. U bir urib bo‘rining ko‘zini chiqarib yuboribdi.

— Qani, sen taqsimlab ko‘r-chi, — debdi yo‘lbars tulkiga.

— Xo‘p bo‘ladi, — debdi tulki hozirjavoblik bilan. — Quyonni siz nonushtaga yeganingiz tuzuk, qirg‘ovulni tushlikda yeya qoling. Kiyik go‘shti kechki ovqat bo‘ladi. Sizdan qolganlari bizga yetib, ortadi. Ortmasa ham shukur qilaveramiz.

Tulkining taqsimoti yo‘lbarsga ma’qul bo‘libdi.

— Bunchalik adashmay to‘g‘ri taqsim qilishni qayerdan o‘rganding? — deb so‘rab-di u.

— Bo‘rining otilib chiqqan ko‘zidan, — debdi tulki.





# БЕКАТ




**ГАЗЕТАНИНГ 13-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

**ЭНИГА:** Арифметика. Сўз. Патрон. Шуманай. Никитин. Минг. «Макбет». Ли. Ақл. Шоумаров. Лазер. Баобаб. Гаров. Зеби. Ижара. Сигир. Нота. Дўст. Бобо. Нам. Ой. Таранспорт. Олчи.

**БЎЙИГА:** Астат. Истанбул. Маош. Истак. Нун. Ниш. Йилқи. Азм. Газ. Регби. Вожиб. «Алпомиш». Вагон. Нил . Озон. Рибак. Минора. Абр. Абад. Сир. Маром. Азот. Биз. Спорт.

**Фозилжон ОРИПОВ** тузди.

## АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



В первой половине недели желательно ничего нового не предпринимать. Могут поступить предложения о новой работе. Оптимистическое восприятие жизни позволит легко справиться не только с возникающими проблемами, но и с проблемами близких людей.



Количество дел по работе все увеличивается. На этой неделе вам может показаться, что все семь дней вы проведете в трудах без права на отдых, еду и сон. Не переживайте: все проблемы решаемы, если вы проявите собранность, внимательность и сосредоточенность.



Вам на этой неделе придется собраться — потребуется стойкость и, желательно, неуязвимость. Ваши трудовые подвиги не останутся незамеченными — вы добьетесь одобрения. Могут активизироваться деловые контакты. Выходные проведите в кругу семьи.



На этой неделе возможно все: и заманчивые перспективные предложения, и популярность в своем окружении, и поддержка влиятельных людей. Постарайтесь не обострять отношений с коллегами — тогда вас ждет успех во всех начинаниях.



Неделя может почти не потребовать напряжения — оно будет необходимо лишь в тот момент, когда задачей будет просто не упустить свой шанс. Удачны будут деловые встречи. Вам предстоят позитивные изменения на профессиональном поприще.



Отношение к служебным и профессиональным вопросам положительное влияние окажет жажда разнообразия и новизны. Однако придется приложить значительные усилия, чтобы сосредоточиться на конкретном деле и постараться довести его до конца.



Успех потребует значительных затрат сил и времени, но вы можете рассчитывать на помощь друзей и близких. Постарайтесь идти на здравый компромисс с деловыми партнерами и коллегами. В выходные, если обстоятельства позволят, устройте себе и близким праздник.



На этой неделе у вас есть шанс завести ценные знакомства. Этому будет способствовать дар красноречия и умение убеждать окружающих. Велика вероятность появления большого количества заманчивых предложений. Постарайтесь выбрать самые достойные из них.



Ваша заветная цель станет видимой: вы будете стремиться к ней и сможете ее достигнуть. Перед вами могут открыться новые горизонты — они будут связаны с новыми направлениями в делах. Близкие люди проявят заботу и внимание, их помощь будет чувствоваться во всем.



Хорошая неделя для реализации самых смелых стремлений. Настраивайтесь на достижение целей и преодоление трудностей. Будьте внимательнее к поступающей информации. Возможны интересные и выгодные предложения. Постарайтесь в выходные восстановить затраченные силы.



Начало недели может быть весьма напряженным, поэтому запаситесь терпением и не предпринимайте никаких резких движений. Вы будете ощущать поддержку окружающих в своих начинаниях. Вероятны позитивные перемены на работе.



Не принимайте поспешных решений, будьте рассудительнее и настойчиво работайте на свое будущее. Начните воплощать в жизнь свои замыслы. Выходные благоприятны для творчества и раскрытия творческого потенциала.

## Табассум



### БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ

Савол: «Қизлар ётоқхонаси йигитлар ётоқхонасидан қандай фарқ қилишини биласизми?»

Жавоб: «Қизлар ётоқхонасида фойдаланилган идиш-товоқлар овқат еийлганидан сўнг ювилади, йигитлар ётоқхонасида эса овқат сузишдан олдин...»

### ИМПОРТ ҚИЛИНГАНМИ ЁКИ...

– Менга қаранг, ака, мана бу товуқ гўштини мен кеча сиздан сотиб олгандим...

– Хўш, нима демоқчисиз?

– Сиз уни Швейцариядан келтирилган дегандингиз...

– Ҳа.

– У ердан импорт қилинганми ёки ҳайдаб чиқарилганми?!

### «ОҚИЛОНА» ҚАРОР

Икки йигит кафеда суҳбатлашиб ўтиришибди:

– Биласанми, дўстим. Ота-она қарамоғида ўтираверищ жонимга тегди.

– Нима, ишга жойлашмоқчимисан?

– Йўғ-э... Энди бувимникига бориб яшамоқчиман.

### БАЛИҚ ЯНГИМИ?

Кампир балиқ сотиб олаяпти:

– Болам, балиғингиз янгими?

– Ҳа, бувижон, ахир у ҳали тирик-ку.

– Мен ҳам ҳали тирикман, болам...

### ЁҚИМСИЗ ҲОЛАТ

– Олмани тишлаб олгандан сўнг унинг ичида қурт юрганини кўришдан ҳам ёқимсиз нарса борми?

– Ҳа, албатта. Олмани тишлаш ва у ерда яримта қурт қимирлаётганини кўриш...

### «БАХТЛИ» ЙИГИТ

Икки ўртоқ учрашиб қолди.

– Анави куни лотерея билети сотиб олган эдим. Кеча тираж ўтказилди ва мен миллион ютиб олдим!

– Хўш-хўш. Хотининг бунга нима деди?

– Ҳеч нима. У хурсанд бўлганидан соқов бўлиб қолди.

– Буни қара-я! Бир онда шунча бахтга эришибсан-а!

**С. ПЎЛАТОВ** тайёрлади.

## Рекорды Книги Гиннесса



Новый рекорд скорости, зафиксированный в Книге рекордов Гиннесса, установлен беспилотным реактивным летательным аппаратом X-43A, который построило NASA.



Супруги Джон и Хелен Тейлоры на своем «Volkswagen Jetta» попали в Книгу рекордов как самые экономные водители. Они пересекли 48 штатов за 20 дней со средним расходом топлива 3,9 литров на 100 км!



Самый большой в мире мотоцикл, высота которого – 11 футов (3 м 35 см), длина – 20 футов (6 м 9 см). Этот мотоцикл обошелся владельцу в 300 тысяч долларов США.



В Великобритании автомобильный номерной знак с комбинацией букв и цифр – CEO 1 – за 312 тысяч долларов будет занесен в Книгу рекордов Гиннесса как самый дорогой «номер».

# ДУНЁ НАФАСИ

## 2256 ЙИЛДАН КЕЛГАН «МЕҲМОН»



Нью-Йоркнинг федерал терговчилари Уолл-стритда ўзини келажакдан ташриф буюрган меҳмон сифатида таништириб юрган Эндрю Карлсин исмли қаллобни қўлга олишди.

«Меҳмон»нинг айтишича, у 2256 йилдан айни дамга келиб қолганмиш. Муҳими, унга фонд бозорининг икир-чикирлари, ОИТС дан халос бўлишнинг сири ва ҳатто Бен-Ладеннинг яширинган жойи маълум эмиш. Бу хусусда «Ҳафта аргументлари» нашри хабар тарқатган.

Карлсиннинг айтишича, фонд бозорига 800 доллар сармоя тикиб, икки ҳафта ичида 350 миллион долларлик қимматбаҳо қоғозларга эга бўлганмиш. Нашр бу хабар ғарб оммавий ахборот воситаларининг 1 апрель арафасидаги одатдаги ҳазили эканлиги борасида ҳам изоҳ бермаяпти. Негаки, илгари ҳам шунга ўхшаш воқеалар қайд этилган.

## «ЛАЗЕРЛИ МИКРОФОН»



«CanSecWest» дея номганган конференцияда «Inverse Path» британ-итальян компанияси лазер нурлари ёрдамида компьютер клавиатураси ишини мувофиқлаштириб турувчи мосламани тақдим этишди. Аниқроғи, мослама клавиатура вибрациясини лазер нури ёрдамида таҳлил қилади ва фойдаланувчи айнан қайси клавишни босганини электр сигнали орқали аниқлайди.

Ихтиро учун мутахассисларнинг фикрича, 80 доллар маблағ сарфланган. Муҳими шундаки, мослама ҳатто 30 метр узоқдан туриб ҳам одам клавиатуранинг қайси тугмачасини босганини кўрсата олади.

Компания мутахассислари Андреа Баризани ва Даниель Бьянко мосламани «лазерли микрофон» деб номлашяпти. У оддий нур тарқатувчи, махсус дастур частотасини таҳлил қилувчи фотодиод ва махсус луғат тизимидан иборат. Энг муҳими, тадқиқотнинг ўта янгилиги эмас, балки мосламанинг арзон тушишида.

## ЕРДА МАРСДАГИДЕК ЯШАЙСИЗ



Россиянинг «Марс-500» илмий лойиҳаси доирасида Тиббий-биологик муаммолар институти муҳим бир тажрибани амалга оширади. Германия, Франция ва Россиядан 6 нафар кўнгилли 105 кун давомида Марсга парвозга ўхшаш шароитда изоляцияда бўлишади. Бу борада тўпланадиган ахборот келгусида Қизил сайёрага экспедицияни амалга оширишга замин яратади.

Институтнинг ердаги тажрибалари учун яратилган «Марс кемаси» номли махсус мажмуасида 5 та металл «идиш» бўлиб, унда кўнгиллилар 105 кеча-кундуз давомида яшашади. Кемада яшаш учун 150 кубометр, тиббий эҳтиёж учун 100 кубометр, маиший эҳтиёж учун 250 кубометр жой ажратилган бўлиб, унда тренажёрлар, озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омбор, ҳатто гулзор ҳам бор.

## ХАФА БЎЛСА, ХАРИД ҚИЛАРКАН



Британиялик олимларнинг таъкидлашича, аёллар харид қилиш билан салбий ҳиссиётини камайтирар экан.

«Аёллар стресс, тушкун ҳолатларда ҳам дўконма-дўкон юриб, ўзларини тетиклаштиради», – дейди Хертфордшир университети профессори, тадқиқот муаллифи Карен Пайн.

Мазкур тадқиқотда 18 ёшдан 50 ёшгача бўлган 443 нафар аёл қатнашди. Уларнинг ярмидан кўпи бундай ҳолатларда 25, ҳатто 250 долларгача нарса харид қилишганини таъкидлашди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Беш киши қўлга олинди

«Катта йигирмалик» саммити бошланишига бир неча кун қолганда Британия полицияси ушбу тадбирни барбод қилишга тайёргарлик кўраётган беш кишини қўлга олди. «The Times» хабар беришича, улардан қурол макетлари ва қўлбола портлаш мосламалари олинган. Уларнинг барчаси – шу жумладан 16 ёшли ўсмир ва икки нафар 20 ёшли қизлар – Плимут шаҳри ҳудудида қўлга олинган.



### У берегов Ливии затонуло судно с мигрантами

Сотни человек считаются пропавшими без вести после того, как судно с 365 нелегальными эмигрантами на борту, предположительно направлявшееся в Италию, затонуло у берегов Ливии. Это второй подобный инцидент, передает РИА Новости со ссылкой на ливийские власти. По данным Reuters, ливийской береговой охране удалось спасти только 23 человека. Остальные 342 пассажира считаются пропавшими без вести.



### Бангкокда «айланувчи» осмонўпар бино қурилади

Отель ва савдо марказига эга бўлган, 14 гектар майдонни эгаллайдиган «айланувчи» осмонўпар бино Бангкок (Таиланд) марказида қурилиши кўзда тутилмоқда, деб хабар беради РИА Новости ахборот агентлиги. Бино икки қисмдан иборат бўлади: пастки қисми 7 қаватли ўзига хос подиум бўлиб, ундан юқорига томон оҳиста айланувчи 30 қаватли иккинчи қисм қурилади ва унинг таркибида олти юлдузли отель бўлади. Бино лойиҳасини Аманда Ливитнинг архитектура устахонаси ишлаб чиққан.




### Серия терактов и диверсий произошла в Белфасте

Серия терактов и диверсий произошла в Белфасте (Северная Ирландия), передает телеканал «Вести-24». Власти подозревают боевиков, связанных с Ирландской республиканской армией, сообщает Интерфакс. По данным СМИ, за вечер они угнали сразу несколько десятков машин – с оружием в руках останавливали водителей на перекрестках, затем отгоняли автомобили в центральную часть города – и поджигали. Движение на центральных улицах города оказалось парализовано.



### Тизза рентгени бармоқлар изидан ишончлироқ

Кексайиш муаммоларини ўрганиш бўйича миллий институт ва Фармингдейлдаги (АҚШ) Нью-Йорк штати университетининг бир гуруҳ олимлари тизза бўғинларининг рентген сурати бўйича инсон шахсини аниқлашнинг ўзига хос усулини таклиф этдилар. Олимлар фикрича, янги усул анъанавий тарздаги бармоқ изларини солиштириш ёки кўз пардасини сканерлашга қараганда жиноятчиларни аниқлашнинг янада юқори даражасини таъминлайди.



### Олимпийский комитет встал на сторону ВАДА

Президент Международного олимпийского комитета (МОК) Жак Рогге заявил, что Международная федерация футбола (ФИФА) не должна добиваться послаблений от Всемирного антидопингового агентства (ВАДА), сообщает РИА Новости со ссылкой на Reuters. В соответствии с обновленным кодексом ВАДА, который вступил в силу с 1 января 2009 года, спортсмен обязан предоставлять график своего местонахождения на три месяца вперед, обозначив один час в день, когда он будет доступен для сдачи допинг-пробы.

(www.NEWSru.com).

# ТАЪЛИМ

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик

# ЖОЙЛАРДА ХАРИТАСИЗ ЧАМАЛАШ



**1-машғулот.** Чамалаш (мўлжал олиш)нинг моҳияти. Компас, соат, қуёш ва теварак-атрофдаги нарсалар ёрдамида дунё томонларни аниқлаш.

**Ўқув, тарбиявий мақсад:** Ўқувчиларга чамалашнинг моҳиятини, компас, соат, қуёш ва маҳаллий нарсалар ёрдамида дунё томонларни аниқлашни ўргатиш. Жанг шароитида жойларда харитасиз чамалашнинг аҳамияти муҳимлигини англатиш.

**Ўқув саволлари:** 1-ўқув саволи. Чамалаш (мўлжал олиш)нинг моҳияти тўғрисида тушунча.

2-ўқув саволи. Компас, соат, қуёш ва теварак-атрофдаги нарсалар ёрдамида дунё томонларини аниқлаш.

Машғулотнинг кириш қисмида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

– гуруҳ командири ёки навбатчи томонидан гуруҳнинг машғулотга тайёргарлиги тўғрисидаги ахборотини қабул қилиш;

– гуруҳнинг машғулотга тайёргарлик даражасини кўздан кечириб, йўқлама ўтказиш;

– ўтилган машғулот бўйича қисқача савол-жавоб;

– янги мавзу ва унинг мақсадини эълон қилиш.

1-ўқув саволи. 15 дақиқа. Чамалаш (мўлжал олиш)нинг моҳияти тўғрисида тушунча.

Машғулот раҳбари тайёргарлик жараёнида уни ўтказиш жойини, керакли ўқув воситаларини аввалдан ҳозирлаб қўяди. Дастлаб чамалаш (мўлжал олиш) ва унинг моҳияти тўғрисида тушунча берилади. Шундан кейин машғулот раҳбари аввалдан тайёрлаган барча ўқув воситалардан фойдаланиб, тушунтиришни бошлайди. Чамалаш (мўлжал олиш) га нисбатан нишонларнинг ҳолати аниқланади. Чамалаш (мўлжал олиш) горизонт томонлари, рельеф ва маҳаллий предметларга нисбатан ўзининг ва турли объектларининг ҳолатини аниқлаш демакдир.

Аввало горизонт томонларига бўлган йўналишлар аниқланади ва чамалаш (мўлжал олиш) билан белгилаб қўйилади ҳамда кўз билан чамалаш (мўлжал олиш) гача бўлган масофа аниқланади. Ўқув материали мазмуни ўрганилиб бўлингандан кейин ўқувчиларга саволлар берилади ва ўқитувчи кўрсатган ҳаракатни мустақил бажариш буюрилади.

2-ўқув саволи. 15 дақиқа. Компас, соат, қуёш ва буюмлар ёрдамида дунё томонларни аниқлаш.

Ушбу ўқув саволи материалларини ўрганиш горизонт томонларини аниқлашнинг асосий усулларини санашдан бошланади. Компас ёрдамида горизонт томонларини аниқлашга ўтишдан аввал Адрианов компасининг тузилиши ва ишлаш тамойилини тушунтириш лозим.

Машғулот раҳбари ўқувчиларга кучли электромагнит майдонлар, йирик металл буюмлар компас стрелкасини ҳақиқий ҳолатидан ўзгартириб юбориши мумкинлигини уқтириши шарт. Шунинг учун таъкидлаш керакки, компас билан ишлаётганда электр узатиш тармоғи, темир йўл ва металл иншоотларидан 40-50 метр узоқ масофада туриш тавсия этилади.

Машғулот раҳбари компас билан горизонт томонларининг йўналишини аниқлайди. Ундан кейин ўқувчилар машғулот раҳбари кузатувида мустақил равишда горизонт томонларининг йўналишини аниқлашни давом эттирадилар. Ўқувчиларнинг компас ёрдамида горизонт томонлари йўналишини аниқлашни билиб олганларига ишонч ҳосил қилингандан кейин само жисмлари ёрдамида, аввало қуёш ёрдамида горизонт томонларининг йўналишини аниқлашни ўргатишга ўтилади.

Катта ҳажмдаги соатдан фойдаланиб,горизонт томонларининг йўналишини аниқлаш тушунтирилади. Бунда соатдаги стрелкалар ўша пайтдаги ҳақиқий вақтга тўғрилаб қўйилади. Агар тун қоронғусида горизонт томонларининг йўналишини аниқлаш зарур бўлса, катта ва кичик айиқ юлдуз туркумларидан фойдаланиб, қутб юлдузини топиш зарур бўлади. Қутб юлдузи доимо шимол томонда кўринади. Қоронғиликда горизонт томонларининг йўналишини аниқлашни машғулот раҳбарига диафильм ва рангли плакатлар ёрдамида тушунтириш тавсия этилади.

**2-машғулот.** Магнит азимути ва уни аниқлаш. Нарсалар азимути ва магнит азимути бўйича йўналишни аниқлаш.

**Ўқув, тарбиявий мақсад:** Ўқувчиларга магнит азимути, нарсалар ва магнит азимути бўйича йўналишни аниқлашни ўргатиш. Ўқувчиларда кузатувчанлик, топқирлик, аниқлик каби муҳим сифатларни ривожлантириш.

**Ўқув саволи:** Магнит азимути ва уни аниқлаш. Жойлардаги нарсалар азимутини ва магнит азимути бўйича йўналишни аниқлаш.

Машғулотнинг кириш қисмида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

– гуруҳ командири ёки навбатчи томонидан гуруҳнинг машғулотга тайёргарлиги тўғрисидаги ахборотни қабул қилиш;

– гуруҳнинг машғулотга тайёргарлик даражасини кўздан кечириб, йўқлама ўтказиш;

– ўтилган машғулот бўйича қисқача савол-жавоб;

– янги мавзу ва унинг мақсадини эълон қилиш.

**Магнит азимути ва уни аниқлаш. Жойлардаги нарсалар азимутини ва магнит азимути бўйича йўналишни аниқлаш.**

Машғулот раҳбари ушбу ўқув саволи мазмунини баён қилар экан, «азимут» нима эканлигига таъриф беради. Магнит азимути бу – соат стрелкаси йўналиши бўйича ўлчанадиган магнит меридианининг шимол йўналишидан то предметнинг йўналишигача бўлган горизонтал бурчакдир. Машғулот раҳбари тушунтиришда давом этиб, магнит азимутининг миқдори 0°дан 360° гача бўлиши мумкинлигини, агар ўлчов ҳақиқий меридианга нисбатан олиб борилса, ҳақиқий азимут дейилишини айтади. Магнит азимутини аниқлаш учун магнит стрелкасининг тормози бўшатилиб, компас айлантирилади, компасни айлантириш шимолга қараган стрелка 0° ни яъни «С» ҳарфнинг устига етгунича давом этади. Кейин компасни шу ҳолатда ушлаб, компас қопқоғини бураб, мушка предмет йўналиши томонга қаратилади. Мушка олдидаги кўрсаткич шкаладаги ҳисоб (рақам) кўрсатилган предметгача бўлган магнит азимути бўлиб ҳисобланади. Машғулот раҳбари мазкур машғулотни олиб боришда дастлаб таълим муассасасининг ҳовлисидан қулай жойни танлаб олади. Предметларнинг азимутини аниқлаш бўйича барча тўғри ҳаракатларни ўқувчиларга ўзи тушунтиради. Шундан кейин ўқувчиларга кўзга яққол ташланиб турган предметларнинг магнит азимутини ва уларга бўлган тахминий масофани аниқлашни буюради. Планшетдан фойдаланиб, топилган йўналиш схемага киритилади. Ундан кейин тескари берилган вазифа бажарилади, яъни берилган азимут бўйича кўрсатилган предметга бўлган йўналиш топилади ва бу предмет планшет ёрдамида схемага киритилади.

**3-машғулот.** Компас, соат, қуёш ва буюмлар ёрдамида дунё томонларини аниқлаш. Азимут бўйича ҳаракатланиш тартиби, тўсиқларни айланиб ўтиш.

**Ўқув, тарбиявий мақсад:** Ўқувчилар томонидан биринчи ва иккинчи машғулотларда олган билимларини ва малакаларини мустаҳкамлаш. Мустақил равишда берилган азимут бўйлаб юришга ўргатиш. Топқирлик, ташаббускорлик, нотаниш муҳитда мустақил қарор қабул қила олиш тажрибаларини ошириш. Ўқувчиларда кузатувчанлик, топқирлик, аниқлик каби муҳим сифатларни ривожлантириш.

## МАШҒУЛОТНИ ЎТИШ ТАРТИБИ ВА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

Машғулот ўтиш жойи олдиндан ўрганилади ва белгилаб қўйилади.

Танланган ҳаракат йўналишини олдиндан текшириш, оралиқ ва бурилиш жойидаги мўлжалланган нарсаларни аниқлаш ва ҳаракат йўналиши схемасини тузишга эътибор берилади.Ўқувчилар компас ва йўналиш схемаси бўлган планшетлар билан таъминланадилар.

1-ўқув саволи. 10 дақиқа. Компас, соат, қуёш ва буюмлар ёрдамида дунё томонларини аниқлаш. Ушбу ўқув саволи биринчи машғулотнинг иккинчи ўқув саволини ўтказиш услубияти билан бир хилда олиб борилади. Бироқ мазкур машғулотда ўқувчиларнинг мустақил ишлашларига кўпроқ вақт ажратилади.

2-ўқув саволи. 20 дақиқа. Азимут бўйича ҳаракатланиш тартиби, тўсиқларни айланиб ўтиш. Машғулот раҳбари барча ҳаракатларни бошлашдан аввал ўқувчиларни гуруҳларга бўлади. Энг яхши тайёргарликка эга бўлган ўқувчиларни гуруҳ командири этиб тайинлайди. Гуруҳ командирларига йўналишнинг бошланиш нуқтасида мўлжал олишни ва натижаларни айтишни буюради. Олинган мўлжал тўғри эканлигини текшириб бўлгач, азимут бўйлаб юришнинг мақсади жойларда магнит азимути билан берилган йўналишни ва йўналиш схемасида кўрсатилган масофани сақлаш эканлигини таъкидлайди. Ҳаракат йўналиши компас ёрдамида белгилаб борилади, масофа эса қадам билан ўлчанади. Ҳаракатни бошлаш учун азимут компас бўйича қўйилади. Бунда компаснинг ўйиқ жойидан мушкаси орқали ўтадиган чизиқ ҳаракат йўналишини кўрсатади. Мўлжалга қараб ҳаракат қилишдан аввал компас стрелкаси тормозлаб қўйилади.

Ўлчаш икки қадам (чап оёқ билан бошланади) билан амалга оширилади. Биринчи оралиқ мўлжалга етиб келгач, аввалги азимут бўйлаб қаралади ва йўналишнинг иккинчи нуқтаси (яъни «Б» нуқта) кўринмаса яна битта оралиқ мўлжал танланади.

Ҳаракат давом эттирилиб, «Б» нуқтага, яъни бурилиш нуқтасига етиб келинади. Иккинчи нуқтада схемага биноан компас бўйича навбатдаги азимут ўрнатилади.

Шу тартибда азимут бўйлаб юришда кетма-кет бир мўлжалдан иккинчисига ўтиб охирги нуқтагача давом этирилади.

Азимут бўйлаб юришда йўналишнинг бурилиш нуқтасигача чиқиш аниқлиги жойнинг ўзига хослиги, кўриниш даражаси, компасда азимутни аниқлаш ва масофани ўлчашдаги хатоликларга боғлиқ бўлади. Одатда йўналиш нуқтасидан оғиш масофанинг ўндан бир қисмидан ошмайди. Шунинг учун йўналиш схемасидан оғиш юз берганда, бурилиш нуқтасидаги мўлжални босиб ўтилган масофанинг ўндан бири радиуси доирасида топиш мумкин. Агар ҳаракат йўналишида табиий ёки сунъий тўсиқлар учраб қолса, ҳаракат йўналишида тўсиқнинг нариги томонидаги мўлжал белгилаб олинади, унгача бўлган масофа аниқлаб олинади ва уни босиб ўтилган йўлга қўшилади. Машғулот раҳбари ўқувчилар фаолиятини кузатиб, йўл-йўлакай тузатишлар киритиб боради, шу тариқа йўл қўйилган хатоларни ўқувчиларнинг ўзлари англаб етишига имкон яратади.

**Абдулҳошим СОТВОЛДИЕВ,**
**Тошкент давлат педагогика университети ҳарбий кафедраси катта ўқитувчиси.**

# ЁШЛАР

## ИЛМГА ТАШНАЛИК – САОДАТ



Ҳар бир мамлакатнинг эртанги умиди ёшлардир. Юрт тараққиёти уларнинг салоҳияти, билими, ўз кучига ишончи, Ватанга муҳаббати, садоқати билан белгиланади.

Мақоламиз қаҳрамони Лазиз Қобилов ҳам камолотга интилаётган, қўлга киритаётган ютуқлари, муваффақиятлари билан барчанинг олқишига сазовор бўлаётган ёшлардан. Ҳозирда Жиззах давлат педагогика университетининг педагогика-психология факультетида таҳсил олаётган қаҳрамонимиз олий ўқув юртининг энг илғор талабаларидан. Унга барча курсдошларининг ҳавас билан боқиши бежиз эмас.

– Лазиз курсдошларимиз ичида ўзининг билими, қобилияти, тиришқоқлиги билан ажралиб туради, – дейди Бекзод Ботиров. – Унда, айниқса, бошқарувчилик, ташкилотчилик сифати шаклланган. Университет миқёсидаги ҳар қандай тадбир, учрашув, байрам кечалари унинг иштирокисиз ўтмаслиги ҳам шундан. У дўстларига қўлидан келганча ёрдам бериши, улардан ҳеч қачон маслаҳат ва кўмагини аямаслиги билан барчага ўрнак бўлиб келади. Менимча, ундаги бу сифатларнинг шаклланишида армиянинг – ҳаёт мактабининг сабоғини олгани муҳим ўрин тутган.

Айни пайтда университетнинг 3-курсида таҳсил олаётган йигит устози Асқар Қаюмов раҳбарлигида «Комил инсонни тарбиялашнинг педагогик-психологик асослари» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

– Ёшлик – ғайрату шижоатга, орзу ва интилишга, куч-қувватга тўла давр. Айнан шу даврда олинадиган билим, сабоқлар, ўрганиладиган ҳунар гўёки тошга ўйилган нақшдек. Халқимиз бежизга «Бўладиган бола бошидан маълум», деб айтмаган. Келгусида ёш авлодга таълим беришдек шарафли ишни давом эттирадиган бундайин талабаларнинг борлиги биз каби педагогларни қувонтиради, – дейди факультетнинг педагогика-психология кафедраси мудири профессор Ҳамид Мелиев.

Муддатли ҳарбий хизмат Л. Қобиловнинг ҳаётида туб бурилиш ясади, десак муболаға бўлмайди. У Ғаллаорол туманидаги 7-умумтаълим мактабини тамомлагач, университетга ўқишга кириш учун ҳужжат топширди. Бироқ синовлардан ўта олмади. Қатъиятли йигит бундан тушкунликка тушмади. Аксинча, янада тиришқоқлик билан синовларга тайёргарликни бошлаб юборди. Шундай кунларнинг бирида туман мудофаа ишлари бўлимидан чақирув қоғози келди. Шу тариқа синовлардан ўтиб, Ватан олдидаги бурчини ўташга йўл олди.

– Миллий армиямиз сафида хизмат қилганимдан фахрланаман, – дейди у биз билан суҳбатда. – Армияда йигит киши учун керакли бўлган кўпгина билимларни ўргандим. Бундан ташқари, қисмимизда олий ўқув юртига кириш истагида бўлганларга тайёргарлик кўриш учун кўпгина имкониятлар яратиб берилганлиги мен учун айни муддао бўлди. Армияда кўп дўстлар орттирдим. Хизматнинг илк кунлариданоқ бирга бўлган сафдошларим Икром Ботиров, Бобониёз Алижонов, Самад Омонов, Бекзод Шукуровлар билан ҳозиргача қалин дўстмиз.

Муддатли ҳарбий хизмат давомида интилувчан ўғлон ҳарб илми сир-асрорларини пухта ўрганишга ҳаракат қилди. У бу борада яқин кўмакчи бўлган офицерлар Рустам Бекназаров, Насим Пайғамов, сержант Одил Рустамовларнинг номини мамнуният билан келтириб ўтди.

Аскарлик даврида ҳам изланиб толмаган, қисм миқёсидаги турли йиғинлар, кечалар, маънавий-маърифий тадбирларни уюштиришга, кўтаринки руҳ билан ўтказишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, фаоллиги билан барчага намуна бўлган қаҳрамонимиз қисм қўмондонининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий, жанговар ва жисмоний тайёргарликлар бўйича ҳамиша юқори кўрсаткичларга эришиб келган. Ундаги илмга ташналик, соҳа илмини эгаллашга бўлган юксак иштиёқни командирлари ҳам эътироф этишади. Шу боис, тавсиянома учун тест синовларини топшириб, бу муҳим имтиёзга эга бўлганида ҳеч ким ажабланмади. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган йигит олий ўқув юртига ўқишга ҳужжат топширди. Изланиш ва қатъий тайёргарлик ўз мевасини бериб, у талаба деган номга мушарраф бўлди. Албатта, унинг бу орзуси ушалишида тавсияноманинг ёрдами катта бўлди.

Л. Қобилов факультетдаги «Камолот» бошланғич ташкилоти етакчиси ҳамдир. У яқинда «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Камолот»: мен ва имкониятларим» номли маънавий-маърифий дастури доирасида ўтказилган «Камолот» стипендияси танловида ғолиб деб топилди.

Лазиз ўз устида ишлашдан, изланишдан чарчамайди. Буни республика ҳамда вилоят нашрларида 30 дан ортиқ илмий-оммабоп мавзудаги мақолалари чоп этилганидан ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, у халқаро анжуманларда ўзининг долзарб мавзудаги маърузалари билан қатнашиб, эътирофга сазовор бўлган. Шунингдек, жорий йилда университет миқёсида ўтказилган «Гиёҳвандликка қаршимиз» мақолалар танловида 1-ўринни эгаллади.

Умид қиламизки, учраган ҳар турли тўсиқни матонат билан енгиб келаётган йигитнинг келгуси йўллари ҳам нурафшон бўлажак.

**Абдуллоҳ НИЁЗОВ.**
**Ё. ҲАКИМОВ суратга олган.**

Абитуриент – 2009

## ШАРАФЛИ КАСБГА ҲАВАС

**Ватан ҳимоячиси бўлиш, эл-юрт корига камарбаста бўлиб, мустақил диёримиз тинчлиги, осойишталигига ҳисса қўшишнинг нечоғлик эзгу иш эканлигини, бугун кўпчилик ёшларимиз теран англаб етяптилар. Бунга йилдан-йилга ҳарбий билим юрти курсанти бўламан, деб интилаётган йигитларнинг сони ўсиб бораётганидан ҳам билсак бўлади.**

Шу кунларда офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишни шараф ва бурч, деб билган азамат ўғлонларимиз синов, имтиҳонларга қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

Шерзод Бозоров ҳам мана шундай эзгу ниятни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшларимиздан бири. Касб-ҳунар коллежининг 3-босқичида таълим олаётган йигит, ўзини ҳарбийликка тайёрламоқда.

– Коллежда чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан устозим Сирожиддин Юсуповдан соҳанинг илк сабоқларини олаяпман, – дейди у. – Офицерликка қизиқишим 7-синфда ўқиб юрган кезларимда бошланган. Чунки поччам шу соҳада фаолият юритади. Таътилда Муборак опамнинг уйига бориб, бир ой турдим. Улар ҳарбий шаҳарчада яшашади. Шу ерда ҳарбийликка илк ҳавас уйғонди. Бора-бора бу энг олий мақсад бўлиб қолди, мен учун. Бу ниятимни ота-онам ҳам қўллаб-қувватлаб, менга барча шароитларни яратиб беришди.

Шерзод ҳужжатларини юртимиздаги нуфузли ҳарбий ўқув маскани бўлган Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига топшириш ниятида. Шу боис зарур адабиётларни ўқиш билан бирга, жисмоний тайёргарликка ҳам катта эътибор қаратган. Вилоят мудофаа ишлари бошқармасида ўтказилган тиббий кўрик, касбий саралаш синовларида ҳам юқори кўрсаткичга эришиб, офицер бўлиш иштиёқида бўлган ўртоқларига намуна бўлди. Бунда ота-онасининг қувончи бир олам. Маҳалласида ҳам «Қаҳҳор тракторчининг ўғли Шерзод офицер бўлар экан», деган гаплар тарқалди. Барча унга хайрихоҳлик билдирмоқда. Агар у билим юртининг курсанти бўлса, маҳаллада биринчи офицер бўлиш шарафига муяссар бўлади.

Яна бир қаҳрамонимиз яқинда Қуролли Кучлар резервига бўшатилган сурхондарёлик Низомиддин Сайфиевдир. У армияга қадар Самарқанд олимпиа захиралари касб-ҳунар коллежида сабоқ олган. Низомиддин полвонлар авлодидан бўлганлиги боис, ёшлигидан кураш билан шуғулланиб келган. Коллежда ҳам миллий кураш бўйича таниқли полвонлардан сабоқ олиб, ўз маҳоратини янада оширди. Шу боис 2004 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, фахрли ўринга муносиб топилди. Муддатли ҳарбий хизматни десантчилар қисмида ўқчи вазифасида ўтаган ўғлон қисқа муддат ичида илғорлар сафидан жой олиб, командирлари, сафдошлари эътиборига тушди. Спортда эришган ютуқлари учун «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланди. Шунингдек, олий ўқув юртига ўқишга киришга имтиёз берувчи тавсияномага сазовор бўлди. Хизмати мобайнида кўплаб ютуқларга эришган йигит қалбида ҳарбийликка ҳавас уйғонди.

– Ёшлигимдан спортнинг миллий кураш ва енгил атлетика турлари билан мунтазам шуғулланиб келганман, – дейди Низомиддин. – Спортдан гап очишимнинг боиси, муддатли ҳарбий хизматни ўташ давримда ушбу спорт турлари менга анча қўл келди. Жисмоний тайёргарлик машғулотлари вақтида, спорт мусобақаларида яхши натижаларни кўрсатиб, командирларим эътиборига тушдим. Бир сўз билан айтганда, армия менинг ҳаётимда катта ўрин тутди. Ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқдим, тобландим. Ҳарбийликдек шарафли касбга ҳавасим ортди. Эзгу ниятлар билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ҳужжатларимни топширмоқчиман. Мудофаа ишлари бўлимида ўтказилган саралаш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ҳозирда давлат тест синовларига жиддий тайёргарлик кўряпман.

Бу икки йигит билан суҳбатлашар эканман, уларнинг мақсади она Ватанни ҳимоя қилиш, эл-юрт корига камарбаста бўлиш эканлигини ҳис қилдим.

**Фирдавс АҲРОРОВ.**



Эртамиз умиди, ишончи сизлар.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари

## ИЗЛАНИШ – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари сафига Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги Иқтидорли болалар академик лицейи талабаси Камола Пардаева ҳам қўшилди.**

Камола илк бор саҳнага чиққанида беш ёшда эди. Ўшанда у Гулистон шаҳрида ўтказилган «Президент арчаси» тантаналарида «Қорқиз» қўшиғини ижро этганди.

Камола 16-ўрта мактабда таҳсил олиш билан бирга Гулистон шаҳридаги мусиқа ва санъат мактабига, шунингдек, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси қошидаги «Қалдирғоч» болалар ансамблига қатнай бошлади. Вилоятдаги маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этди. 2004 йили Камола Тошкентда ўтказилган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг совриндори бўлди ҳамда болалар эстрада қўшиқлари кўрик-танловида гран-прини қўлга киритди.

2006 йили «Қалдирғоч» гуруҳи «Сирдарё эртасимиз» деб номланган аудиоальбомини чиқарди. Ундан Камола ижросидаги қўшиқлар ўрин олган.

– "Туркистон" саройидаги тантанали йиғилишда ушбу юксак мукофотни топширишганида қувончим ичимга сиғмади, – дейди Камола. – Назаримда, шу куни мендан бахтли одам йўқ эди. Мукофотланган дугоналарим билан устоз шоирамиз Зулфия ҳайкали пойига гулчамбар қўйганимизда, бу номга муносиб бўлиш масъулиятини янада теран ҳис қилдим. Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигига жавобан Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Камола Пардаева лицейдаги устозларидан миллий қўшиқчилик санъати сирларини, жумладан, мумтоз қўшиқларни қунт билан ўрганмоқда. У лицейни тамомлагач, консерваторияда ўқишни давом эттириш ниятида. Санъат олами остонасида турган Камола устозлари ишончини оқлаш учун тинимсиз изланаётир.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАЪНАВИЯТ

## МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА



Ҳарбий қисм маънавий ҳаётида кутубхона ва дам олиш маскани бўлган клубларнинг, офицерлар уйларининг ўрни беқиёс. Чунки посбон дунёқарашининг кенгайиши, интеллектуал салоҳиятининг юксалиши, билим ва тажрибасининг ошиши қолаверса, унинг мазмунли ҳордиқ чиқариши айни шу масканлар билан боғлиқ. Тўғри, замон ўзгармоқда. Тезкор ахборотлар, янгиликлар, ўзгаришлар, кашфиётлар кундалик ҳаётимизнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Демак, ҳарбийларни муҳим хабар ва воқеалардан ўз вақтида огоҳ этиши керак бўлган, инсон қалбини янада гўзаллаштирадиган, эзгу туйғуларга ошно этадиган кутубхоналаримиз ҳам қайсидир маънода замон билан мослашиши, бугуннинг талабларига тўла жавоб бериши зарур. Бу эса маънавий-тарбиявий ишларни янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мудофаа вазирлиги тизимидаги гарнизон офицерлар уйлари, ҳарбий қисм ва муассасалар клуб бошлиқлари ва кутубхона мудираларининг Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган уч кунлик услубий ўқув йиғинида ҳам айнан шу масалаларга эътибор қаратилди.

Анжуман Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи полковник Рустам Нодировнинг маърузаси билан бошланди. У ўз маърузасида ҳарбий қисм ва муассасалардаги маданий-маърифий ишларнинг самарадорлигини оширишда офицерлар уйлари, кутубхона ва клубларнинг ўрнига алоҳида тўхталиб ўтди. Китоб фондини кўпайтириш, келгусида барча қисм кутубхоналарини компьютер билан таъминлаш, интернет тармоғига уланиш, кутубхоначиларни компьютер саводхонлигига ўқитиш, клуб ва офицерлар уйларида ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларнинг мазмун ва моҳияти, ушбу ишларни ташкил этишда маданий муассасалар ходимларининг ўрни ҳамда офицерлар уйлари, клублар фаолиятининг асосий йўналишлари хусусида атрофлича мулоҳаза юритди.

Йиғиннинг иккинчи кунида М. Абилов, Ж. Зулфалиев, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази кутубхоначилик бўйича бош мутахассиси Х. Холматоваларнинг ахборотлаштирилган кутубхона марказларининг фаолияти, кутубхоналарни замонавий адабиётлар, электрон ресурслар билан бойитиш, кутубхонада ва клубда ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларни тайёрлаш, уларни ўтказиш жараёни ва услублари, кўчма кутубхоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш, китобхонлар билан ишлаш қоидалари ҳамда дала машғулотларида маданий ишларни ташкил этишда ахборот техник воситалардан фойдаланиш усуллари, взвод ва бўлинмаларда деворий ва фото газеталарни чиқаришда клуб бошлиқларининг роли ва ўрни, гарнизон офицерлар уйларида турли тўгаракларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш ҳақидаги сермазмун чиқишлари йиғин иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Назарий ва амалий машғулотлар қизғин савол-жавобларга уланиб кетди. Кутубхоналар фаолиятини ташкиллаштириш, клубларда кундалик ишларни режалаштириш юзасидан йиғин иштирокчиларининг ўзлари чиқишлар қилиб, тажриба алмашганларини ҳам таъкидлаш жоиз. Йиғин доирасида иштирокчиларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қиладиган, мазмунли ҳордиқ олишларига ҳисса қўшадиган кенг қамровли маданий тадбирларга ҳам эътибор қаратилди. Айниқса, Темурийлар тарихи давлат музейи, Қуролли Кучлар Марказий музейига саёҳатлар барчага манзур бўлди. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли концерт дастури, Марказий офицерлар саройи кинозалидаги қизиқарли фильм намойиши анжуман қатнашчиларига манзур бўлди.

– Кутубхоначиларнинг бу йилги анжумани ўзига хос тарзда кечди, – дейди офицер М. Абилов. – Мавзуларнинг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги иштирокчиларнинг янада фаоллигини таъминлади. Назарий ва амалий машғулотлар маданий-маърифий тадбирлар билан мутаносибликда олиб борилгани ҳам йиғиннинг сифатини, сермазмунлигини таъминлашда бевосита ҳисса қўшди, дейиш мумкин. Шундай экан, анжуман иштирокчилари билим, тажрибаларини оширган ҳолда янгича куч ва ғайрат билан иш бошлайдилар, посбонларнинг маънавий эҳтиёжлари йўлида беминнат ҳисса қўшадилар, деган умиддамиз.

**Гулнора ҲОЖИЕВА.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

## ЧЕВАР ҚЎЛЛАР МЎЪЖИЗАСИ

**Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида либослар кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур кўргазмада Марказий офицерлар саройи қошида ташкил этилган бичиш-тикиш курсининг ўқувчилари томонидан яратилган миллий ва замонавий либослар намойиш этилди.**







Маълумки, либосларда ҳар бир халқнинг ўзига хослиги, маънавияти, маданияти акс этади. Шу боисдан ҳам миллий кийимларимиз аждодлардан қолган мерос сифатида асрлар давомида сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Мазкур кўргазма аввалида ҳам чевар қизлар томонидан сайқалланиб, замонавий кўриниш акс этган миллий либослар намойиш этилди. Бу либослар асосан атлас ва адрас каби миллий матолардан турли кўриниш ҳамда услубда тикилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг бетакрор ва бежиримлиги билан киши эътиборини тортади. Мазкур либосларни тикиб, моделлаштирган чевар қизлар матога безак сифатида зардўзлик, каштачиликдан ва дуру марвариддек товланувчи тошлардан фойдаланганини томошабинларда катта қизиқиш уйғотди, десак янглишмаймиз.

Шунингдек кўргазмада спорт кийимлари, болалар, аёллар ва эркакларнинг мавсумий кийимлари ҳамда тантанали маросимлар учун мўлжалланган либослар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

– Бугунги кунда ўқув курсимиз ҳузурида чеварлик, пазандачилик, зардўзлик каби ҳунарларни ўргатиш йўлга қўйилган, – дейди курс раҳбари Лобар Аюпова. – Марказимиз ўзининг қисқа фаолияти давомида юзлаб қизларни касб-ҳунарли қилди, оилага тайёрлади. Чунки оилада аёл кишининг ҳунарли бўлиши оиланинг обод ва фаровонлигига замин яратади. Шу боисдан ҳам ота-оналар балоғатга етган қизларини касб-ҳунарли қилишга ҳаракат қилишади. Бу борада ўқув курсимиз ота-оналарга катта таянч бўлмоқда, десак хато бўлмайди. Ташкил этилган бугунги либослар кўргазмаси фикримиз далилидир. Чунки бу кийимлар намойиши курсимиз битирувчиларининг ижодий диплом иши ҳисобланади. Чевар қизларимиз мазкур либосларни ўз диди ва дунёқарашидан келиб чиқиб ҳамда чеварлик иқтидорини ишга солиб яратганлар. Зеро, кийим ҳам инсоннинг кўрки, унинг ўзлигини намоён этувчи муҳим восита ҳисобланади. Инсоннинг асл қиёфаси фақат ташқи кўриниши, яъни қадди-қоматию юз-кўзидагина эмас, балки ўзига муносиб, ярашиқли либосида ҳам намоён бўлади. Кўргазмада намойиш этилган ҳар бир либоснинг бежирим услубини қизларимизнинг ўзлари яратган. Бу қизларимиз тўрт йил давомида олган сабоқларини қанчалик ўзлаштирганликларини мана бугун катта саҳнада, томошабинлар олдида намойиш қилишаяпти. Шогирдларимизнинг ижодий ишларини томоша қилиб туриб хурсанд бўлаяпман. Чунки ҳунарли қизлар сафи ортмоқда. Энди эса улар бемалол мустақил фаолият олиб боришлари мумкин.

– Қизим Холида Тўйчиева мазкур тикиш-бичиш курсида уч йилдан буён таҳсил олади, – дейди Зулхумор опа Пўлатова. – Бугун фарзандим тиккан либосларни кўриб кўзим қувнаяпти. Бир-биридан ажойиб матолардан тикилган, тош ва мунчоқлар билан безатилган бу кийим-кечаклар ҳар қандай кишини мафтун қилади, деб ўйлайман. Шу ўринда, фарзандимга мана шундай бебаҳо ҳунарни ўргатиб, чевар даражасига етказган устозларига миннатдорчилик билдираман.

Кўргазма якунида курснинг энг иқтидорли тикувчи қизлари махсус дипломлар билан тақдирланди. Дипломларни МВ маънавият ва маърифат маркази бошлиғи подполковник Икром Ҳикматов, курс раҳбари Лобар Аюповалар топширдилар. Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

**Г. ТУРСУНБОЕВА.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

**(Тарихий романдан парча)**

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

15

Уччага Ҳожиб айни пайтида етиб келган эди. Кубача Жалолиддиндан мактуб олган, унда султон малика Гулбегим бону ва вазир Шамсулмулкни ҳамда шоҳликка доир бошқа одамларни ўзига қайтаришни сўраган эди.

Не қилмоқ даркор? Кубача Ҳожибдан фикр сўради. Мактубдаги «шоҳликка доир бошқа одамлар» кимлар, Ҳожибни шу қизиқтирар эди, саволга жавоб беришдан олдин уларни билиб олмоқ бўлди.

– Олар кимлардур?

– Бунда шоҳ одамлари бошқа йўқтур, – деди Кубача, сўнг эсига келди шекилли, қўшиб қўйди: – Бир раққоса бор турур, ул шоҳ одами ҳисобланмас.

– Раққоса? – Ҳожиб жонланди.

– Ҳа, раққоса, – деди Кубача, – маликага ул каңизак ҳамдур.

Демак, ўшал... Бўлиб ўтган воқеалар бир дақиқа Ибн Ҳожибнинг кўз ўнгидан ўтди. Қорасоч билан ўтказилган сўнгги кеча, хоқон одамларининг бостириб киргани, уни олиб кетаётганларида аралашаолмагани, қўрқоқлик қилгани... Кейин Парвонда «хотирасини йўқотган аёл» айни ўша эканини билиб, ўзини четга олгани хаёлида тикланди. Офатижон раққосага кўнглида яна мойиллик уйғонди.

Кубача саволни такрорлади.

– Нетмоқ даркор?

Саволга жавоб беришдан олдин Кубачанинг майлини билиш истагида:

– Ўйингиз недур, ҳазрат? – сўради Ҳожиб.

– Маликани султонга қайтармоғим даркор.

–Сабаб?

–Султон... урушмоғига тайёр баҳона топилур.

Ибн Ҳожибга айни шу керак, Жалолиддин Ҳинд ҳукмдорларига ташланмоғи, булар бир-бирини қирмоғи буюк хоқон мақсади-ку, андоқ қилмоқликни Ҳожиб зиммасига юклаган-ку.

– Султоннинг сиз ила олишмоққа ҳозир қурби етмас, – деди Ҳожиб салмоқлаб. – Лашкари сизникидан оз, ҳужумга журъат этабилмагай...

Ҳожибнинг бу сўзи Кубача кўнглига ўтирмади. Бошқа билмаган тақдирда ҳам Ҳожиб билур, Жалолиддин оз аскар ила кўпни мағлуб қилиб келур. Ҳожиб недин номақбул сўзни айтур? Мақсади недур?

Биринчи марта Кубачада Ҳожибга нисбатан шубҳа уйғонди.

– Маликани онга юборурмен, – деди қатъий.

Ибн Ҳожиб дарҳол тусланди:

– Сиз, ҳазрат, бир ишни билмай қилмассиз...

Бу сўздан кейин Кубача олдида Ҳожибнинг нуфузи тушиб кетди. Шамсулмулк ҳақида айтмоқчи бўлган гапини ичида сақлади. Бошқа сўз қотмади.

Ибн Ҳожиб аҳволни ўнглашга уриниб, икки-уч «ақлли сўз» айтган бўлди, аммо бундан «обрўйи» тушса тушдики, кўтарилмади.

16

Ўз хайрихоҳлари орқали Шамсулмулк султондан Кубачага мактуб келганидан, ундаги масалалардан огоҳ бўлган эди. Султоннинг малика борасидаги талабини Кубача бажаришига вазирнинг имони комил эди. Султон ғазаб отини минса, не бўлишини Кубача тушунар.

Вазирнинг ўзига келганида... бунда ҳам Кубача не қилишини англамоқ қийин эмас. Тақдир тақозоси билан Шамсулмулк Уччага келиб қолганида Кубача унга бошпана ва мартаба бериши баробарида ўз дилини ҳам ёрган, Жалолиддин ҳақида ғаразли сўзларини қалаштириб ташлаган эдики, энди бу сирнинг фош бўлишидан чўчир. Табиийки, вазирни султон ҳузурига юбормас. Бунда олиб қолгани ила тирик қўймоғи даргумон... Ўйларки, бир вазирни ўлдирганидан уруш чиқмас. Султонни яхши билмаганидан шундай ўйлар. Султон ўз вазиринигина эмас, ҳатто жиловдорини ўлдирганни ҳам омон қўймас.

Ўз ҳаётининг қил устида турганини яхши билган вазир кўп мулоҳазалардан сўнг султонга махфий мактуб битиб, малика ила пинҳона бериб юборишга аҳд айлади.

Тун ярмидан ошиб, эл оёғи тинганида ёзишга ўлтирди. Ўйлаб қўйган сўзлари бир-бир қоғозга туша бошлади.

«Олий ҳазрат!

Баттол ёғийга бас келиб, ютоғон дарёни кечиб, дағи нусрат ила Ҳинд элинда қарор топганингиз туфайлидин Оллоҳ субҳонаҳу ва таолога ҳамду санолар айтқаймиз.

Яратгандин сўрармизким, манфур қонхўр тўдаларни муборак заминимиздин қувиб чиқармоқлик, буюк Хоразм салтанатин тикламоқликдек бениҳоя оғир иш гарданингизда эркан, бул йўлда зафар Сизга ёр бўлғай!

Ишонурмизким, Сиздаги беқиёс салоҳият ва нодир шууру журъат қийналғон ва топтолғон элимизни ҳурриятга элтгай, буюк Хоразмшоҳларнинг музаффар байроғи дағи ҳилпираб, эрк ва адолатдин нишона бўлиб дунё тургунича тургай!»

Шу сўзлардан сўнг, вазир Уччадаги аҳвол, Кубачанинг қора ниятлари, Ибн Ҳожиб унинг қўлтиғига сув пуркаб турганини, маликанинг навқирон иниси Ҳайдаршоҳнинг қийнаб ўлдирилиши, бошқа воқеотларни бир-бир ёзиб, мактубни ўз аҳволига доир икки оғиз гап билан бундай тугатди.

«Бошим кундада турганин билурмен. Ўлумдин қўрқмасмен, аммоки бундин буёнғи оғир ва машаққатли, шунинг баробаринда хайрли ва нусратли йўлда, Сизнинг, Олий ҳазрат, қатингизда бўлмоқ саодатидин маҳрумлик азоби охирги нафасгача бағримни қон айлагай, руҳимда армон бўлиб қолғай!

Рўзи Маҳшарда дийдорлашмоқ умиди бирла

Шамсулмулк».

Эртаси кун мактубни омон-эсон маликага етказдирди.

17

Шамсулмулк билан малика орасида алоқа боғлаб турганлардан бири Қорасоч эди.

Раққосалик касби унга бошқа аёллардан кўра ўзини озодроқ тутиш имконини берар, ҳукмдор уюштирган кўп базмларда Хоразм рақслари ила оғизга тушиб, кўзи ўйнаган айрим аъёнлар ва саркардаларда висол умидини ҳам қўзғатар, баъзилари гаҳ деса қўлга қўнадигандай эди.

Аммо Ибн Ҳожиб пайдо бўлганини эшитганидан бери Қорасочнинг кўзлари давраларда уни изларди. Уни топиб, ҳаётини заҳар-заққумга айлантиришни истарди. Шу важдан ҳам муайян муддат Уччада қолмоқчи. Малика эса ўзи ила олиб кетмоқни истар. Малика ҳузуридаги ҳозирги суҳбат ҳам айни шу ҳақда.

– Маъзур тутгайсиз, маликам, – деди Қорасоч узрини такрор айтаркан. – Сизнинг ҳузурингизда бўлмоқлик маним учун шарафдур. Лекин ўз кўнглим ўзумга аён. Токи Ҳожиб баттолнинг жонига ўт қўймас эканман, кўнглим жойига тушмас. Ул шайтонга дарс бергувчи ер устинда юришга ҳақли эрмас. Унинг жойи жаҳаннамда эрур. Онга жўнатмоқ даркор. Бул – маним гарданимга тушмишдир.

– Бул оғир юмуш сенинг илгингдин келарми-йўқми, Худо билур, – деди малика. – Балким, бул ниятни кўнглингга Яратганнинг ўзи солгандур. Майли, Қорасоч, қолар бўлсанг, қол, лекин ўзингни эҳтиёт айла. Дағи ўзунг онинг қурбонига айланиб қолмағил.

– Иншооллоҳ, бу гал омад маним бўлғай.

Бу сўзни раққоса шундай ишонч билан айтдики, малика ўз қаршисида ўлтирган гўзал жувон дилида нозик туйғулар билан баробар қаттиқ ғазаб яшаётганига таажжуб қилар, қойил ҳам қоларди.



18

Гулбегимнинг ғам-ғуссага тўла кўнгил косасига бир-икки ютим шодлик майи ҳам қуюлгандек эди. Бундан ичида гўёки митти шам пайдо бўлган, у лип-лип ёниб қоп-қоронғи кўнгил уйига жиндак шуъла таратаётгандек эди. Суюкли ёри султонга етишмоқлик, унинг билан ёнма-ён бўлмоқлигу иссиқ нафасини туймоқлик, дийдоридан баҳра олмоқлик... Оҳ, бу қандоқ саодат!

Аммо султон унинг хабарини топиб, ёғий илгидан қутқариб олаётгани билан худди аввалгидек кулиб қаршиларми, аввалгидек суярми. Ёғий ҳарамидан борар, ахир, малика доғли-доғли кўйлагини кийиб борар, куйиб борар.

Тўғри, ҳарамда кечган кунлари бир он бўлса-да, хасталик уни тарк этмади, кўрпа-тўшак билан битта бўлиб, ўт-олов ичида соатларни, дақиқаларни йиғлай-йиғлай ўтказди. У ўлимини, Кубача эса унинг соғайишини кутди. Буни султонга қандай айтиб бўлғай, айтгани ила ул тушунгайми?!

Бир дам бўлсин ўғли Жамолиддин кўз ўнгидан кетдими. Унинг кемадан ўзини қирғоққа отгани, отажонимга борурмен, дея боши оққан томонга қочиб кетгани, орқасидан ўзининг болагинам деб қичқириб қолгани, уввос солгани, ноласини тўлқинлар ютиб юборгани... буларнинг бари унинг юрак-бағрини куну тун тилка-пора қилмадими!

Тушидами, хаёлидами ўзи билмайди, ўғли фариштали бир одамнинг қўлига тушганини кўрди бир кеча. Шундан бери ўша фаришта-одам ўғлини кўздан яширин тарбият қилаётгандай, бир кунмас-бир кун султон ҳузурига уни етаклаб борадигандай туюлар ўзига. Шояд шундай мўъжиза рўй берақолса, дея Яратганга илтижолар айлар.

Иниси Ҳайдаршоҳ ҳақида келаётган бир-бирига тескари хабарлар хаста кўнглига ханжар каби санчилар. Илоҳи, хунук хабарлар ёлғон бўлғай!

Ҳозир ҳужрада йўлга ҳозирланиб ўтирган малика фикри-ёди ана шу ўйлар билан банд экан, канизак келиб, карвон уни кутаётганини айтди.

**(Давоми бор).**

# АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Юз минг отлиқ қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

***

Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

***

Раият (халқ, аҳоли) аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

***

Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилур.

***

Давлат агар дину ойин (қатъий тартиб, қоида, одат) асосида қурилмас экан,тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

***

Давлат – лашкарлару фуқароларнинг садоқати ва фидойилиги-ла қудратлидир.

***

Қудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.

***

Оғзингга қон тўлган бўлса ҳам душман олдида тупурма!

***

Кечира олишлик – мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади.

***

Номуссиз ҳаётдан номусли ўлим яхши!

***

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ!

***

Очиқ юзлик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлишга интилдим.

***

Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқ кўрсам, уни тарбия қилиб амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширар эдим.

***

Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.

***

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

***

Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирларни биринчи мартаба бўлса – ўнбоши, иккинчи мартаба ботирлик қилса – юзбоши, учинчи мартабасида эса – мингбоши қилиб тайинласинлар.

***

Ҳеч бир сипоҳийнинг хизмати назардан четда қолмасин, чунки улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзигина ҳам инъомга ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойиқдирлар. Уни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмасалар, адолатсизлик қилган бўлурлар.

***

Ёши улуғ, кекса сипоҳийларни ҳурматлаб азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб, билганларидир...

***

Содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди.

***

Юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулойимлик қилдим; қаттиққўллик ишлатиш вақти етса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим.

***

Қайси мамлакатни забт этган ёки қўшиб олган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборли кишиларини азиз тутдим; саййидлари, уламолари, фузало ва машойихига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол, вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини оға-иниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим.

***

Бирор иморатдан бир ғишт олган бўлсам, ўрнига ўнта ғишт қўйдирдим. Қаердаки бир дарахт кесдирсам, ўрнига ўнта кўчат экдирдим.

***

Фарзандларим, миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиз, адолат ва озодлик – дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин.

# ТАРИХ

## АМИР ТЕМУР – МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯЛАРИДА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий музейи бой ҳарбий тарихга эга бўлган илмий-маърифий маскан ҳисобланиб, мустақилликдан сўнг, музейда темурийлар давридаги ҳарбий санъатга бағишланган янги экспозиция ташкил этилди. Бу саркарда бобомизни, демакки ўзлигимизни англаш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Келинг, шу ўринда муштарийларимизни, юрт ҳимоячиларини мазкур экспозиция билан таништирсак.**



**«Темурийлар давридаги ҳарбий санъат» (XIV-XV асрлар)** экспозициялари залида буюк давлат арбоби, моҳир саркарда Амир Темурнинг давлат бошқаруви ва саркардалик фаолияти кенг ёритилган. Экспозициялар орқали ўша давр армияси бошқарув тизими, қуролланиш даражаси ва таркиби билан танишиш мумкин.

Экспозиция «Амир Темур жанговар отида» (рассом Рустам Зиёдиллаев мўйқаламига мансуб) портрети билан бошланади. Портретда Соҳибқирон чап қўлини олдинга баланд кўтарган ҳолда, гўёки «яна бир ғалабадан сўнг мамлакатда тинч-осойишта ҳаёт ҳукм суради, салтанат янада обод бўлиб гуллаб-яшнайди» дея узоқ-узоқларга назар солиб тургандек. Ўнг қўлида мовий рангли, асоси уч халқали давлат байроғи. Уч халқа «уч қитъа ҳукмрони», «куч, адолат, интизом» маъносини англатади. Шу билан бирга тарихчи, темуршунос олимларимиз фикрига кўра «Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон» маъноларини ҳам англатиши мумкин.

Зал бурчакларида асл ўлчамидан 40 баравар кичрайтирилган «Амир ул умаронинг чортуғи», ҳамда 20 марта кичрайтирилган «Сара жангчи баҳодирлар чодири» макети намойишга қўйилган. Чодир ёнида жанговар кийимда, қурол-аслаҳалари намуналари билан «Сара жангчи баҳодир» мум ҳайкали турибди. Макет олдида «Сипоҳнинг яроқ-жабдуқлари ва анжомлари тузуги» матни келтирилган. Тузукда айтилишича, «сафар чоғида оддий аскарларнинг ҳар ўн саккизтасига битта чодир берилган. Ҳар бир жангчи иккита от, ёй, совут, қилич, жуволдиз, қоп, ўнта нина, арра ва тери халтага эга бўлган. Сара жангчилардан бештаси бир чодирга жойлашган. Улардан ҳар биттаси дубулға, совут, қилич, ўқ-ёй, садоқ ва буйруқда кўрсатилган миқдорда от билан таъминланган. Пиёда аскарлар асосан қилич, камон ва керакли миқдордаги ўқ билан сафарга чиққан. Ҳар бир сипоҳ, сара жангчи баҳодир, юзбоши, мингбоши, амирларнинг кийими, яроқ-жабдуқлари ва анжомлари бир-биридан фарқ қилиб, ажралиб турган ҳамда тартиб-интизом жуда кучли бўлган».

Зал пештоқларида тарихнавис олим Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сидан олинган байроқлар намуналари ва миниатюралар ўрин олган, тепа қисмида найзалар намунаси осилган. Бу байроқларнинг аксарияти мовий рангда, асосида уч халқа акс эттирилган давлат байроғи ҳамда асосида шер рамзи туширилгани Самарқанд байроғидир. Демак, Амир Темур давлатининг рамзи – уч халқа ва шер.

«Қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган иморатларга боқинг» экспозициясида «Дорус-саодат», «Занги ота», «Аҳмад Яссавий» мақбаралари, «Регистон» мажмуаси ва «Оқсарой» фотолавҳалари, витриналарда эса, «Темур тузуклари», Амир Темурга бағишланган адабиётлар намойишга қўйилган.

Зал деворларида тоғ эчкиси ва бўри терилари асосларида «XIV-XV асрлардаги қурол-яроғ намуналари» ва ойнали витринада қилич, қалқон, гурзи, чўқмор, ўқ-ёйли камон, ойболта, найзалар, дубулғалар, сувдон, сополдан ишланган қўл гранатаси (асл нусхаси) кабилар жойлаштирилган. Музейлар фаолиятининг асосий мақсадларидан бири, маълум бир экспонат орқали ўша давр муҳитини, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий ҳаётини ҳаққоний равишда, илмий, тарихий, қиёсий ва даврийлик асосида кўрсатиб, асослаб беришдир. Масалан, экспозицияга қўйилган қўл гранатаси (XIV-XV асрлар) сополдан ясалган бўлиб, порох ёки махсус ёнувчи суюқлик билан тўлдирилган. Граната учига махсус пилта (пилик) тиқилиб жанг пайтида ёндирилиб отилган. Намойишга қўйилган сувдон ҳам XIV-XV асрларга оид асл нусхадир.

«Амир Темур давлати харитаси» экспозициясида марказлашган давлат чегаралари ва Соҳибқироннинг уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик ҳарбий юришлари йўналиш белгилари орқали ёритилган. Экспозицияда тўқ яшил ранг билан чегараланган ҳудудлар Амир Темур бошқарган давлат, оч яшил ранг билан чегараланган ҳудудлар эса,Соҳибқиронга бўйсундирилган, уни тан олиб, бож тўлаган давлатлар ҳисобланади. Харитадан Африканинг бир қисми, Европа ва Осиё буюк саркарда қўл остида эканлигини кўришимиз мумкин. Маълумки, Амир Темурнинг разведкаси (яровул) жуда кучли бўлиб, ҳар томонлама мукаммал маълумот тўпланар ва улар асосида жанг режаси, тактика-стратегияси, қўмондони белгиланар эди.

«Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши қилган учинчи ҳарбий юриши» батал диорамасида (диорама муаллифлари Алишер Эргашев, Мухтор Зоиров, Маҳмуд Самиқовлар, 1998 йил) 1394-1395 йилларда Кавказ орти, Терек дарёси бўйлари, Дарбанд яқинида апрель ойида бўлиб ўтган тарихий жанг лавҳалари акс эттирилган. Ҳарбий юриш манзараси мато-мойбўёқ асосида чизилган бўлиб, жанг қилаётган сипоҳлар мум ҳайкаллари билан тўлдирилган. Амир Темур бу жангда захирадаги қўшинларга қўмондонлик қилган ва диораманинг чапдан юқори томонида оқ от чоптириб, қўлини олдинга кўтарган ҳолда ғалабага чорлаб турган. Саркарданинг севимли набираси, отлиқ қўшинларга қўмондонлик қилган Муҳаммад Султон шамширини кўтарган ҳолда диорама марказида акс эттирилган. Амир Темур Олтин Ўрданинг охирги хони бўлмиш Тўхтамишхонни учинчи ҳарбий юришида енгиб, Буюк Ипак йўли устидан тўлиқ назоратни қўл остига олади.

«Катта ва кичик ноғоралар» намуналари экспозицияси «Катта ноғора ва байроқ ато этиш тузуги» асосида намойишга қўйилган. «Катта ва кичик ноғоралар» намуналари асоси темир, ёғоч ва ошланган теридан иборат. Ривоятларга қараганда, Амир Темурнинг пири Сайид Барака ҳазратлари «Доимо зафар ёр бўлсин» деб, ноғора совға қилган эканлар. Қўшинлар ноғора садоси остида жангга киришган, ҳар бир садо ўзига хос «ҳужумга ўтиш», «чекиниш ёки қарши ҳужумга ўтиш», «орқа томонга айланиб ўтиш» каби маъноларни англатган.

«Амир Темур қўшинининг жанговар тартибидан бир кўриниш» (терига чизилган) ва «Амир Темур қўшинининг жанговар тартиби» экспозицияларида буюк саркарданинг моҳирлигига яна бир бор амин бўламиз. «Амир Темур жанговар ҳаракатларидан кўринишлар»да қўшинларининг беш, етти корпусларга бўлиниши терига чизилган ҳолда акс эттирилган. Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлади.

Буюк саркарда Амир Темур ўта интизомли армия тузишга, қўшинларини моҳирона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовлардан тадбиркорлик билан ўтишга ҳамда армиядаги жанговар руҳни юксак даражада ушлаб туришга муяссар бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур барпо этган армиянинг тузилиши Чингизхон тузган қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, ундан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланар эди:

Чингизийлар қўшини ялпи мажбурият асосида ҳарбий хизматга чақириладиган халқ лашкаридан иборат бўлган ҳолда, Амир Темур армияси умумхалқ характерига эга эмас эди.

Чингизхон даврида қўшин асосини кўчманчи омма ташкил қилган эди. Амир Темур қўшинида эса олий бош қўмондон кўрсатган аниқ талабга биноан чорвадорлар қатори косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан машғул аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскарлар олинган.

Амир Темур Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армиясига ўт сочар қурол, яъни тўпраъдни олиб кирди.

Соҳибқирон тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил қилди.

Амир Темур жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида етти қўлга (корпус) бўлиб, жойлаштириш тартибини жорий этди.

Амир Темур армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эркаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналарини кўрсатган.

Амир Темур қўшини таркибини Мовароуннаҳр, Дашти қипчоқ, Хуросон, Эрон, Бадахшон, Мўғулистон, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари ерлардан йиғилган аскарлар ташкил қилган бўлиб, у мунтазам армиясига эга эди.

Соҳибқироннинг ҳарб санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаларидан яна бири – қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан муҳофаза қилиш ва аксинча, ғаним кучларини ён томондан айланиб ўтиб, унга ортдан зарба бериш мақсадида тузилган отлиқ қисм – кунбул(кумбул)нинг жорий этилишидир. Кейинчалик Наполеон армияси жанговар тартибида қўшин қанотларини ҳимояловчи ана шундай қисм бўлганлигини кузатиш мумкин.

Амир Темур мунтазам армияни тузиш, уни бошқариш, жанг қилишда разведка, фаланга услубларини жорий этди, чўл, тоғ ҳудудларида жанг олиб боришга мўлжалланган махсус бўлинмаларни туздики, аждодларимизнинг бу ҳарбий тажрибалари жаҳон ҳарбий санъатини бойитишга салмоқли ҳисса қўшди. Бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатлари ҳарбий академияларида Амир Темурнинг тактика ва стратегиясига бағишланган махсус соатлар ажратилган.

Амир Темурнинг ҳарбий ва дипломатик санъати унга 27 мамлакатни бирлаштирган буюк марказлашган давлат тузишига ва барча жангларда зафар қозонишига имкон яратган. Хуллас, музейнинг «Темурийлар давридаги ҳарбий санъат» экспозициялар залини кўздан кечирган киши марказлашган йирик салтанат барпо этган буюк саркарда бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг серқирра, батартиб, мукаммал фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

**Дилорам РАҲИМОВА,**
**Қуролли Кучлар марказий музейи илмий ходими.**

## СОҲИБҚИРОН ЁДИ – МУДОМ ҚАЛБЛАРДА

**Соҳибқирон бобокалонимизнинг миллий давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни, аҳамиятини барчамиз яхши англаймиз. Ноёб саркардалик, бошқарувчилик салоҳиятига эга бўлган Тарағай Баҳодир ўғлининг биз – авлодларга қолдирган маънавий, маданий меросини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Амир Темурнинг бой ҳаётий тажрибаси, ўгитлари билан яқиндан танишиш, айниқса, юрт посбонлари учун ўзига хос ибрат мактаби вазифасини ўташи шубҳасиз.**



Алоқачилар қисмида ўтказилган тадбирдан ана шундай эзгу мақсад кўзланган. Республика Маънавият тарғибот маркази ва Халқаро Амир Темур жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда халқимизнинг ардоқли шоирлари, эл суйган санъаткорлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этишди.

– Амир Темур – ўзбек давлатчилиги тарихидаги порлоқ сиймолардан биридир, – дейди Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али. – У тарқоқ туркий қабилаларни бир байроқ остида бирлаштириб, марказлашган салтанат бунёд этди. Бобомизнинг биз – авлодларга қолдирган улкан мероси ҳақида кўп гапириш мумкин. Амир Темурдаги зако, билимдонлик, маҳорат, саркардалик салоҳияти барча-барчаси мени ҳамиша ҳайратга солиб келади. Амир Темур ўзи ёзиб қолдирган "Куч – адолатда", "Бир соатлик адолат – юз кунлик ибодатдан афзал" ва бошқа қатор ҳикматларга бир умр амал қилган.

– Улуғ аждодимиз соҳибқирон Амир Темур мангу барҳаёт шахслардан, десак янглишмаймиз, – дейди Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо. – Мен сизларнинг буюк аждодимизга муносиб авлод, ҳарб илмининг чинакам билимдонлари, юртимизнинг ҳар ишда моҳир посбонлари бўлиб шаклланишларингизни тилаб қоламан.

Амир Темур таваллудининг 673 йиллиги муносабати билан ўтказилган ушбу тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Ўзбек миллий академик драма театри актёрлари, Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов ва Эркин Комиловлар томонидан "Соҳибқирон Амир Темур" спектаклидан парча намойиш этилганда, барча гўё бир зумга олис ўтмишга қайтгандек, жангоҳлардаги аскарларнинг ҳайқириғи, қиличлар жаранги, отлар дупурини эшитгандек бўлди.

– Тарихини, ўтмишини яхши билмаган, аждодлари анъаналарини давом эттирмаган миллатнинг келажаги бўлмайди, – дейди муддатли хизмат оддий аскари Эркин Тоиржонов. – Тарихий хотира биз – авлодларга ғурур бахш этиши билан бир қаторда, кўнглимизда ўз кучимизга ва эртанги кунга ишонч туйғусини уйғотади. Аждодларга муносиб бўлишдек эзгу мақсадни шакллантиради.

– Амир Темур ҳаёти, миллий давлатчилигимиз тарихига оид қимматли маълумотларга эга бўлдим, – дейди оддий аскар Беқзод Пармонов. – Менга, айниқса, севимли санъаткорларимизнинг туҳфаси ниҳоятда манзур бўлди. Кўз ўнгимизда саҳнада икки буюк турк султони ва саркардаси жонланди. Бундай тадбирлар орқали катта маънавий озуқа олиш билан бир қаторда, билимларимизни ҳам бойитамиз.

– Бу каби учрашувлар ёшларимизнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади, – дейди катта лейтенант Дилмурод Ғоипов. – Миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз ва тарихимизга, аждодлар қолдирган бебаҳо меросга нисбатан ифтихор туйғуси ила камол топган инсонлардан Ватан тараққиёти йўлида кўп ишларни кутса бўлади. Ўйлайманки, посбонларимизда бугунги файзли кеча жуда яхши таассурот қолдирди.

Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан ижро этилган юртни, Ватаннинг забардаст ва мағрур посбонларини мадҳ этгувчи куй ва қўшиқлар йиғилганларга хушнудлик бахш этди.

**Жамшид АРСЛОНОВ.**

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ички таъминот бўлинмаларида

## КЎКЛАМ НАФАСИ

Кўклам ҳар лаҳзада ўзининг бетакрор гўзаллигини турфа рангларда жилолантириб, кўзларимизни қувонтирмоқда. Яшариш палласининг такрорланмас ҳар дақиқаси ғаниматдир. Шу лаҳзаларда буни ҳеч ким бободеҳқон каби ҳис қилмаса керак. Далаларда эртанги мўл ҳосил учун ҳаракатлар аллақачонлар бошланган. Бу борада Мудофаа вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берувчи ички таъминот бўлинмаларида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда мазкур бўлинмалар фаолиятини янада ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Бу тез орада ўз самарасини бериб, аскар ошхоналари сервитамин қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан янада бойиди. Бундан ташқари ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун шаҳарчаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари ташкил қилинди. Бунинг афзаллик томони шундаки, маҳсулотлар бозор нархидан анча-мунча арзон нархларда сотилди.

– Чорвачилик қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири саналади, – дейди озиқ-овқат таъминоти бошқармасининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати бошлиғи офицер Дониёр Муродов. – Мазкур тармоқнинг ривожланиши нафақат гўшт ва сут маҳсулотлари таъминотининг яхшиланишига, балки қайта ишлаб чиқаришнинг ҳам йўлга қўйилишига катта ҳисса қўшади. Келажакда қилиниши лозим бўлган кўпдан кўп ишларимизда айнан қайта ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

Дарҳақиқат, чорвачилик энг муҳим тармоқлардан бўлиши билан бирга бирмунча мураккаб соҳа ҳам ҳисобланади. Ана шу ўзига хосликлардан келиб чиқиб мазкур соҳага тажрибали мутахассислар жалб қилинган. Соҳа билимдонлари бу борадаги ишларнинг илдамлик билан амалга оширилишини таъминлашга жонкуярлик билан ёндашишлари шубҳасиз.

Округларда иссиқхоналарнинг ташкил қилинганлиги қиш фаслида ҳам шахсий таркиб дастурхонида помидор, бодринг, кўкатларнинг бўлишини таъминлади. Келгуси режаларда иссиқхоналар фаолиятини янада кенгайтириш кўзда тутилган.

Шу кунларда ички таъминот бўлинмалари далаларида иш қизғин. Далалар экин экишга шай қилиб қўйилган. Бу борада Марказий ҳарбий округнинг Ботир Эргашев етакчилик қилаётган, Шарқий ҳарбий округнинг Толиб Раҳмонов етакчилик қилаётган қишлоқ хўжалиги бўлимлари фаолияти таҳсинга сазовор.

Мазкур округларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи ички таъминот бўлинмалари ўтган йилда ҳам баракали ҳосил кўтарган эдилар. Баҳорнинг дастлабки кунлариданоқ олиб борилган ишлар бу йил ҳам маҳсулот етказиб бериш бўйича уларнинг етакчилик қилишларини кўрсатиб турибди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш хизмати олдида турган, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳали талайгина. Биринчи галда таъминот бўлинмаларини қишлоқ хўжалиги техникалари билан тўлиқ таъминлаш, имтиёзли кредитлардан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш лозим бўлади. Режалар улкан. Сунъий ҳавзаларда балиқчиликни ривожлантириш ҳам яхши натижалар берди. Бундан ташқари асаларичиликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу борада дастлабки дадил қадамлар ташланди. Ишлар шу тариқа жадал ривожлантирилса, шахсий таркиб озиқ-овқат таъминотида бўлинмалар томонидан етказиб берилган шифобахш асалнинг ҳам янада кўпайиши шубҳасиз.

Ҳа, булар ўз-ўзидан амалга ошиб қоладиган вазифалар эмас. Бу ишларни амалга оширадиган масъул кишилар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бўйича ўз соҳаларининг ҳақиқий миришкорлари бўлишлари керак. Ўйлаймизки, қишлоқ хўжалиги бўлимларида ўз касбининг ҳақиқий фидойиси бўлган, бажараётган ишининг масъулиятини теран ҳис қиладиган жонкуяр мутахассислар фаолият олиб борадилар.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**







2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

## ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ТАДБИРКОР КЎМАКЧИСИ

**Қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларни олиб кириш орқали ҳосилдорликни янада кўтариш, бу борада кенг шарт-шароит яратиш соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидандир. Фермерларни қишлоқ хўжалигига оид фан ютуқлари билан таништириш, олимлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш бу борада муҳим аҳамиятга эга.**

Қишлоқ мулкдорлари учун замонавий технологиялар ишлаб чиқариш ва янги навлар тавсия этишда Тошкент давлат аграр университетининг ҳам ўз ўрни бор. Истиқлол йилларида қовун ва тарвузнинг иссиқхонада ўсадиган, касалликларга чидамли, тезпишар "Навбаҳор", бодрингнинг "Серсув", "Ғалаба", "Омад" каби навлари юртимиз ҳудудларида экиш учун тавсия этилди. Паст бўйли ғўзанинг тезпишар чатишма уруғларини олиш, тут дарахтларини чатиштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Олма куяси ва бошқа мева-сабзавотлар зараркунандаларига қарши дорилар яратилди. Тупроқ емирилишининг олдини олиш, қизил тупроқли ерлар ҳосилдорлигини ошириш усуллари ишлаб чиқилди.

Айни пайтда агросаноат ривожига хизмат қиладиган технологияларни ўзлаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш мақсадида университетда қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бунда замонавий технологиялар кўрсаткичларини яхшилаш, техникани такомиллаштиришга катта эътибор қаратилаётир. Жумладан, сув тақчиллиги шароитида оби-ҳаётдан самарали фойдаланиш имконини берувчи ўнга яқин ишланма тайёрланиб, уларни саноат корхоналарида кенг миқёсда ишлаб чиқариш чоралари кўрилмоқда. Ғўзапоя орасига буғдой экиш сеялкаси, электр чигит саралагич, ичимлик сувига электр импульсли магнитли ишлов бериш ускуналари шулар жумласидандир.

– Ускуналарда сув тежамкорлигини ошириш билан бирга, ҳосилдорликни янада яхшилаш эътиборга олинган, – дейди университетнинг қишлоқ хўжалик машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш кафедраси мудири Жаббор Алижонов. – Мисол учун, суғориладиган ерга буғдой экиш сеялкасидан фойдаланилганда сув 30 фоиз, уруғ сарфи эса 20 фоизгача камаяди. Магнитли ишлов бериш ускунаси эса ер ости сувларини санитария меъёрларига жавоб берадиган ичимлик суви даражасида тозалаб беради.

Изланишларимиз юртимизда ўтказиб келинаётган инновацион лойиҳалар кўргазмасида муносиб баҳоланди. Учта ишланма бўйича давлат дастури доирасида грант ютдик. Мазкур маблағ эвазига бу йил аспирантларимиз томонидан таклиф қилинган уч турдаги қишлоқ хўжалиги ускунасини ишлаб чиқариш, хўжалик шароитида синаш ва жорий этиш режалаштирилган.

Айни пайтда "Роторли дон майдалагич (тегирмон)" қурилмаси, "Дон маҳсулотларига поғонали ишлов бериш қурилмаси" ва "Пояли озуқаларни винтсимон майдалагич" ускунаси устида иш олиб борилмоқда. Ҳар учала иш ҳозирга қадар бир қатор фермер хўжаликларида синовдан муваффақиятли ўтди. Қурилмалар қулай, ихчам ва тежамли. Масалан, янги ихтиро қилинган тегирмон уй шароитида кўп жойни эгалламасдан, кам энергия сарфлаб соатига 55 килограмм маҳсулот ишлаб чиқаради.

Мамлакатимизда чорвачилик тобора ривожланиб, ихтисослашган фермер хўжаликлари, аҳолининг шахсий чорва моллари кўпаймоқда. Ана шу омилни ҳисобга олган ҳолда бир ва уч фазали тармоқда ишлайдиган пояли озуқаларни майдалаш ускунаси яратилди. Уй шароитида кам электр қувватида ишлай оладиган бу ускуна орқали ҳар қандай озуқа экинини қайта ишлаш мумкин.

Мазкур ишланмаларнинг ҳаммаси патентлар билан ҳимояланган. Ҳозир Тошкент агрегат заводи, Тошкент трактор заводи ва "Агромаш" заводида ушбу ускуналарнинг айрим эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилмоқда. Уларни ҳаётга кенг татбиқ этиш мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини кучайтириш, таннархи ва энергия истеъмолини пасайтириш, хусусий инвестициялар оқимини кўпайтириш имкониятини янада кенгайтиради.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

Юртимиз қишлоқлари

## ВОДИЙ БАҒРИДАГИ ОЛМОС

Гуллар диёри Наманганда бир-биридан гўзал гўшалар кўп. Лекин улар орасида ҳавосининг софлиги, табиатининг гўзаллиги, тупроғининг унумдорлиги билан ажралиб турувчи бир қишлоқ бор. Унинг номи — Олмос.

"Бу турфа гуллар, айтинг, муҳаббат боғиданму,
Шунча чиройли бўйли Олмос қишлоғиданму?!"

Хонанда Абдурауф Олимов ижро этган, кўнгилларимизни забт этган ушбу машҳур қўшиқда ҳам Олмос тараннум этилган.

— Қишлоғимизнинг одамлари содда, тўғрисўз, меҳнатсевар кишилардир. "Олмосда деҳқоннинг пирлари яшайди" деган гап бежиз эмас. Уларнинг заҳматкашлиги туфайли "толмас"лар ҳам деб айтишган. "Олмос" сўзи шундан келиб чиққан деган тахминлар ҳам бор, — дейди истеъдодли шоира Хосият Рустамова. — Мен шу қишлоқ фарзанди эканимдан жуда фахрланаман. Адабиётга, шеъриятга бўлган иштиёқим болалигим кечган шу қишлоқдан бошланган. Айтиш мумкинки, ижодимнинг асосий илҳомчиси ҳам – қишлоғим. Бу муқаддас туйғу ҳаммамизга хос. Масалан, бошқа қишлоқликлар ҳам вилоят ёки тумандан четга чиқишганда, "Қаердансиз?" деб сўрашса, кўпинча "Олмосданман" деб жавоб беришининг ўзиёқ қишлоғимизнинг машҳурлигидан далолат.

Қирқ минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қиладиган қишлоқда асосан боғдорчилик ва бошқа экинлар, шунингдек пахта кўп етиштирилади. Бу гўшани бир кўриш, хушманзара табиатидан баҳраманд бўлиш учун бу ерга ташриф буюрган Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом қишлоқ қизларига ҳавас қилиб, фарзандига Олмос деб исм қўйган экан. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома" асарида таъриф берган Парилар қишлоғи ҳам айнан шу жойдир. Ривоят қилишларича, бу ернинг қизлари парилардан тарқалгани учун ҳам жуда сулув ва хушсурат бўлишаркан. Яқин-яқинларгача олмосликлар қизларини бегонага беришмаганининг боиси ҳам ана шунда бўлса, ажаб эмас.

Водий бағридаги бу сўлим маскан неча-неча фидойи фарзандларни вояга етказмаган, дейсиз. Масалан, замондошларимиздан "Ўзбекнаво" миллий эстрада бирлашмасида кўп йиллар директор бўлиб ишлаган Баҳодир Абдураҳимов, "Чаён боласи" фильми орқали халққа танилган Улуғбек Мамадалиев, журналистлар — Эрмамат Нурматов, Комилжон Каримжонов, Навбаҳор Мамажонова ва таниқли олимлар Шавкат Отажонов ва Миродилла Ҳайдаров шу қишлоқ фарзандлари.

Мустақиллик йилларида Олмоснинг чиройига чирой қўшилди. Янги иқтисодиёт коллежи, иқтидорли болалар мактаб-интернати қурилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да эса вилоят телевидениеси ижодкорлари "Олмос" деб аталган ҳужжатли фильм яратиш ниятидалар.

**Мактуба АВЕЗОВА.**

# СПОРТ

Баскетбол

## ВПЕРЕДИ РЕШАЮЩИЕ ИГРЫ

**В играх очередного тура чемпионата Узбекистана, прошедшего в Бухаре, подтвердил свои лидерские позиции МХСК, уверенно обыграв всех соперников.**



Опять главным матчем тура стало противостояние МХСК с «Южанином» из Навои. Несмотря на то, что армейцы играли без ряда ведущих игроков, главному конкуренту не удалось выиграть и на этот раз.

В итоге к стадии плей-офф команды подошли в таком порядке: МХСК, «Южанин» (Навои), ТГТУ и «Бухара». В матчах серии плей-офф за первое место сыграют МХСК и «Южанин», а ТГТУ и «Бухара» разыграют бронзовые награды чемпионата.

В разговоре с нашим корреспондентом старший тренер МХСК майор Олег Левин подчеркнул, что последний тур команда использовала для проверки в деле перспективной молодежи, дав отдых игрокам основного состава. В матче против «Южанина» не смогли помочь команде и Абдурахманов с Хабибуллиным. Первого беспокоила травма правой руки, а второй простыл, высокая температура не позволила выйти на площадку.

Старший тренер особо отметил наибольший вклад в общий успех Вячеслава Денисова, Ильдара Сафарова и Александра Яхина, акцентировав внимание на слаженность игры команды в целом, сплоченность и нацеленность на победу.

Остается пожелать армейским баскетболистам с таким же настроем подойти к серии игр плей-офф, которые пройдут 27-30 апреля в городе Ташкенте.

**Майор Анвар КАСЫМОВ.**
Фото **автора.**

Кикбоксинг

## ШЕСТЕРО В СБОРНОЙ

**Таков итог солидного выступления представителей армейского клуба МХСК на чемпионате Узбекистана по кикбоксингу, завершившемся на прошлой неделе в столице. Из восьми наших бойцов шестеро заняли призовые места.**

А если учесть, что этот чемпионат был отбором на предстоящие Азиатские игры, то значимость медалей наших атлетов еще возрастает. Ведь все шестеро добились права на подготовку к данным соревнованиям в составе национальной сборной страны. А кто поедет на Азиаду, станет известно позже, после спаррингов.

Задал тон выступлениям спортсменов МХСК старший тренер по кикбоксингу, трехкратный чемпион мира майор Бахтиер Норов. Читатели нашей газеты помнят, что Бахтиер в 2006 году на чемпионате мира в Ташкенте стал победителем по версиям фулл-контакт и боди-контакт. А еще через год в Афинах одержал победу по версии лоу-кик.

На этот раз майор Б. Норов стал чемпионом страны по версиям фулл-контакт и лайт-контакт. Нашему мастеру на пути к победе пришлось провести шесть поединков. В первом он уверенно выиграл у соперника из Ташкента, во втором у бойца из Андижана, в третьем у представителя спортклуба «Барс». В последующих трех боях он сломил упорное сопротивление бойцов из Самарканда, Сырдарьи и клуба «МГА-спорт».

По словам самого Бахтиера, самым трудным соперником стал для него боец из «Барса» Руслан Касымов.

Победный почин наставника поддержал еще один армеец Нурали Бахриддинов, в весе до 54 кг завоевав две золотые награды по версиям фулл-контакт и лоу-кик. Только в финале уступил его одноклубник Хумойин Турсунов, заняв второе место в весе до 67 кг по версии семи-контакт. У нашего Хуршида Курбанова — серебряная медаль в весе 63,5 кг по версии лоу-кик.

Еще двое армейцев стали бронзовыми призерами чемпионата Узбекистана — это Тохир Ортиков (69 кг, лайт-контакт) и Рамзи Рахимхужаев (63,5 кг, лоу-кик, лайт-контакт).

Остается поздравить тренерское трио МХСК в составе майора Бахтиера Норова, Атхама Рашидова и Хуршида Ишонхужаева, обеспечившее солидное представительство МХСК в составе национальной сборной страны.

Награды победителям и призерам чемпионата вручал президент Федерации кикбоксинга Узбекистана Сардор Ташходжаев, вносящий весомый вклад в развитие этого вида спорта в нашей стране.

**Ермурат АЙНАТДИНОВ.**
Фото **автора.**





Футбол

## ҲАЛИ ҲАМ ИМКОНИЯТ БОР

2010 йилда Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати йўлланмаларини берувчи саралаш босқичи ҳозирда жуда қизғин паллага кирди. Ўтган ҳафта мобайнида сайёрамизнинг деярли барча қитъаларида мазкур босқичнинг бир йўла икки тур ўйинлари ўтказилди. Шубҳасиз, мухлисларимизни биринчи навбатда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўтказган учрашувлар катта ҳаяжон остида ушлаб турди.

Дастлаб, юртдошларимиз «Пахтакор» марказий ўйингоҳида Қатар терма жамоасини қабул қилишди. Мазкур учрашув футболчиларимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки аввал ўтказилган тўрт учрашувда ҳамюртларимиз атиги 1 очко жамғаришган, мазкур учрашувдаги мағлубият ёки дуранг натижа улар учун жаҳон чемпионатига йўлни бутунлай беркитиши мумкин эди. Учрашувдан бир кун аввал ўтказилган матбуот анжуманида терма жамоа бош мураббийи М.Қосимов ўз шогирдларидан «жанг майдонига тушгандек кураш олиб боришларини илтимос қилгани»ни таъкидлаб ўтган эди.

25 мингдан ортиқ футбол мухлислари қўллаб-қувватлаши остида кечган бу ўйин юртдошларимизга узоқ кутилган ғалабали онларни келтирди ва сўна бошлаган умид учқунларини қайта уйғотди. Саралаш босқичининг 1-турида Дохада айнан Қатар футболчиларидан кутилмаганда 0:3 ҳисобида мағлубиятга учраб қайтган футболчиларимиз майдонга ўша мағлубият англашилмовчилик бўлганини исботлаш учун ҳам ишонч билан чиқдилар. Ўйин тўлиқ майдон эгалари устунлиги остида ўтди десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Статистик кўрсаткичлар ҳам бундан далолат беради. Амалга оширилган бурчак тўплари бўйича ҳисоб – 12:2. Қатарликлар 90 дақиқа давомида майдон эгалари дарвозаси томон атиги икки бор зарба йўллашган, улар ҳам ноаниқ бўлган. Шу ўринда ҳимоячиларимизнинг ажойиб ўйинини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Шуниси қувонарлики, футболчиларимиз бу сафар тезкор, ҳужумкор ўйин намойиш этиб, сўнгги дақиқаларгача устунликни ўз қўлларида сақлаб туришди. Кетма-кет ҳужумлар натижасида 35-дақиқада ҳисоб очилди. Жарима майдонида ҳимоячилардан эпчилроқ ҳаракат қилган Фарҳод Тожиев боши билан тўпни дарвозага йўллади – 1:0. Биринчи бўлимнинг сўнгги дақиқасида яна Ф.Тожиев меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олди – 2:0.

Иккинчи бўлимда ҳам ўйин суръатини пасайтирмаган футболчиларимиз яна икки бор рақиб дарвозабонини доғда қолдириб, 4:0 ҳисобидаги ажойиб ғалабага эришдилар ва муносиб реванш олдилар. Кейинги голларга яна Ф. Тожиев ва захирадан майдонга тушган А. Солиев муаллифлик қилишди. Ушбу муваффақият М.Қосимов шогирдларига очколар сонини 4 тага етказиш ва турнир жадвалидаги ҳолатни бироз яхшилаб олиш имконини берди.

Олдинда эса терма жамоамизни Австралия билан сафарда ўтказиладиган яна бир муҳим учрашув кутмоқда эди. 1 апрель куни бўлиб ўтган мазкур учрашув футболчиларимиз учун оғир кечиши олдиндан маълум эди. Чунки деярли барча футболчилари Европа жамоаларида тўп сурадиган Австралия терма жамоаси қитъамиздаги энг кучли жамоалардан бири. Шунга қарамай футболчиларимиз кучли рақибга муносиб қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилишди. Ҳатто учрашув бошида бир нечта қулай имкониятларга ҳам эга бўлдилар. Аммо бу сафар омад майдон эгаларига кулиб боқди ва улар 2-бўлим ўрталарида киритилган голлар эвазига 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Ҳали олдинда яна иккитадан учрашув бор. Демакки, терма жамоамизда очколар жамғариб олиш учун имкониятлар етарли. Футболчилар руҳан бўшашмай, курашни давом эттирадилар ва мухлисларини яна хурсанд қиладилар, деб ишониб қоламиз.

**М. САЙДИВАЛИЕВ.**

Ушу

## МҲСК ЖАМОАСИ – БИРИНЧИ

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида яккакурашнинг ушу тури бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

Шахсий биринчиликда юртимизнинг энг тажрибали ушу усталари – Исмоил Магометов, Нодир Ҳасанов ва Артём Юдин ғолиб чиқишди. Мусобақада ҳар томонлама ўзини кўрсатган И. Магометов олтин медаль билан бирга навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган йўлланмани ҳам қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида МҲСК жамоаси вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. Қолган совринли ўринлар «Олимпия» ва «Тенгдош» клублари шарафини ҳимоя қилган ушу усталарига насиб қилди.

Шахмат

## ТАЖРИБА УСТУН КЕЛДИ

Учинчи бор ташкил этилган шахмат бўйича Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган халқаро турнирда тажриба ва маҳорат ўз сўзини айтди.

Россия, Исроил, Бельгия, Белорус, Болгария, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда республикамиздан 98 нафар шахматчи ўн кун давомида кескин беллашувларда дона суришди.

Халқаро турнирда ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновнинг ҳам иштирок этиши мусобақа нуфузи йилдан-йилга ошиб бораётганини кўрсатади.

Якунда россиялик тажрибали Виталий Цешковский 9 имкониятдан 7,5 очко жамғариб ғолиб чиққан бўлса, тожикистонлик Фаррух Амонатов 7 очко билан иккинчи, ҳамюртимиз Антон Филиппов эса 6,5 очко тўплаб, учинчи поғонани банд этди.

Рустам Қосимжоновнинг бу гал унчалик омади чопмади. Яъни, у олти очко жамғаришга муваффақ бўлди.

Турнирда ўз омадини синаб кўрган Ўзбекистон аёллар терма жамоасининг етакчи спортчилари Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова ҳамда Нодира Нодиржоновалар тўққиз имкониятдан беш очко тўплашга эришдилар.

# МАДАНИЯТ

## ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДРЛАНАДИГАН БАЙРАМ

Наврўз халқимизнинг энг севимли байрамларидан. Унда меҳр-оқибат, қадимий урф-одатлар, миллий анъаналаримиз бўй кўрсатиб туради. Шу сабабли бу айём бетакрор, ўзлигимизга хосдир.

Айни дамда ҳам Наврўз куй-қўшиқлари, тантаналари юртимиз бўйлаб давом этаяпти.

– Наврўз бу ўзига хос, ватанпарварлик руҳига эга миллий байрамимиз, – дейди офицер Мўминжон Носиров. – Шу сабабли бу айёмни ҳар йили қадриятларимизга суянган ҳолда ўтказамиз. Бунда миллий кураш ва ўйинларимизга алоҳида эътибор қаратилади. Беллашувларда нафақат ҳарбий хизматчилар, балки уларнинг оила аъзолари ҳамда Қуролли Кучлар хизматчилари ҳам иштирок этишади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Раънохон Ашурматова бошчилигида аёллар катта дошқозонда сумалак қайнатишди. Байрам дастурхони учун турли хил миллий таомлар, кўк сомса, кўк чучваралар тайёрлашди. Йигитлар эса ота-боболар анъаналарини давом эттирган ҳолда миллий кураш ўйинларида астойдил беллашдилар. Ўйин-кулгилар баҳор неъматлари билан безатилган дастурхон атрофида давом этди. Капитан Шавкат Тўлаев бошчилигидаги ҳарбий оркестр аъзолари барчага байрамона кайфият улашди. Кўтаринки руҳ аъло хизмат демакдир. Ўйлайманки, байрам посбонларимизда катта таассурот қолдирди.

– Наврўз байрами сафларга энди қўшилган биз аскарлар учун жуда кўнгилли кечди. Ҳарбий қисмда баҳор байрами бу қадар эътибор билан ўтказилади, деб кутмаган эдик, – дейди оддий аскар Жонибек Эгамбердиев. – Посбонларни сумалак ва турли хил баҳор таомлари билан безатилган тўкин дастурхонга таклиф этишди. Миллий ва замонавий куй-қўшиқлар ижро этилди. Спорт ўйинларида сафдошларим ҳам иштирок этишди. Байрам бизга кўтаринки кайфият бахш этди.

Ҳа, миллий қадриятларимиз қадрланадиган Наврўзи олам байрами ўзига хос руҳга эга. Унда миллат тимсоли, аждодлар тимсоли, Ватан тимсоли мужассам. Бу эътироф эса Ватан посбонларига кўтаринки руҳ бағишлайди, уларни аъло хизматга чорлаб туради.

**Зулфия ЮНУСОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**





В гарнизонных Домах офицеров

## ЗАПОМНИТСЯ НАДОЛГО

**В эти светлые, наполненные солнечным теплом весенние дни, когда пробуждается природа, цветут сады и зеленеют поля, мы празднуем Навруз – начало нового года.**

В Доме офицеров Чирчикского гарнизона прошел ряд мероприятий, посвященных Наврузу. Задали тон празднику детские спектакли, где самые маленькие зрители имели возможность познакомиться с историей возникновения этого древнего, но вечно юного праздника.

Затем началась концертная программа для членов семей военнослужащих и учащихся курсовой сети Дома офицеров. Колоритные народные танцы коллектива «Азия» под руководством Л. Агзамовой, лирические песни в исполнении А. Реймова и Я. Абдурашитова чередовались с современными танцевальными композициями группы «Нью-Стайл» под руководством Н. Михальченко и группы спортивного танца А. Ситниковой.

Завершилась концертная программа показом мод «Весна-Лето-2009». Но праздник не закончился, всех зрителей ждало праздничное угощение – сумаляк.

Гостям Дома офицеров надолго запомнится этот добрый, весенний день.

**Наш корр.**



Культурная жизнь в округах

## С ЗАБОТОЙ О СОЛДАТАХ

**Совсем недавно Вооруженные Силы нашей Родины пополнились вновь прибывшими солдатами срочной службы. В Ташкентском военном округе немало делается для того, чтобы разнообразить культурный досуг начавших службу воинов.**

Так, на днях в Чирчикском гарнизоне состоялся концерт для военнослужащих срочной службы. Открыл программу военный оркестр под управлением майора Б. Билялова, порадовав зрителей маршами и популярными мелодиями современных композиторов. К участию в концертной программе были привлечены лучшие творческие коллективы города Чирчика, и он стал для военнослужащих настоящим праздником. Так, танцевальная группа «Грация» порадовала зрителей яркими народными танцами, а группа «Нью-Стайл» под руководством Н. Михальченко вызвала восхищение у зрителей современными ритмичными композициями. Надолго запомнятся военнослужащим лирические вокальные композиции в исполнении А. Реймова и Улугбека.

В Чирчикском гарнизоне регулярно проводятся мероприятия, посвященные обогащению духовного мира воинов. Так, для недавних призывников была проведена экскурсия в Музей боевой славы ТВО. Солдаты с большим вниманием слушали рассказ экскурсовода о подвигах воинов-узбекистанцев на полях сражений Второй мировой войны, вглядывались в лица солдат и офицеров на фотографиях. Примечательно, что подобные мероприятия не просто повышают культурный уровень военнослужащих, расширяют их кругозор, но и способствуют воспитанию личного состава в духе патриотизма, любви и верности своему народу и Родине.

**Ирина КУРБАНОВА.**



## КЎНГИЛЛИ УЧРАШУВ

**Турли учрашувлар, кўнгилочар тадбирлар инсонларнинг қалбига кўтаринкилик бахш этишга хизмат қилади. Агар унда эл ардоғидаги санъаткорлар иштирок этса, нур устига аъло нур бўлади. Шубҳасизки, бундай тадбирлар масъулиятли хизмат эгалари бўлган ҳарбий хизматчилар учун ҳам янада қадрли. Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг дам олиш кунларини сермазмун ўтказиш, қалбларига қувонч олиб кириш мақсадида ўтказилган учрашув ҳам ана шу жиҳати билан қимматлидир.**

1 апрель – Кулги куни муносабати билан ўтказилган мазкур учрашувда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театри актёрлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Қаюмова, актёрлар Алишер Отабоев, Мақсуда Отажонова, Умид Шодмоновлар иштирок этишди.

Ушбу мусиқали драма театрининг кўплаб спектакллари халқимиз олқишига сазовор бўлаётганига гувоҳмиз. Театр актёрлари томонидан ижро этилаётган, юзлаб маротаба саҳна юзини кўрган «Супер қайнона», «Жайдари келин» спектакллари фикримиз далили. Мазкур учрашувда ҳам актёрлар мана шу спектакллардан парчалар ижро этишди. Тадбир давомида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли санъаткорлари ижросидаги қўшиқлар рақсларга уланди. Шунингдек, посбонлар актёрларнинг қизиқчилик маҳоратидан ҳам баҳраманд бўлишди. Энг асосийси, улар таниқли актёрлар билан учрашувда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

– Ҳарбий либос эгалари учун юрт тинчлигини асраш, Ватанни ҳимоя қилиш қай даражада азиз бўлса, биз санъаткорлар учун халқ хизматида бўлиш, эл меҳрини қозониш, юрт ҳимоячилари эътиборига сазовор бўлиш шу даражада фахрли, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Қаюмова. – Шу боисдан ҳам посбонлар ҳузурида улар билан дилдан суҳбатлашиб, санъатимизни намойиш этганимиздан жуда бахтиёрмиз. Илоҳим, юртимиз ўғлонлари сафида мана шундай мард, жасур йигитлар сони кўпаяверсин. Улар бор экан, тинчлигимиз, осойишталигимиз бардавом, элда шоду хуррамлик ҳукмрон. Ниятимиз, бахт ва саодат уларга доимо ҳамроҳ бўлсин.

– Бугунги тадбирга турмуш ўртоғим ва фарзандларим билан келдик,– дейди офицер Мухтор Рўзиевнинг турмуш ўртоғи Камола Рўзиева.– Учрашув бизга жуда манзур бўлди. Театр актёрларининг ҳар бир чиқишлари мароқли кечди. Бундан буён ҳам мана шундай тадбирлар давом этаверсин.

– Бугунги учрашув ғоят сермазмун ва эсда қоларли бўлди,– дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти Искандар Дониёров. – Севимли санъаткорлар билан дийдор кўришишнинг ўзи қувончли. Актёрлар ижросига ҳамоҳанг равишда тадбир давомида янграган куй-қўшиқ ва рақслар бу қувончимизга қувонч қўшди, дилдан яйрадик. Бунинг учун тадбир ташкилотчиларига раҳмат деймиз.

**Гулнора МУРОДОВА.**

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси,
Рустам НОДИРОВ, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ,
Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ,
Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи майор А. САФАРОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМОЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида
Р. Ислакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 25350.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № J-7162.